А. У. АБДУЛҲАМИДОВ, С. Х. ХУДОЙНАЗАРОВ

ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИДАН МАШҚЛАР ВА ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси,
проф. Т. АЗЛАРОВ таҳририда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 1995

Тақризчилар: физика-математика фанлари докторлари, профессорлар Н. МУҲИДДИНОВ, М. ИСРОИЛОВ

Муҳаррир — Н. Ғоипов

Абдулҳамидов А. У., Худойназаров С.

А 15 Ҳисоблаш усулларидан машқлар ва лаборатория ишлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма / Т. Азларов таҳририда.— Т.: Ўзбекистон, 1995.—223 б.

I. Автордош.

ISBN 5-640-01779-1

Ушбу қўлланма университетлар, педагогика институтлари ва олий техника ўқув юртларининг «Ҳисоблаш усуллари» курси материалини ўз ичига олади.

Китоб университетлар, педагогика институтлари ва олий техника ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган.

22.19я73

$$А\ \frac{1602120000-51}{М\ 351\ (04)\ -95}\ 95$$

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1995 й.

СЎЗ БОШИ

Ушбу масалалар тўплами университетларнинг «математика» ихтисоси бўйича «Ҳисоблаш усуллари ва ҳисоблашлардан практикум» курси дастури асосида тайёрланди. Китобни ёзишда ҳозирги вақтда амалда қўлланилаётган қатор дарсликлар ва қўлланмалардан фойдаланилди, қўлланманинг I—VII боблари профессор М. И. Исроиловнинг «Ҳисоблаш методлари, I қисм» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1988) ўқув қўлланмасига мувофиқлаштирилди.

Қўлланма ўн бир бобдан иборат бўлиб, ҳар қайси бобнинг бошида ҳисоблашлар учун зарур назарий маълумот ва типик машқларни ечиш усуллари, услубий кўрсатмалар берилган, сўнг мавзуга доир машқлар, лаборатория иши вариантлари келтирилган. Китобнинг охирида боблар бўйича машқларнинг жавоблари ва уларни ечиш учун кўрсатмалар келтирилган. Мураккаб ҳисоблашларни ЭҲМ ёки микрокалькулятор (асосан, уларнинг программаланадиган турлари) ёрдами билан бажариш кўзда тутилади.

Ўзларининг қимматли маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари билан ушбу қўлланманинг такомилига ҳиссаларини қўшган Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси проф. Т. А. Азларовга, проф. М. И. Исроилов, проф. Ш. Е. Ёрмухамедов, проф. Н. Муҳиддиновга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

«Ҳисоблаш усулларидан машқлар ва лаборатория ишлари» қўлланмаси ўзбек тилида ёзилган илк тажриба сифатида нуқсонлардан холи бўлмаслиги табиийдир. Шунинг учун ҳам биз қўлланма ҳақидаги барча танқидий фикр ва мулоҳазаларни зўр мамнуният билан қабул қилишга тайёрмиз.

Муаллифлар

1-боб. МАСАЛАЛАРНИ СОНЛИ ЕЧИШ ЖАРАЁНИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ХАТО

Миқдорнинг аниқ қиймати (аниқ сон) a билан унинг тақрибий қиймати (тақрибий сон) a^* орасидаги $a - a^*$ фарқ шу тақрибий сонннинг *ҳақиқий хатоси*, $\Delta a^* = |a - a^*|$ эса унинг *абсолют (мутлақ) хатоси* дейилади. Агар a сонннинг ўзи номаълум бўлса (масалан, ўлчаб топилган катталик қиймати ҳар вақт у ёки бу даражада четланишга эга бўлса), Δa^* ҳам ноаниқ бўлади. Лекин, кўпинча, Δa^* қабул қилиши мумкин бўлган чегара қийматини кўрсатиш мумкин. Унга тақрибий сонннинг $\Delta(a^*)$ *лимит (чегаравий) абсолют хатоси* дейилади: $|a - a^*| \leqslant \Delta(a^*)$, ёки бундан $a^* - \Delta(a^*) \leqslant a \leqslant a^* + \Delta(a^*)$ ёки қисқароқ $a = a^* \pm \Delta(a^*)$. Бу ёзувлардаги $a^* - \Delta(a^*)$ га номаълум a қабул қилиши мумкин бўлган қийматларнинг *қуйи чегараси*, $a^* + \Delta(a^*)$ га эса унинг *юқори чегараси* дейилади. Тақрибий сонннинг нисбий хатоси: $\delta a^* = \frac{\Delta a^*}{|a^*|}$, лимит нисбий хато: $\delta(a^*) = \frac{\Delta(a^*)}{|a^*|}$ (исмсиз сон ёки % да ёзилади). Нисбий хато ёрдамида a аниқ сон $a = a^*(1 + \delta(a^*))$ кўринишда ифодаланади.

Агар ечилиши талаб қилинадиган масала математик жиҳатдан тақрибий таърифланган, сонли маълумотлар тақрибий берилган бўлса, ҳисоблаш натижалари ҳам тақрибий бўлиб, улар йўқотилмас (систематик) хатога эга бўлади. Масалани ечишда тақрибий усулнинг қўлланилишидан услуб хатоси, сонларни яхлитлашдан ҳисоблаш хатоси (яхлитлаш хатоси) вужудга келади. Йўқотилмас, услуб ва ҳисоблаш хатоларининг йиғиндиси тўлиқ хатони ифодалайди.

Сонларни яхлитлашнинг содда қоидаси: сонни бирор хонанинг 1 бирлигигача аниқлик билан яхлитлаш учун шу хонадан ўнг томонда турган барча рақамлар ўчирилиб, нол-лар билан алмаштирилади. Натижада вужудга келадиган абсолют хато ўчирилмай сақланган рақам хонасининг 1 бирлигидан ошмайди.

1-мисол. $\pi = 3,14159\ldots$ сони 0,0001 гача аниқлик билан яхлитланса, $\pi = 3,14159$ тақрибий сон ҳосил бўлади.

Юқори хонанинг 1 бирлигигача тўлдириш қоидаси: сонни бирор хона бирлигининг ярмисигача аниқлик билан яхлитлаш учун: а) шу хонадан ўнг томонда турган барча рақамлар ўчирилади; б) агар чапдан биринчи ўчирилган рақам 5 ва ундан катта бўлса, сақланган рақамга 1 қўшилади, 4 ва ундан кичик бўлса, сақланадиган рақам ўзгартирилмайди. Натижада вужудга келадиган хато сақланган рақам хонаси 1 бирлигининг ярмидан ошмайди.

2-мисол. $\pi = 3,14159\ldots$ сони 0,00005 гача аниқлик билан яхлитланганда, $\pi \approx 3,1416$ сони ҳосил бўлади.

Қийматли $a_1, a_2, \ldots, a_k, \ldots, a_m$ рақамлари m та бўлган n хонали $a^* = \overline{a_1 a_2 \ldots a_k \ldots a_m} \cdot q^{n-m}$ тақрибий сон берилган бўлсин, бунда q — саноқ системасининг асоси. Агар шу соннинг абсолют хатоси $\Delta(a^*) \leqslant \omega q^{n-k+1}$ $(0,5 \leqslant \omega \leqslant 1)$ бўлса, у ҳолда a_k рақам ва ундан чап томонда турган рақамлар ишончли рақамлар, ўнг томонда турган рақамлар эса ишончсиз рақамлар деб аталади. Тақрибий сон шундай ёзиладики, унинг охирги қийматли рақами ҳар доим ишончли бўлса, ишончсиз рақамлар ташланади.

3-мисол. 0,307 тақрибий сони ёзилишига кўра 10^{-3} гача (яъни учта қийматли рақамгача) аниқликка эга. Шу сон 10^{-4} гача аниқлик билан берилганда, уни 0,3070 кўринишда, 10^{-2} гача аниқлик билан берилганда эса охирги «7» рақами ишончсиз бўлиб қоларди ва шунга кўра сон 0,31 кўринишда ёзилган бўларди.

Функциянинг йўқотилмас хатоси. Аргументларнинг x_1^*, $x_2^*, \ldots, x_n^*$ тақрибий қийматлари ва $\Delta(x_1^*), \Delta(x_2^*), \ldots, \Delta(x_n^*)$ абсолют хатолар бўйича $y = f(x_1, x_2, \ldots x_n)$ функциянинг y^* тақрибий қийматини ва $\Delta(y^*)$ абсолют хатони топиш керак бўлсин. Масала функциянинг $y^* - \Delta(y^*) \leqslant y \leqslant y^* + \Delta(y^*)$ ўзгариш соҳасини топишга келади. Агар қаралаётган $|x_i - x_i^*| \leqslant \Delta(x_i^*)$ $(i = \overline{1, n})$ соҳада f функция узлуксиз дифференциалланувчи бўлиб, хусусий ҳосилалари секин ўзгарса ва аргументнинг $\delta(x_1^*), \delta(x_2^*), \ldots, \delta(x_n^*)$ нисбий хатолари етарлича кичик бўлса, функция хатоси қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланиши мумкин:

$$\Delta(y^*) = \sum_{i=1}^{n} |f'_{x_i}(x^*)| \cdot \Delta(x_i^*), \qquad (1)$$

$$\delta(y^*) = \frac{\Delta(y^*)}{|f(x^*)|}, \quad \delta(y^*) = \sum_{i=1}^{n} |\{\ln f(x^*)\}'_{x_i}| \cdot \Delta(x_i^*), \qquad (2)$$

$$\delta(y^*) = \sum_{i=1}^{n} |x_i^* \{\ln f(x^*)\}'_{x_i}| \cdot \delta(x_i^*).$$

Хусусан, n та мусбат тақрибий сонлар $u = x_1 + x_2 + \ldots + x_n$ йиғиндисининг абсолют ва нисбий хатолари:

$$\Delta(u^*) = \sum_{i=1}^{n} \Delta(x_i^*), \quad \delta(u^*) = \sum_{i=1}^{n} \frac{x_i^*}{u^*} \delta(x_i^*), \qquad (3)$$

$u = x_1 - x_2$ айирма учун (бунда $x_1 > x_2 > 0$):

$$\Delta(u^*) = \Delta(x_1^*) + \Delta(x_2^*), \quad \delta(u^*) = \frac{x_1^* \cdot \delta(x_1^*) + x_2^* \cdot \delta(x_2^*)}{u^*}. \qquad (4)$$

Бир хил аниқликка эга бўлган $n > 10$ та тақрибий сон йиғиндисининг абсолют хатосини ҳисоблаш учун одатдаги $n \cdot \Delta$ эмас, балки эҳтимолий хусусиятга эга бўлган $\Delta \cdot \sqrt{3n}$ Чеботарев қоидасидан (хатонинг имконли чегарасини ҳисоблашдан) фойдаланадилар.

4-мисол. Хатоси $\Delta x \leqslant 0,5 \cdot 10^{-k}$ бўлган $n = 16$ та тақрибий сон йиғиндисининг Δ чегаравий хатосини ((3) формула бўйича) ва ε имконли хатосини ((3′) формула бўйича) топамиз:

$$\Delta = 16 \cdot \Delta x = 16 \cdot 0,5 \cdot 10^{-k} = 8 \cdot 10^{-k},$$

$$\varepsilon = \sqrt{3 \cdot 16} \cdot 0,5 \cdot 10^{-k} = 2\sqrt{3} \cdot 10^{-k} \approx 3,48 \cdot 10^{-k}.$$

Агар камаювчи ва айрилувчи тақрибий сонлар бир-бирларига яқин бўлсалар, уларнинг айирмаси кичик, аниқлиги паст бўлиши, натижада айирмада ишончли рақамлари кам бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун бошқа формулалардан фойдаланиш, ёки компоненталарни аниқроқ қилиб олиш керак бўлади.

5-мисол. $a = (5,7 \pm 0,08) - (5,6 \pm 0,06)$ ни ҳисоблайлик. $5,7 - 5,6 = 0,1$, $\Delta = 0,08 + 0,06 = 0,14$, яъни айирма $0,1$ га тенг бўлгани ҳолда, унинг абсолют хатоси ўзидан ҳам катта $(0,14)$ бўлмоқда. Жавоб қониқарсиз. Компоненталар аниқроқ олиниши керак. Масалан, уларнинг абсолют хатоси $\pm 0,025$ га тенг бўлганда, айирманинг хатоси $\Delta = 0,05$ бўлиб, унда битта қийматли рақам, хато $\pm 0,0001$ бўлганда, айирма хатоси $\Delta = 0,0002$ бўлиб, унда учта қийматли рақам мавжуд бўларди ($a \approx 0,100$).

$u = x_1 \cdot x_2 \cdot \ \ldots \ \cdot x_n (x_i > 0)$ тақрибий сонлар кўпайтмасининг хатоси:

$$\Delta(u^*) = \sum_{i=1}^{n} \frac{u^*}{x_i^*} \Delta(x_i^*), \ \delta(u^*) = \sum_{i=1}^{n} \delta(x_i^*). \qquad (5)$$

$u = \frac{x_1}{x_2} (x_1, \ x_2 > 0)$ бўлинманинг хатоси:

$$\Delta(u^*) = \frac{1}{(x_2^*)^2} [x_2^* \cdot \Delta(x_1^*) + x_1^* \cdot \Delta(x_2^*)], \ \delta(u^*) = \delta(x_1^*) + \delta(x_2^*). \qquad (6)$$

Аргументи тақрибий қийматга эга бўлган $y = \ln x$ логарифм тақрибий қийматининг хатоси:

$$\Delta(y^*) = \frac{\Delta(x^*)}{x^*} = \delta(x^*); \qquad (7)$$

$y = \lg x = M \ln x$ ўнли логарифм учун: $\Delta(\ln x^*) = M\delta(x^*) = 0,4343\,\delta(x^*)$, бунда $M = \lg e \approx 0,4343$ — ўтиш модули.

Ишончли рақамларни санаш қоидалари. Тақрибий сонларни қўшиш ва айиришда тақрибий компоненталарнинг қайси бирида ўнли рақамлар сони энг кам бўлса, топилган натижада ҳам ўшанча ўнли рақам қолдирилади. Кўпайтириш ва бўлишда тақрибий компоненталарнинг қайси бирида энг кам ишончли рақам бўлса, натижада ҳам ўшанча ишончли рақам қолдирилади.

6-мисол. $a \approx 25$. $b \approx 160$, $c \approx 0,80$, $x = ab/c$ ни ҳисоблаймиз. a сони иккита, b учта, c иккита ишончли рақамга эга. Натижа иккита ишончли рақам билан олиниши керак:

$$x \approx (25 \cdot 160)/0,80 = 5000 = 50 \cdot 10^2.$$

МАШҚЛАР

1. 17,00675 аниқ сонни 0,1 гача, 1 гача, $0,5 \cdot 10^{-3}$ гача аниқлик билан яхлитлаш хатосини топинг.

2. Ўлчаш натижасида деталнинг узунлиги 36,0 см экани аниқланган. Топилган қийматнинг нисбий хатоси 0,8% дан ошмайди. Деталь узунлигининг чегаравий қийматларини топинг.

3. Икки кесмадан бирининг узунлиги 1 м $\pm$ 1 мм, ик-

кинчисининг узунлиги 20 см $\pm$ 0,5 мм. Қайси кесманинг узунлиги аниқроқ топилган ва нима учун?

4. 34,5867 тақрибий соннинг нисбий хатоси $\pm 0,1\%$. Ишончсиз рақамларини аниқланг, сонни яхлитлаб, хатосини топинг.

5. Натурал логарифмнинг $e = 2,71828183\ldots$ асосини: а) еттита ишончли рақамгача аниқлик билан ёзинг; б) $0,5 \cdot 10^{-3}$ гача аниқлик билан яхлитланг. Натижаларнинг абсолют ва нисбий хатоларини топинг.

6. Нисбий хатоси 0,02% дан ошмаслиги учун $\sqrt{34}$, $\sqrt[3]{128}$, $\ln 56$ ни нечта ўнли ишора билан олиш керак?

7. (1) ва (2) формулалардан фойдаланиб, a^x ($a>0$, $a \neq 1$), x^k (k — ҳақиқий сон), $\sin x$, $\cos x$, $\operatorname{tg} x$, $\operatorname{ctg} x$ (x — радианларда) функцияларнинг абсолют ва нисбий хатоларини топиш учун формулалар чиқаринг. Ихтиёрий k ва $x = 1,2 \pm 0,04n$ ($n = 1, 2, \ldots, 10$) учун 2^x, x^k, $\sin x$, $\cos x$, $\operatorname{tg} x$, $\operatorname{ctg} x$ нинг қийматини топинг.

8. Берилган: $a = 35 \pm 0,1$, $b = 2,34 \pm 0,02$, $c = 0,55(1 \pm \pm 3\%)$. Қуйидагилар топилсин: 1) $x = 2a - b$; 2) $y = a + 5b$; 3) $t = ac$; 4) $u = c/b$; 5) $v = \sqrt[4]{ac}$; 6) $z = \lg b$.

9. Радиуси $2,4 \pm 0,2$ см, ясовчиси $56 \pm 0,8$ см бўлган цилиндрнинг асос юзи, ён сирти ва ҳажмини топинг.

10. Ушбу $x = \frac{(a+b)c}{k-e}$ ифоданинг сон қийматини топинг, бунда $a = 50$, $34,6 < b < 34,7$, $19 < c < 20$, $3,2 < k < 3,3$, $e = 12$.

11. 10-мисол $a = 50$, $b \approx 46,00$, $c \approx 21$, $k \approx 4,842$, $e \approx \approx 1,87$ да ечилсин.

12. Цилиндр асосининг радиуси $R \approx 4$ м, баландлиги $H \approx 70$ дм. S ён сирти ва V ҳажмини топинг. S ни 0,01 м^2 гача аниқлик билан топиш учун R ва H қандай аниқликда олиниши керак? V ни 0,1 м^3 гача аниқлик билан топиш учун-чи?

13. $0 < x < \frac{\pi}{2}$ оралиқ учун $y = \lg \sin x$, $y = \lg \operatorname{tg} x$, $y = 10^x$ функциялар тақрибий қийматлари бўйича аргументнинг тақрибий қийматлари хатосини аниқлаш формулаларини чиқаринг.

14. Ушбу $y = \lg \operatorname{tg} x$ функция қийматларининг тўрт хонали жадвалидан фойдаланиб, аргументнинг $x \approx 60^\circ$ қиймати топилган. Бу қийматнинг абсолют хато катталиги баҳолансин.

15. Ушбу $\lg \sin x$ ва $\lg \operatorname{tg} x$ функциялар учун тўрт хонали жадваллардан фойдаланилиб, аргументнинг 30°, $42^\circ 30'$, 70°

қийматлари топилган. Бу қийматларнинг абсолют ва нисбий хатолари баҳолансин.

16. 10^x қийматлари (антилогарифмлар)нинг беш хонали жадвалидан $x \approx 5$ аниқланган. Бу топилган қийматнинг абсолют ва нисбий хатосини ҳисобланг.

17. Айлана узунлиги, доира юзи, конус ва цилиндрнинг ён сирти учун хатони ҳисоблаш формулаларини чиқаринг.

18. Ишончли рақамларни санаш қоидаларидан фойдаланиб, тақрибий сонлар устида амалларни бажаринг: 1) $418,66781 + 12,4266 + 6,102 + 3,902$; 2) $\frac{1}{7} + \frac{1}{6} - \frac{2}{9} + \frac{4}{11}$ (сурат ва махражда аниқ сонлар турибди); 3) $17,906 - 6,5408$; 4) $37,523 + 0,60 - 6,5408$; 5) $\sqrt{12} - \sqrt{8} + \sqrt{14}$; 6) $0,2\sqrt{200} - 5\sqrt{7,08} + 0,4\sqrt{60} + 7\sqrt{10}$ (илдиз ишоралари олдида турган сонлар аниқ); 7) $78,064 \cdot 16$; 8) $0,5442:9$; 9) $7\sqrt{17} \cdot 2\sqrt{8}$; 10) $4,964 \cdot 24,5 \cdot 4\sqrt{66}$; 11) $67,142:13$; 12) $45:66,42$; 13) $45,8:6\sqrt{19}$; 14) $14:0,67 \cdot 5 - 0,18:2,4$.

19. Ушбу $a = \frac{4\pi^2 R}{T^2}$ формуладан фойдаланиб, Ойнинг Ер атрофида ҳаракатидаги марказдан қочма кучининг тезланишини ҳисобланг, бунда R км билан, T сутка билан ифода қилинган бўлиб, $\pi = 3,14159 \ldots$ $R \approx 60,27r$, $r \approx 6371$ км, $T \approx 27,32$ сутка.

20. Ушбу $\sin x = \frac{x}{1!} - \frac{x^3}{3!} + \frac{x^5}{5!} - \frac{x^7}{7!} + \ldots$, $\cos x = 1 - \frac{x^2}{2!} + \frac{x^4}{4!} - \frac{x^6}{6!} + \ldots$

чексиз қаторлардан фойдаланиб, $\sin 0,8$ ва $\cos 0,3$ ларни тўртта ишончли рақамгача аниқлик билан топинг.

21. $x^2 - 2x + \lg 2 = 0$ тенглама илдизларини тўртта ишончли рақам билан олиш учун озод ҳад нечта ишончли рақамга эга бўлиши керак?

1- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1. x аргументнинг Δx абсолют ёки δx нисбий хато қийматлари маълум. $y = f(x)$ функция эга бўлиши мумкин бўлган $\Delta(y)$ ва $\delta(y)$ хато чегараларини ҳисобланг:

Вариант	Δx	δx	$f(x)$	Вариант	Δx	δx	$f(x)$
1		1,2%	$-(x+1)^3-2$	14	0,002		$\sqrt{\operatorname{tg} x}$
2		1,4%	$(x^2+1)/(x-1)$	15	0,003		$\sqrt{2^x}$
3	0,001		$\sqrt{x^2-4}$	16		1%	$\cos^3 2x$
4	0,002		$-\sqrt{10-x^3}$	17		1%	$\operatorname{arctg}\frac{1}{x}$
5		1%	$\log_{1/3}(x+1)$	18		2%	$\cos^2 3x$
6	0,002		$1/(1+x^3)$	19	0,002		4^{3x^2}
7		2%	$\sin\left(x+\frac{\pi}{3}\right)$	20	0,002		$\sin^3 2x$
8	0,001		$-2+\cos^2 x$	21		1%	$4^{\operatorname{tg}^2 x}$
9		1,5%	$2\operatorname{tg}\sqrt{x}$	22		2%	$\sqrt{x+1}\cdot\sqrt{6-x}$
10	0,001		$\lg\cos x$	23		1%	$x^2-4x-45$
11	0,001		$\operatorname{arctg} x^2$	24	0,002		$\log_2 x^3$
12		1%	$2^{\operatorname{tg} x}$	25		2%	$\log_3(x+1)$
13	0,002		$\sqrt{\cos x}$				

2. $f(x)$ функция қийматини 4 та ишончли рақамгача аниқлик билан олиш учун x аргумент нечта ишончли рақам билан олиниши кераклигини топинг:

Вариант	$f(x)$	Вариант	$f(x)$
1	$x^3\sin x$	14	$\sqrt{x}\cos x$
2	$x^2\ln x$	15	$\sqrt{x}\sin x$
3	$e^x\sin x$	16	$\sqrt{x}\operatorname{tg} x$
4	$e^x\cos x$	17	$\sqrt{x}\operatorname{ctg} x$
5	$e^x\operatorname{tg} x$	18	$x/\sin x$
6	$e^x\cdot\operatorname{ctg} x$	19	$x/\cos x$
7	$\ln\operatorname{tg} x$	20	$x/\operatorname{tg} x$
8	$\ln\operatorname{ctg} x$	21	$x/\operatorname{ctg} x$
9	$\ln\sin x$	22	$\sin^3 x$
10	$\ln\cos x$	23	$\cos^3 x$
11	$x^3\operatorname{tg} x$	24	$\operatorname{tg}^3 x$
12	$x^3\operatorname{ctg} x$	25	$\operatorname{ctg}^3 x$
13	$x^2\sin x$		

2-боб. ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ

Илдизларни ажратиш. Ушбу

$$f(x) = 0 \qquad (1)$$

тенгламани тақрибий ечиш учун олдин унинг илдизи мавжуд бўлган етарлича кичик оралиқ аниқланади (илдиз ажратилади). Қуйидаги фикрлар илдиз ётган оралиқни ажратишга ёрдам беради:

1) Агар $f(x)$ узлуксиз функция $[a, b]$ оралиқнинг четки a ва b нуқталарида ҳар хил ишорали қийматларни қабул қилса, яъни

$$f(a)\,f(b) < 0 \qquad (2)$$

шарт бажарилса, у ҳолда (1) тенглама шу оралиқда ҳеч бўлмаса битта ҳақиқий илдизга эга бўлади. Агар, бундан ташқари, $f(x)$ шу оралиқда монотон бўлса, яъни унда $f'(x)$ ҳосила мавжуд ва ишораси ўзгармаса, шу оралиқда $f(x)$ фақат битта илдизга эга бўлади. (2) тенгсизлик бажарилмаган тақдирда (1) тенглама $[a, b]$ оралиқда ё илдизга эга эмас, ё жуфт сондаги илдизларга эга (бунга каррали илдизлар ҳам киради).

2) Агар $f(x)$ функция $[a, b]$ оралиқда аналитик (яъни шу оралиқдаги ҳар қайси нуқта атрофида яқинлашувчи даражали қаторга ёйилса) ва (2) шарт бажарилса, (1) тенглама шу оралиқда тоқ сондаги илдизларга эга бўлади.

3) Ушбу

$$P(x) = a_0 x^n + a_1 x^{n-1} + \ldots + a_{n-1} x + a_n = 0 \qquad (3)$$

алгебраик тенглама учун $A = \max\limits_{1 \leqslant k \leqslant n} \left|\dfrac{a_k}{a_0}\right|$, $A_1 = \max\limits_{0 \leqslant k \leqslant n-1} \left|\dfrac{a_k}{a_n}\right|$ бўлсин. У ҳолда (3) тенгламанинг барча илдизлари $r = \dfrac{1}{1 + A_1} < |x| < 1 + A = R$ ҳалқа ичида ётади, r ва R сонлари тенгламанинг x^+ мусбат, $-R$ ва $-r$ сонлари эса x^- манфий илдизларининг қуйи ва юқори чегараси бўлади.

4) Л а г р а н ж т е о р е м а с и: $P(x) = \sum\limits_{i=0}^{n} a_i x^{n-i} = 0$ тенгламанинг чапдан биринчи манфий коэффициенти a_k ва барча манфий коэффициентлари ичида абсолют қиймат бўйича энг каттаси B бўлсин. У ҳолда бу тенглама мусбат илдизининг юқори чегараси

$$R = 1 + \sqrt[k]{\frac{B}{a_0}} \qquad (4)$$

бўлади.

5) Ньютон теоремаси: бирор $x = c > 0$ да $P(x)$ кўпҳад ва унинг барча $P'(x)$, $P''(x)$, ..., $P^{(n)}(x)$ ҳосилалари номанфий бўлсин. У ҳолда $P(x) = 0$ тенглама мусбат илдизларининг юқори чегараси $x^{+} \leqslant R = c$ бўлади.

6) $K(x) = a_0 x^n - a_1 x^{n-1} + a_2 x^{n-2} - \ldots + (-1)^n a_n$, $L(x) = a_n x^n + a_{n-1} x^{n-1} + \ldots + a_1 x + a_0$, $M(x) = a_n x^n - a_{n-1} x^{n-1} + \ldots + (-1)^n a_0$ кўпҳадлар x^{+} мусбат илдизларининг юқори чегараси мос тартибда R_1, R_2, R_3 бўлсин. У ҳолда (3) тенглама учун $\frac{1}{R_2} \leqslant x^{+} \leqslant R$ ва $-R_1 \leqslant x^{-} \leqslant -\frac{1}{R_3}$ ўринли бўлади.

7) Ҳар қандай ҳақиқий коэффициентли тоқ даражали тенглама ҳеч бўлмаганда битта ҳақиқий илдизга эгадир.

8) Декарт теоремаси: (3) тенглама коэффициентлари кетма-кетлигида ишора алмашиниши сони қанча бўлса (бунда нолга тенг коэффициентлар эътиборга олинмайди), тенгламанинг шунча мусбат илдизи мавжуд ёки мусбат илдизлар сони ишора алмашишлар сонидан жуфт сонга кам.

9) Штурм теоремаси: (3) тенглама каррали илдизга эга бўлмасин. $P_1(x)$ орқали $P'(x)$ ҳосилани, $P_2(x)$ орқали $P(x)$ ни $P_1(x)$ га бўлишдан қоладиган қолдиқнинг тескари ишора билан олинганини, $P_3(x)$ орқали $P_1(x)$ ни $P_2(x)$ га бўлишдан қоладиган қолдиқнинг тескари ишора билан олинганини ва ш. ў. белгилайлик ва бу жараённи то қолдиқда $P_k(x) = P_k = \text{const}$ ўзгармас сон ҳосил бўлгунича давом эттирайлик. $P(x)$, $P_1(x)$, $P_2(x)$, ..., $P_{k-1}(x)$, P_k Штурм кетма-кетлигига эга бўламиз. $P(x)$ нинг илдизларидан фарқ қилувчи $x = a$ сонини олиб, унда $P(a)$, $P_1(a)$, $P_2(a)$, ..., P_k қийматлар кетма-кетлигида ишора алмашинишини аниқлаймиз. У A га тенг бўлсин. Худди шу каби $x = b$ да кетма-кетликдаги ишора алмашиши B бўлсин. У ҳолда $P(x) = 0$ тенгламанинг $(a; b)$ интервалдаги барча ҳақиқий илдизлари сони $A - B$ та бўлади.

1-мисол. $P(x) = x^4 - 5x^2 + 8x - 8 = 0$ тенглама ҳақиқий илдизлари ётган чегара топилсин.

Ечиш. $a_0 = 1$, $a_n = -8$; 3-мулоҳаза бўйича $A = 8$, $A_1 = 1$, $r = 0{,}5$, $R = 9$. Тенгламанинг илдизлари $(-9; -0{,}5)$ ав $(0{,}5; 9)$ интервалларда ётади. Лагранж ёки Ньютон теоремаларига асосланиб, бу натижани аниқроқ баҳолаш мумкин. Ньютон теоремаси бўйича: $P'(x) = 4x^3 - 10x + 8$, $P''(x) = 12x^2 - 10$, $P'''(x) = 24x$, $P^{IV}(x) = 24$. Ихтиёрий $c = 2$ сонини оламиз. Унда $P > 0$, $P' > 0$, $P'' > 0, P''' > 0$, $P^{IV} > 0$. Демак, $c = 2$ — мусбат илдизларнинг юқори чегараси. Шунингдек, $K(x) = 0$ тенглама мусбат илдизларининг юқори чегараси $R_1 = 3$ бўлганидан 7-мулоҳаза бўйича $P(x) = 0$ тенглама манфий илдизларининг қуйи чегараси — $R_1 = -3$. Илдизлар $(-3; 2)$ оралиқда, аниқроғи эса олдин топилган натижа ҳам эътиборга олинса $(-3; -0{,}5)$, $(0{,}5; 2)$ интервалларда ётиши маълум бўлади. Энди илдизлар сонини аниқлайлик. $P(x)$ кўпҳад коэффициентлари кетма-кетлигида ишора уч марта алмашмоқда: $+ - + -$. Декарт теоремаси бўйича тенглама учта ёки битта мусбат илдизга эга. Манфий илдизлар сонини билиш мақсадида тенгламадаги x ни $-x$ га алмаштирамиз: $P(-x) = x^4 - 5x^2 + 8x - 8$. Бунда ишора бир марта алмашади: $+ - - -$. Бунга қараганда $P(-x)$ битта мусбат (демак, $P(x)$ битта манфий) илдизга эга. Шундай қилиб, $(-3; -0{,}5)$ оралиқда берилган тенгламанинг битта манфий илдизи, $(0{,}5; 2)$ оралиқда эса битта ёки учта мусбат илдизи мавжуд. Зарур бўлса Штурм теоремасига мурожаат қилиш мумкин. Чунки у илдизларни ажратиш масаласини тўлароқ ҳал қилишга имкон беради:

$$P(x) = x^4 - 5x^2 + 8x - 8, \quad P_1(x) = P'(x) = 4x^3 - 10x + 8,$$

$$\begin{array}{r|l} 2x^4 - 10x^2 + 16x - 16 & 2x^3 - 5x + 4 \\ \underline{2x^4 - 5x^2 + 4x} & \overline{x} \\ -5x^2 + 12x - 16, & \end{array}$$

бундан $P_2(x) = 5x^2 - 12x + 16$.

$$\begin{array}{r|l} 10x^3 - 25x + 20 & 5x^2 - 12x + 16 \\ \underline{10x^3 - 24x^2 + 32x} & \overline{2x + 4{,}8} \\ 24x^2 - 57x + 20 & \\ \underline{24x^2 - 57{,}6x + 76{,}8} & \\ 0{,}6x - 56{,}8 & \end{array}$$

ёки $3x - 284$, бундан $P_3(x) = 3x + 284$.

Шу каби $15x^2 - 36x + 48$ ни $-3x + 284$ га бўлганда қолдиқда $133054\frac{2}{3}$ қолади, бундан $P_4(x) = -133054\frac{2}{3}$. Энди ихтиёрий -3, $-2{,}9$, 0, $1{,}5$ ва 2 сонларини олиб, уларда

Штурм функциялари кетма-кетлигида ишора қандай алмашинишини кузатамиз (жадвалга қаранг):

x	-3	$-2{,}9$	0	$1{,}5$	2
$\operatorname{sign} P(x)$	+	−	−	−	+
$\operatorname{sign} P_1(x)$	−	−	+	+	+
$\operatorname{sign} P_2(x)$	+	+	+	+	+
$\operatorname{sign} P_3(x)$	+	+	+	+	+
$\operatorname{sign} P_4(x)$	−	−	−	−	−
Ишора алмашинишлар сони	3	2	2	2	1

Жадвал устунларини солиштириб, $(-3;\ -2{,}9)$ интервалда тенгламанинг битта (манфий) илдизи, $(1{,}5;\ 2)$ интервалда битта (мусбат) илдизи борлигини аниқлаймиз.

Хорнер схемасини кетма-кет қўллаш йўли билан $P_n(x)=$ $=a_0 x^n+a_1 x^{n-1}+\ldots+a_{n-1} x+a_n$ кўпҳад ва унинг $P_n^1(x),\ P_n''(x),\ \ldots$ ҳосилаларининг $x=\eta$ нуқтадаги қийматларини топиш: $P_n(x)=(x-\eta)\,Q_{n-1}(x)+R_1$, бунда $Q_{n-1}(x)=$ $=b_0^{(0)}x^{n-1}+b_1^{(0)}x_1^{n-2}+\ldots+b_{n-1}^{(0)}$ — бўлинма, R^1 — қолдиқ, $Q_{n-1}(x)=(x-\eta)\,Q_{n-2}(x)+R_2$ ва ҳоказо, $(j+1)$ — қадамда $Q_{n-j}(x)$ ни $(x-\eta)$ га бўлганда $Q_{n-j}(x)=(x-\eta)\,Q_{n-j-1}(x)+b_{n-j}^{(j)}$ ҳосил бўлсин. Натижада $P_n(x),\ Q_{n-1}(x),\ Q_{n-2}(x),\ \ldots,\ Q_1(x)$, $Q_0(x)$ кўпҳадлар коэффициентларидан тузилган учбурчак матрица ҳосил бўлади:

$$
\begin{array}{cccccc}
a_0 & a_1 & \ldots & a_{n-2} & a_{n-1} & a_n \\
b_0^{(0)} & b_1^{(0)} & \ldots & b_{n-2}^{(0)} & b_{n-1}^{(0)} & b_n^{(0)} \\
b_0^{(1)} & b_1^{(1)} & \ldots & b_{n-2}^{(1)} & b_{n-1}^{(0)} & \\
\cdot\ \cdot & \cdot\ \cdot & \cdot\ \cdot & \cdot\ \cdot & \cdot\ \cdot & \\
 & & b_0^{(n-1)}\ b_1^{(n-1)} & & & \\
 & & b_0^{(n)}, & & &
\end{array}
\tag{5}
$$

бунда

$$
b_0^{(j)}=b_0^{(j-1)},\quad b_i^{(j)}=b_i^{(j-1)}+b_{i-1}^{(j)}\,\eta\ (i=\overline{1,n-j},\ j=\overline{0;n}),
$$
$$
b_i^{(-1)}=a_i\ (i=\overline{0,n}). \tag{6}
$$

Кўпҳад ва ҳосила қийматлари қуйидаги муносабатлардан аниқланади:

$$P_n(\eta) = b_n^{(0)},\ P_n^1(\eta) = b_{n-1}^{(1)} \cdot 1!,\ \ldots,\ P_n^{(n)}(\eta) = b_0^{(n)} n! \quad (7)$$

2-мисол. $P_4(x) = x^4 - 5x^2 + 8x - 8$ кўпҳад ва унинг ҳосилаларининг $x = 2$ нуқтадаги қийматларини топамиз. Бунинг учун (6) формулалардан фойдаланиб, (5) матрицани тузамиз ва (7) муносабатлар бўйича $P(x)$ ва ҳосилаларнинг $x = 2$ даги қийматларини ҳисоблаймиз:

$$x = 2 \quad \begin{array}{rrrrr} 1 & 0 & -5 & 8 & -8 \\ 1 & 2 & -1 & 6 & 4 \\ 1 & 4 & 7 & 20 & \\ 1 & 6 & 19 & & \\ 1 & 8 & & & \\ 1 & & & & \end{array} \qquad \begin{array}{l} P_4(2) = 0! \cdot 4 = 4, \\ P^{\mathrm{I}}(2) = 1! \cdot 20 = 20, \\ P_4^{\mathrm{II}}(2) = 2! \cdot 19 = 38, \\ P_4^{\mathrm{III}}(2) = 3! \cdot 8 = 48, \\ P_4^{\mathrm{IV}}(2) = 4! \cdot 1 = 24. \end{array}$$

Илдизларни топиш. Кесмани тенг иккига бўлиш усули. $f(x)$ функция $[a, b]$ кесмада узлуксиз ва $f(a)+f(b) < 0$ шарт бажарилсин. $f(x) = 0$ тенгламанинг шу оралиқда ётган ξ илдизини ε аниқликда топиш учун оралиқ тенг иккига бўлинади ва $c = (a+b)/2$ ўрта нуқта топилади. Агар $f(c) = 0$ (ёки $|f(c)| \leqslant \varepsilon$) бўлса, $\xi = c$ (ёки $\xi \approx c$) бўлади ва масала ҳал. Агар $f(c) \neq 0$ (ёки $|f(c)| > \varepsilon$) бўлса, $[a, c]$ ва $[c, b]$ оралиқлардан қайсисининг чекка нуқталарида $f(x)$ функция қарама-қарши ишорага эга бўлса, илдиз шу оралиқда ётади. Унинг чекка нуқталарини a_1, b_1 билан белгилаймиз. Янги кесманинг c_1 ўрта нуқтаси ξ нинг $\varepsilon_1 \leqslant (b_1 - a_1)/2$ ёки $\varepsilon_1 \leqslant f(c_1)$ аниқликдаги $x_1 = c_1$ биринчи яқинлашишидан иборат. Энди $[a_1\, b_1]$ кесма тенг иккига бўлинади, $c_2 = (a_2 + b_2)/2$ ва $f(c_2)$ топилади ва ҳоказо. n- қадамда топилган кесма узунлиги $b_n - a_n = (b-a)/2^n$ бўлади. Ушбу $\varepsilon_n = |x_n - \xi|$ белгилашни киритайлик. У ҳолда $\varepsilon_{n+1} \leqslant 0{,}5\,\varepsilon_n$ $(n = 1, 2, \ldots)$ бўлади. Бунга қараганда кесмани тенг иккига бўлиш усули биринчи тартибли тезлик билан яқинлаштирувчи услублар синфига киради.

Оддий итерация усули. $f(x) = 0$ тенглама унга тенг кучли бўлган $x = \varphi(x)$ кўринишга келтирилади; x_0 бошланғич x қиймат (яқинлашиш) танланади; кейинги x_{n+1} яқинлашишлар ушбу рекуррент формула бўйича изланади:

$$x_{n+1} = \varphi(x_n),\quad n = 0, 1, 2, \ldots \quad (8)$$

$n \to \infty$ да $\{x_n\}$ кетма-кетлик яқинлашишининг етарли шарти: Агар $\varphi(x)$ функция $S = \{x: |x - x_0| < \delta\}$ оралиқда $|\varphi(x_1) - \varphi(x_2)| \leqslant q|x_1 - x_2|$ $(x_1,\ x_2 \in S,\ 0 < q < 1)$ Липшиц шартини қаноатлантирса ва $|\varphi(x_0) - x_0| \leqslant (1-q)\delta$ тенгсизлик бажарилса, $x = \varphi(x)$ тенглама S оралиқда ягона

ξ ечимга эга бўлади ва (8) кетма-кетлик ξ га яқинлашади. Агар $\varphi(x)$ функция S оралиқда $\varphi'(x)$ узлуксиз ҳосилага эга бўлса, етарлилик шарти

$$|\varphi'(x)| \leqslant q < 1 \tag{9}$$

тенгсизлиги билан берилиши мумкин. Агар S оралиқда $\varphi'(x) > 0$ бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик монотон ўзгаради, $\varphi'(x) < 0$ бўлса — тебранади. Итерация жараёнининг ечимга интилиши тезлиги (услубнинг хатоси):

$$|x_n - \xi| \leqslant \frac{q^n}{1-q} |x_0 - \varphi(x_0)|. \tag{10}$$

Бунга қараганда оддий итерация услуби ҳам биринчи тартибли тезлик билан яқинлаштирувчи услублар синфига киради.

3-мисол. Ушбу $x^4 - 5x^2 + 8x - 8 = 0$ тенгламанинг илдизлари итерация услуби қўлланилиб, $\varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-3}$ аниқликда топилсин.

Ечиш. Тенглама илдизлари (—3; —2,9) ва (1,5; 2) оралиқларда ётади (1-мисол). Тенгламани турлича $x = \varphi(x)$ каноник кўринишда ёзиш мумкин: $x = -x^4 + 5x^2 - 7x + 8$, $x = (-x^4 + 5x^2 + 8)/8$, $x = \sqrt{(x^4 + 8x - 8)/5}$ ва ҳоказо. Уларнинг ичидан биз қараётган оралиқларда (9) шарт бажариладиганини олишимиз керак. Жумладан, (—3; —2,9) оралиқда $|(-x^4 + 5x^2 + 8)/8)'| > 1$, яъни итерация жараёни узоқлашади, (1,5; 2) да эса оралиқнинг чап қисмидагина $|\varphi'(x)| < 1$ шарт бажарилади. Усулнинг қўлланиш мумкин бўлган чегараларини аёнлаштириш мақсадида $q = 0{,}75$ бўлсин деб оламиз ва $|\varphi'(x)| = \left|\frac{-2x^3 + 5x}{4}\right| \leqslant 0{,}75$ тенгсизлигини тузамиз. Унинг ечими $[-1{,}8229; -1]$, $[-0{,}8229; 0{,}8]$ ва $[1; 1{,}8229]$лардан иборат. Бу оралиқлар ва илдизлар ётган оралиқларнинг умумий қисми $[1{,}5; 1{,}8229]$ бўлади ва шу оралиққа нисбатан итерация усулини қўллаймиз. Бошланғич яқинлашиш $x_0 = 1{,}7$ бўлсин. ε аниқликка эришиш учун зарур бўладиган итерация қадамлари сони n ни (10) муносабатдан фойдаланиб аниқлаймиз: $\frac{\varphi(1{,}7) - 1{,}7}{1 - 0{,}75} \cdot 0{,}75^n \leqslant$ $\leqslant 0{,}5 \cdot 10^{-3}$ ёки $0{,}75^n \leqslant \frac{0{,}5 \cdot 10^{3}}{0{,}0622} \cdot 0{,}25 \approx 0{,}002$, бундан $n \geqslant$ $\geqslant 22$. Ҳисоблашларни (8) муносабат бўйича ЭҲМ да бажариб, натижада $x_{22} = 1{,}7444102163572999$ ни оламиз, ёки кўрсатилган аниқликкача яхлитланса: $x \approx 1{,}744$.

Вестгейн усули. Умуман $\varphi(x)$ ни итерация жараёнини яқинлаштирувчи қилиб танлаш енгил иш эмас. Шу жиҳатдан Вестгейн усули қулайроқ: у $\varphi'(x)$ нинг ихтиёрий қийматида қўлланилиши мумкин, $|\varphi'(x)| < 1$ да эса Вестгейн жараёни оддий итерация жараёнига нисбатан тезроқ яқинлашади. Бу усулни қўллашда олдин оддий итерация бўйича $x_1 = \varphi(x_0)$ топилади, сўнг $z_0 = x_0$, $z_1 = x_1$ деб олинади. Кейинги яқинлашишлар $x_{n+1} = \varphi(z_n)$ формула бўйича кетма-кет топилади, бунда $z_n = qz_{n-1} + (1-q)x_n$ ёки

$$z_n = x_n - q(x_n - z_{n-1}), \quad n = 1,2, \ldots \tag{11}$$

ва ҳар қадамда q нинг қиймати ҳисоблаб турилади:

$$q \approx (x_{n+1} - x_n)/((x_{n+1} - x_n) + (z_{n-1} - z_n)). \tag{12}$$

4-мисол. Вестгейн усули қўлланилиб, $x^4 - 5x^2 + 8x - 8 = 0$ тенгламанинг илдизлари $\varepsilon = 0{,}005$ аниқликда топилсин.

Ечиш. $x = (-x^4 + 5x^2 + 8)/8$ ва $x_0 = 1{,}7$ бўлсин. x_1 ни оддий итерация бўйича топамиз. Қолган ҳисоблашлар (11), (12) муносабатлар бўйича бажарилади (жадвалга қаранг):

4-мисол **Вестгейн усули**

n	$x_{n+1} = \varphi(z_n)$	ε	q	$z_n = x_n - q(x_n - z_{n-1})$
0	1,7			1,7
1	1,7622375			1,7622375
2	1,73554241		0,30110195	1,7434977
3	1,7448291	0,0094	0,33416474	1,7443842
4	1,7444106	−0,000642		

4- қадамда $|\varepsilon| < 0{,}005$ бўлмоқда. $x \approx 1{,}7444$.

Ньютон усули (уринмалар усули). $f(x)$ — узлуксиз дифференциалланувчи функция ва $f(a)f(b) < 0$ бўлсин, яъни $f(x) = 0$ тенгламанинг илдизи $\xi \in (a, b)$ бўлсин. x_0 бошланғич қиймат сифатида (a, b) оралиқнинг $f(x)f''(x) > 0$ бажариладиган четкаси олинади. Кейинги яқинлашишлар:

$$x_{n+1} = x_n - f(x_n)/f'(x_n), \quad f(x_n') \neq 0, \quad n = 0,1,2, \ldots \tag{13}$$

Агар $f''(x)$ ҳосила узлуксиз ва $f'(\xi) \neq 0$ бўлса, у ҳолда $\xi - x_{n+1} = \frac{-f''(\xi_n)(\xi - x_n)^2}{2f'(x_n)}$ $(\xi_n \in [\xi, x_n])$ га эга бўламиз, яъни

Ньютон усули квадратик яқинлашувчи усул. Усулнинг яқинлашиш шартлари (Л. Канторович теоремаси): $f(x)$ функция $\{|x-x_0| \leqslant \delta\} = S$ кесмада аниқланган ва икки марта узлуксиз дифференциалланувчи бўлиб, қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

1) $f'(x_0) \neq 0$, $|(f'(x_0))^{-1}| \leqslant B$;
2) $|f(x_0)/f'(x_0)| \leqslant \eta$;
3) $|f''(x)| \leqslant K$, $\forall x \in S$;
4) $h = BK\eta \leqslant 1/2$, $a(h) = ((1-\sqrt{1-2h})/h) \leqslant \delta$.

У ҳолда S кесмада $f(x)=0$ тенгламанинг ечими мавжуд, унга $\{x_n\}_0^\infty$ кетма-кетлик яқинлашади ва $|\xi - x_n| \leqslant (2h)^{2^{n-1}}\eta/2^{n-1}$, $n = 1,2,\ldots$ баҳолаш ўринли. Агар булардан ташқари $h \leqslant \leqslant 1/2$ бўлса, у ҳолда $f(x) = 0$ тенглама $|x - x_0| \leqslant \delta < t^{**} = ((1+\sqrt{1-2h})\eta)/h$ оралиқда ягона ечимга эга бўлади.

$f'(x_n)$ ларни ҳисоблаш қийин бўлган ҳолларда Ньютон усулининг

$$x_{n+1} = x_n - f(x_n)/f'(x_0) \quad (n = 0,1,2,\ldots) \tag{14}$$

модификациясидан фойдаланилади. ξ илдиз p-каррали бўлган тақдирда

$$x_{n+1} = x_n - p\, f(x_n)/f'(x_n) \tag{15}$$

усул қўлланилади. Агар x_0 бошланғич яқинлашиш ноқулай танланганидан $|f(x_n)|$ кетма-кетликнинг монотон камайиши кузатилмаса,

$$x_{n+1} = x_n - \alpha_n f(x_n)/f'(x_n), \ n = 0,1,2,\ldots \tag{16}$$

модификацияланган усулдан фойдаланиш мумкин, бунда $\alpha_n (0 < \alpha_n \leqslant 1)$ кўпайтувчи $|f(x_{n+1})| < |f(x_n)|$ тенгсизлик бажариладиган қилиб танланади. Кўпинча α_n ни танлашда оралиқни тенг иккига бўлиш усулидан фойдаланадилар: $\alpha_n^{(0)} = 1$, $\alpha_n^{(1)} = 1/2$, $\alpha_n^{(2)} = 1/2^2, \ldots, \alpha_n^{(t)} = 1/2^t$. Жумладан, $\alpha_n = \alpha_n^{(s)}$ да юқорида кўрсатилган тенгсизлик бажарилсин. У ҳолда кейинги ҳисоблашлар (16) формула бўйича бажарилади.

Ватарлар усули. (13) формуладаги ҳосиланинг ўрнига $(f(x_n) - f(x'))/(x_n - x')$ нисбат қўйилиши билан ҳосил қилинади:

$$x_{n+1} = x_n - (x_n - x')f(x_n)/(f(x_n) - f(x')). \tag{17}$$

Бунда x_0 бошланғич яқинлашиш сифатида (a, b) оралиқнинг $f(x)f''(x) < 0$ бажариладиган чеккаси олинади, иккинчи учи эса жойидан қўзғалмайди (уни x' билан белгилаймиз).

5-мисол. Ньютон ва ватарлар усуллари қўлланилиб, $x^4-5x^2+8x-8=0$ тенглама ечилсин.

Ечиш. 1) Тенгламанинг илдизлари (—3; —2,9) ва (1,5; 2) оралиқларда ётгани аниқланган эди (1-мисол). Биринчи оралиқни қарайлик. Бошланғич яқинлашиш сифатида $x_0=-3$ ни олиш мумкин, чунки $f(-3)f''(-3)>0$. Ҳисоблашларни (13) Ньютон формуласи бўйича бажарамиз:

$$x_{n+1}=x_n-f(x_n)/f'(x_n),\quad f(x_n)=x_n(x_n(x_n^2-5)+8)-8,$$
$$f'(x_n)=2x_n(2x_n^2-5)+8$$

n	x_n	$f(x_n)$	$f'(x_n)$	$\varepsilon=\mid x_{n+1}-x_n\mid$
0	—3	4	—70	
1	—2,9428571	0,1577676	—64,5168	0,0024454
2	—2,9404117	0,0002809	—64,287328	0,00044
3	—2,9404073	—0,0000045		

Бу ўринга келиб $f(x)<0$ бўлиб қолдики, бу ξ устидан «сакраб» ўтилганини ($f(x)$ графиги Ox ўқини кесиб ўтганини) билдиради. Лекин бунга усул «айбли» эмас, балки микрокалькуляторнинг техник имконияти етишмай қолгани сабабдир: у еттитагача ўнли рақамларни кўрсата олиши туфайли, x_3 нинг 10^{-8} ва кейинги хона рақамларини яхлитлаб ташлаган. Биз ҳисоблашларни давом эттириш мақсадида $x_3=-2,9404074$ деб оламиз:

3	—2,9404074	0,0000016	—64,286922	0
4	—2,9404074			

Демак, $-2,9404074<\xi<-2,9404073$, ёки $\xi\approx-2,940407$.

2) $f(-2,9)f''(-2,9)<0$, $x_0=-2,9$. (17) ватарлар усули формуласи бўйича:

$x'=-3$ — қўзғалмас нуқта $x_{n+1}=x_n-\dfrac{(x_n-x')\cdot f(x_n)}{f(x_n)-f(x')}$

n	x_n	$f(x_n)$	$\varepsilon=\mid x_{n+1}-x_n\mid$
0	—2,9	—2,5219	
1	—2,9386682	—0,1116625	—0,0386682
2	—2,9403338	—0,0047267	—0,0016656
3	—2,9404042	—0,0002041	—0,0000704
4	—2,9404072	—0,0000107	—0,000003
5	—2,9404074	—0,0000016	—0,0000002

$\xi = -2{,}940407.$

3) Ньютон ва ватарлар усуллари биргаликда қўлланилганида ватарнинг чап учи вазифасини x_n лар бажариб бо ради:

n	Ньютон усули			Ватарлар усули	
	x_n	$f(x_n)$	$f'(x_n)$	$\bar{x}_n$	$f(\bar{x}_n)$
0	−3	4	−70	−2,9	−2,5219
1	−2,9428571	0,1577676	−64,5168	−2,9403338	−0,0047267
2	−2,9404117	0,0002809	−64,287328	−2,9404073	−0,0000045
3	−2,9404073			−2,9404073	

$\xi = -2{,}9404073.$

МАШҚЛАР

1. Ушбу $P(x) = a_0x^n + a_1x^{n-1} + \ldots + a_{n-1}x + a_n = 0$ тенгламанинг барча илдизлари (модуль бўйича) $\frac{|a_n|}{b+|a_n|} < |x| < 1 + \frac{c}{|a_0|}$ ҳалқа ичида ётишини исботланг, бунда $b = \max\{|a_0|, |a_1|, \ldots, |a_{n-1}|\}$, $c = \max\{|a_1|, \ldots, |a_n|\}$.

2. $x^n - x^{n-1} - \ldots - x - 1 = 0$ $(n \geqslant 2)$ тенглама ягона $\xi < 2$ мусбат илдизга эга бўлишини исботланг.

3. Мусбат коэффициентли $P(x) = a_0x^n + a_1x^{n-1} + \ldots + a_n$ кўпҳаднинг барча илдизлари $m < |x| < M$ қўш тенгсизликни қаноатлантиришини кўрсатинг, бунда:

$$m = \min_{1 \leqslant k \leqslant n} \frac{a_k}{a_{k-1}}, \quad M = \max_{1 \leqslant k \leqslant n} \frac{a_k}{a_{k-1}}.$$

4. Мусбат коэффициентли $P(x) = a_0x^n + a_1x^{n-1} + \ldots + a_n$ кўпҳад учун қуйидагиларнинг ўринли бўлишини кўрсатинг:

а) агар $a_0 > a_1 > \ldots > a_n$ бўлса, у ҳолда $P(x)$ нинг барча илдизлари $|x| \leqslant 1$ бирлик доирадан ташқарида ётади;

б) агар $a_0 < a_1 < \ldots < a_n$ бўлса, у ҳолда $P(x)$ нинг барча илдизлари $|x| \leqslant 1$ бирлик доира ичида ётади.

5. $P(x) = \sum_{i=0}^{n} a_i x^{n-i}$ кўпҳаднинг барча илдизлари модуллари бўйича

$$\rho + \max_{1 \le k < n} \left| \frac{a_k}{a_0 \rho^{n-1}} \right|, \ \forall \rho > 0$$

дан ортмаслигини кўрсатинг.

6. Ҳақиқий коэффициентли $P(x) = \sum_{i=0}^{n} a_i x^{n-i}$ $(a_0 > 0)$ кўпҳаднинг ҳақиқий илдизлари:

$$\rho + \sqrt[k]{\max_{j} \left| \frac{a_j}{a_0 \rho^{j-1}} \right|}$$

дан ортмаслигини кўрсатинг, (унда ρ — ихтиёрий мусбат сон, k — биринчи манфий коэффициентнинг номери, a_j — манфий коэффициентлар.

7. $P(x)$ кўпҳадни $(x - \alpha)(\alpha > 0)$ икки ҳадга бўлганда Хорнер схемасидаги b_i лар номанфий, b_0 эса мусбат бўлсин: $b_0 = a_0 > 0$, $b_i \geqslant 0 \, (i = \overline{1, n})$. У ҳолда $P(x)$ нинг барча илдизлари α дан кичик бўлишини кўрсатинг.

8. Тенгламаларнинг ҳақиқий илдизлари ётган чегараларни кўрсатинг ва ҳақиқий илдизлари сонини топинг:

а) $x^4 - 35x^3 + 380x^2 - 1350x + 1000 = 0$; б) $2x^4 - 7x^3 + 9x^2 - 7x + 2 = 0$; в) $x^5 + 3x^4 - 9x^3 - 21x^2 - 10x - 24 = 0$; г) $x^5 + 4x^4 - 10x^3 - 65x^2 - 86x - 24 = 0$; д) $x^6 - 6x - 1 = 0$.

9. $f(x) = \sqrt{7 - \sqrt{x^2 - 4x + 4}} - x + 3 = 0$ тенгламанинг тақрибий илдизи $\tilde{x} = 4{,}9$. Шу илдиз хатоси баҳолансин.

10. Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший (Мирзо Улуғбек илмий мактаби намояндаларидан бири, Самарқандда яшаб ижод этган, 1430 йилда вафот этган) $x^3 - kx + m = 0$ кўринишдаги тенгламани ечиш учун уни

$$x = \frac{m + x^3}{k}$$

кўринишга келтириб, ўзи тузган кетма-кет яқинлашишлар усулини қўллаган. Ал-Коший томонидан $k = 45$, $m = 0{,}785039343364406$ да $x = \sin 1^\circ = 0{,}017452406437283571$ топилгани маълум. Усулнинг қисқача моҳияти:

бошланғич яқинлашиш $x_0 = 0$, биринчи яқинлашиш $x_1 = m/k$ бўлсин, $j = 1, 2, \ldots$ учун қолган ҳисоблашлар ушбу рекуррент формулалар бўйича бажарилади:

$$q_j = (x_j^3 - x_{j-1}^3)/k, \quad x_{j+1} = x_1 + q_1 + q_2 + \ldots + q_j.$$

(ҳисоблашлар то $q_i \leqslant \varepsilon$ бўлганга қадар давом эттирилади, бунда ε олдиндан тайинланган хато катталиги.)

Ал-Коший усулини таҳлил қилинг, $\sin 1^0$ қийматини шу усулни қўллаб ва бевосита ЭҲМ ёки микрокалькулятор ёрдами билан топиб, Ал-Коший топган натижа билан солиштиринг. Ал-Коший усулидан фойдаланиб, қуйидаги тенгламаларни ПМК ёки ЭҲМ да ечинг:

а) $x^3 - 3x + 1{,}888 = 0$;

б) $x^3 - 3x + 0{,}1046719131717587 = 0$ (Қозизода Румий тенгламаси);

в) $x^3 + 5{,}8x + 1{,}9170038 = 0$.

11. Қуйида берилган тенгламаларнинг ҳақиқий илдизларидан бирортаси тенг иккига бўлиш, оддий итерация, Вестгейн, Ньютон ва модификацияланган Ньютон, ватарлар усулларини қўлланиб топилсин:

1) $x - \frac{1}{(x+1)^2} = 0$; 2) $x - (x+1)^3 = 0$; 3) $x = 4 + \sqrt[3]{\frac{x-1}{x+1}}$; 4) $x - 2 - \sqrt[4]{x} = 0$; 5) $x - \frac{1}{10}e^{-x} = 0$; 6) $4 - 3x - \operatorname{tg} x = 0$; 7) $x^2 = \sin x - 0{,}5$; 8) $x^3 = \sin x$; 9) $x - \arcsin \frac{x+1}{4}$; 10) $x - 1 = \frac{\sin x}{10}$; 11) $x^2 = \ln(x+1)$; 12) $\ln x = 4 - x$; 13) $x^2 = e^x + 2$; 14) $2^x = 4x$; 15) $x - 1 = \frac{1}{2}\operatorname{arctg} x$; 16) $x^3 - x - 1 = 0$; 17) $x^3 - 1{,}5x^2 + 0{,}58x - 0{,}057 = 0$; 18) $x^3 - 7x - 5 = 0$; 19) $x^3 + 9x^2 + 11x - 21 = 0$; 20) $x^3 - 5x^2 + 3x + 1 = 0$; 21) $x^3 + 7x^2 + 4x - 2 = 0$; 22) $2x^4 - 7x^3 + 9x^2 - 7x + 2 = 0$; 23) $2x^4 - 5x^3 + 5x^2 - 2 = 0$; 24) $2x^4 - 9x^3 - 2x^2 + 4x - 1 = 0$; 25) $0{,}1e^x - \sin^2 x + 0{,}5 = 0$, $x \in [-5\pi, 5\pi]$; 26) $3x - \cos x - 1 = 0$; 27) $e^x - 6x - 3 = 0$; 28) $1{,}4^x - x = 0$; 29) $2x - 1{,}3^x = 0$; 30) $(x-1)^3 + 0{,}5e^x = 0$; 31) $\sqrt{x+1} - 1/x = 0$; 32) $(x-1)^2 - 0{,}5e^x = 0$; 33) $5x - e^x = 0$; 34) $3x - e^{0{,}5x} = 0$; 35) $4\cos(2x - 45°) + 12\sin^2(2x - 45°) - 11 = 0$; 36) $4\sin(3x - 35°) + 7\cos^2(2x - 37°) - 6{,}715589 = 0$.

12. Ньютон усулидан фойдаланиб, а) n-даражали $x = \sqrt[n]{a}$ $(a > 0)$ илдизни ҳисоблаш; б) $x = 1/a\,(a > 0)$ тескари миқдорни ҳисоблаш; в) $x = 1/\sqrt{a}\,(a > 0)$ квадрат илдизнинг тескари қийматини ҳисоблаш; г) $x = \sqrt{1+a^2}$ $(a > 0)$; д) $x = 1/\sqrt{a(a+1)}$ $(a > 0)$ қийматла-

рини тақрибий ҳисоблаш учун рекуррент формула тузинг ва ундан фойдаланиб кўрсатилган функцияларнинг $a = 2{,}3+0{,}002\,k$ ($k=\overline{0;20}$) даги қийматлари жадвалини тузинг.

13. n-каррали x^* илдиз бўлган ҳол ($f(x^*)=0,\ f'(x^*)=0,\ \ldots,\ f^{(n-1)}(x^*)=0,\ f^{(n)}(x^*)\neq 0$) учун Ньютон усулининг яқинлашиш тартибини аниқланг.

14. $x_{n+1}=x_n-(f'(x_0))^{-1}f(x_n)$ $(n=0,1,2,\ldots)$ Ньютон модификацияланган усулининг яқинлашиш тартибини аниқланг.

2-а ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1. Коэффициентлари 1-жадвалда кўрсатилган $P(x)=a_0x^4+a_1x^3+a_2x^2+a_3x+a_4$ кўпҳаднинг $P(4{,}82)$ қиймати Хорнер схемасидан фойдаланиб топилсин:

1-жадвал

Вариант	a_0	a_1	a_2	a_3	a_4
1	8,54	11,2	3,82	0,44	—0,48
2	10,36	12,69	0,79	14,39	—0,94
3	—12,78	14,35	17,1	—1,34	—1,72
4	15,65	17,58	21,7	—2,78	1,54
5	—11,2	5,08	— 3,7	—3,65	4,09
6	—10,75	—30,2	—4,47	0,63	—3,17
7	—3,79	— 4,74	32,8	9,75	—4,72
8	—4,8	— 2,54	—3,12	7,07	—3,11
9	—37,6	2,58	—3,89	5,82	—6,64
10	—4,77	—31,58	—3,46	4,17	56,33
11	—3,41	— 4,73	3,73	—0,8	—2,01
12	—34,1	50,2	—5,87	—7,02	4,43
13	12,04	— 3,51	—2,54	8,91	4,72
14	1,09	— 2,63	—3,81	—0,82	6,88
15	—23,2	85,03	—4,73	—5,95	0,76
16	2,89	9,85	14,15	5,38	7,24
17	4,45	2,91	—3,79	—6,75	—2,38
18	—4,79	5,38	—2,86	7,31	4,55
19	8,34	7,73	—9,29	—4,53	5,79
20	—0,6	6,73	11,24	—3,45	—3,51
21	5,7	4,97	—4,07	12,3	—5,96
22	3,6	21,3	—3,18	4,47	—6,04
23	—3,86	12,4	4,8	5,14	—4,23
24	—4,81	3,67	—4,55	6,82	—3,66
25	—3,97	4,33	—5,31	6,16	—4,21

2. Итерация усулидан фойдаланиб, $y=\sqrt[n]{x^m}$ функциянинг $x=a+bk$ даги қийматлари 10^{-4} гача аниқлик билан топилсин (n, m, a, b, k қийматлари 2-жадвалдан олинсин):

2-жадвал

Вариант	n	m	a	b	k	Вариант	n	m	a	b	k
1	3	4	3,3	2,7	0;15	14	9	10	2,7	—0,79	5;25
2	5	3	—2,1	5,4	0;16	15	10	3	24	—3,07	6;20
3	5	4	—3,5	0,7	0;20	16	3	5	—3,2	4	0;15
4	4	3	—5,4	6,2	0;15	17	5	4	21	7,5	0;12
5	6	5	—3,6	—2,5	0;15	18	5	6	—4,5	3,2	0;12
6	7	2	—4,1	—5,9	0;16	19	4	5	—3,5	9,6	0;15
7	7	3	—4,8	—32	0;15	20	6	5	—4,3	—4,8	0;18
8	7	4	—4,01	—4,7	0;15	21	7	3	—5,9	12,2	0;20
9	7	5	—3,4	—4,8	0;20	22	7	4	—3,4	16,5	0;18
10	7	8	4,6	—6,9	0;18	23	7	5	—6,1	—3,5	0;16
11	9	2	21	—5,4	0;15	24	7	6	—4,3	—7,03	0;16
12	9	4	—3,79	—4,6	0;15	25	7	9	—3,6	—5,8	0;18
13	9	7	—16	—0,8	3;18						

3. $f(x)=0$ тенгламанинг (3-жадвал) ҳақиқий илдизлар сони аниқлансин ва улар ётган чегаралар ажратилсин, оралиқни тенг иккига бўлиш, оддий итерация, Вестгейн, Ньютон ва ватарлар усуллари қўлланилганида неча қадамдан сўнг шу илдизларни $\varepsilon=1\cdot10^{-5}$ аниқликда топиш мумкинлиги ҳисоблансин ва улар шундай аниқликда топилсин:

3- жадвал

Вар.	$f(x)=0$	Вар.	$f(x=0)$
1	$x^3-1,5x^2+0,58x-0,057=0$	14	$x^5-5x^4-4x^3+20x^2-$ $-5x+25=0$
2	$x^3-2,5x^2-x+2=0$	15	$x^3-0,4x+0,08=0$
3	$x^3+x^2-4x-4=0$	16	$x^4+x^3-6x^2+20x-16=0$
4	$x^4-4x^3+5,5x^2-3x+0,3=0$	17	$x^5+11x^4+101x^3+11x^2+$ $+10=0$
5	$x^4-7,99x^3-24,10x^2+$ $+47,81x+80,21=0$	18	$x^4+47,89x^3+797,3x^2+$ $+5349x+12300=0$
6	$x^4+2,83x^3-4,5x^2-64x-$ $-20=0$	19	$x_4+10x^3-1=0$
7	$x^5-3x^3-14x-8=0$	20	$x^5+1,1x-1=0$
8	$x^5-x-0,2=0$	21	$x^4-4x^3-40x^2-56x-$ $-20=0$
9	$x^5+3,2x^2-0,2163923=0$	22	$x^3+7,05x^2-x-$ $-101,76=0$
10	$x^4-31,2x+25,8944=0$	23	$x^4+7,18x^3+8,244539=0$
11	$x^3-0,83x^2+5,2x-$ $-81,2868=0$	24	$x^4+3x^3-x+6=0$
12	$x^4-0,79x-59,67=0$	25	$x^5-x^3+1,51593=0$
13	$x^5-8,2x+2077,8273=0$		

2- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

$f(x)=0$ трансцендент тенгламанинг $[a, b]$ оралиқда ётган илдизлари оралиқни тенг иккига бўлиш усули, оддий итерация ёки Вестгейн усули, Ньютон усули ёки унинг модификацияларидан бири ёки ватарлар усули қўлланилиб, ε аниқликда топилсин:

Вариант	$f(x)=0$	$[a, b]$	ε
1	$\sqrt{\frac{\pi}{2}}\cdot e^{0,6x}+\frac{x}{0,36+x^3}=0$	$[-1;\ 1]$	$1\cdot 10^{-5}$
2	$e^{0,724x+0,1}-2,831x=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-5}$
3	$\sqrt{\frac{\pi}{2}}\, e^{0,8x}-\frac{x}{0,64+x^x}=0$	$[-1;\ 0]$	$1\cdot 10^{-5}$
4	$e^{0,866x+0,3}-5,34x=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-5}$
5	$x^3+\sin x-12x+1=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-5}$
6	$x-\operatorname{tg} x+0,268254=0$	$(0;\ \pi/2)$	$1\cdot 10^{-6}$
7	$0,6x-\ln x-1,2712108=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-8}$
8	$x^3+4\sin x+3,847569=0$	$[-1;\ 0]$	$1\cdot 10^{-6}$
9	$e^x-6x+0,8177154=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-8}$
10	$x-\sin x-0,0090795=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-8}$
11	$x^2+4\sin x-1,6280819=0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-8}$

давоми

Ва-риант	$f(x)=0$	$[a,\ b]$	ε
12	$1{,}5x - 2\sin x + 0{,}15432 = 0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-4}$
13	$3x - \cos x - 0{,}21134 = 0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-4}$
14	$1{,}4^x - x - 2{,}16765 = 0$	$[-2;\ -1]$	$1\cdot 10^{-4}$
15	$1{,}7^x + x - 3{,}892647 = 0$	$[1;\ 2]$	$1\cdot 10^{-4}$
16	$0{,}1e^x - \sin^2 x + 0{,}5 = 0$	$\left[-\pi;\ -\frac{\pi}{2}\right]$	$1\cdot 10^{-4}$
17	$2x - 1{,}3^x = 0$	$[0;\ 10]$	$1\cdot 10^{-4}$
18	$(x-1)^3 + 0{,}7e^x - 0{,}645669 = 0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-4}$
19	$4x - 0{,}5e^x - 3{,}1399 = 0$	$[1;\ 2]$	$1\cdot 10^{-4}$
20	$4x + 0{,}8e^x - 7{,}4561 = 0$	$]1;\ 2]$	$1\cdot 10^{-4}$
21	$3{,}4x - 0{,}6e^x + 0{,}05284 = 0$	$[0;\ 1]$	$1\cdot 10^{-4}$
22	$-0{,}8x + 0{,}7e^x - 0{,}95453 = 0$	$[-1;0]$	$1\cdot 10^{-4}$
23	$3x + \lg x - 6{,}30103 = 0$	$[1;\ 3]$	$1\cdot 10^{-4}$
24	$1{,}5\sin(x-0{,}6) + x - 2{,}047 = 0$	$\left[0;\ \frac{\pi}{2}\right]$	$1\cdot 10^{-4}$
25	$x^3 - 2{,}8e^x + 2{,}5713 = 0$	$[-2;\ -1]$	$1\cdot 10^{-4}$

3-боб. ЧИЗИҚЛИ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИНИ ЕЧИШ

Ушбу боб

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ \ldots\ + a_{1n}x_n = a_{1,n+1} \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \ \ldots\ + a_{2n}x_n = a_{2,n+1} \\ a_{n1}\ x_1 + a_{n2}x_2 + \ \ldots\ a_{nn}x_n = a_{n,n+1} \end{cases} \qquad (1)$$

кўринишидаги чизиқли тенгламалар системасини ечишга бағишланади.

Гауссинг номаълумларни чиқариш (компакт) усули. Тўғри юриш (берилган системани унга тенг кучли учбурчак матрицали системага келтириш ва номаълумларни йўқотиш): 1) система коэффициентларини жадвалнинг I қисмига тўлдирамиз;

2) ҳар қайси сатр коэффициентлари йиғиндисини $\sum$ контрол устунига ёзамиз, масалан, $a_{16} = \sum\limits_{j=1}^{5} a_{1j}$, $a_{26} = \sum\limits_{j=1}^{5} a_{2j}$;

3) $i = 1$ биринчи сатр коэффициентларини $a_{11} \neq 0$ га бўлиб, $b_{1j} = a_{1j}/a_{11}$ натижаларни I нинг (в) сатрига ёзамиз; $j = \overline{2;6}$;

4) контрол: (в) сатр элементлари йиғиндиси $1 + \sum b_{1j}$ ($\sum$ устунида) b_{16} га тенг бўлиши керак: $b_{16} = 1 + \sum b_{1j}$;

5) жадвалнинг II қисми: $a_{ij}^{(1)} = a_{ij} - a_{i1}b_{1j}$ $(i=2, 3, 4, j=\overline{2;6})$ коэффициентларни ҳисоблаймиз ва уларни жадвалга киритамиз;

6) контрол: $\sum$ устун элементлари уларга мос сатр элементлари йиғиндисига тенг бўлиши керак: $a_{i6}^{(1)} = \sum_{j=2}^{5} a_{ij}^{(1)}$ $(i=2.3,4)$;

7) II нинг $i=2$ сатр элементларини $a_{22}^{(1)}$ га бўлиб, $(b^{(1)})$ сатрга ёзамиз;

8) контрол (4-банддаги каби): $b_{26}^{(1)} = 1 + \sum_{j=3}^{5} b_{2j}^{(1)}$;

9) III қисм: $a_{ij}^{(2)} = a_{ij}^{(1)} - a_{i2}^{(1)} \cdot b_{2j}^{(1)}$ $(i=3,4;\ j=3, 4, 5)$;

10) контрол (6-банддаги каби): $a_{i6}^{(2)} = \sum_{j=3}^{5} a_{ij}^{(2)}$ $(i=3, 4)$;

11) $b_{3j}^{(2)} = a_{3j}^{(2)}/a_{33}^{(2)}$ ва контрол (4—б.): $b_{36}^{(2)} = 1 + \sum_{j=3}^{5} b_{3j}^{(2)}$;

12) IV қисм: $a_{4j}^{(3)} = a_{4j}^{(2)} - a_{43}^{(2)} \cdot b_{3j}^{(2)} (j=\overline{4;6})$ ва контрол: $b_{46}^{(3)} = 1 + \sum_{j=4}^{5} b_{4j}^{(3)}$.

Тескари юриш (x_4, x_3, x_2, x_1 номаълумларни топиш):

1) I′ қисмга 1 ларни ёзамиз;

2) $x_4 = a_{45}^{(3)}/a_{44}^{(3)}$;

3) $(b^{(2)})$ сатрдан: $x_3 = b_{35}^{(2)} - b_{34}^{(2)} \cdot x_4$,

$(b^{(1)})$ сатрдан: $x_2 = b_{25}^{(1)} - b_{24}^{(1)} \cdot x_4 - b_{23}^{(1)} \cdot x_3$,

(b) сатрдан $x_1 = b_{15} - b_{14} \cdot x_4 - b_{13} \cdot x_3 - b_{12} \cdot x_2$;

9	$a_{23}^{(1)}$	$a_{31}^{(2)}=a_{31}^{(1)}m_{11}$	$a_{32}^{(2)}=a_{32}^{(1)}+a_{31}^{(1)}m_{12}$	$a_{33}^{(2)}=a_{33}^{(1)}+a_{31}^{(1)}m_{13}$	$a_{34}^{(2)}=\sum a_{3i}^{(2)}$	$a_{35}^{(2)}=a_{34}^{(1)}+a_{31}^{(1)}m_{14}$
7'		$\bar{a}_{11}^{(2)}=a_{11}^{(2)}\bar{a}_{21}^{(1)}+$ $+a_{21}^{(2)}\bar{a}_{22}^{(1)}+$ $+a_{31}^{(2)}\bar{a}_{23}^{(1)}=p_1$	$\bar{a}_{12}^{(2)}=a_{12}^{(2)}\bar{a}_{21}^{(1)}+$ $+a_{22}^{(2)}\bar{a}_{22}^{(1)}+$ $+a_{32}^{(2)}\bar{a}_{23}^{(1)}=p_2$	$\bar{a}_{13}^{(2)}=a_{13}^{(2)}\bar{a}_{21}^{(1)}+$ $+a_{23}^{(2)}\bar{a}_{22}^{(1)}+$ $+a_{33}^{(2)}\bar{a}_{23}^{(1)}=p_3$		$a_{i4}^{(2)}=a_{i5}^{(2)}+$ $+a_{i1}^{(2)},$ $i=\overline{1,3}$

2) Агар ўша $a_{k,k-1}^{(n-k)}=0$ элементдан чапда жойлашган барча элементлар ҳам нолга тенг бўлса, яъни:

$$A^{(n-k)}=$$

$$=\left[\begin{array}{ccc|ccccc} a_{n}^{(n-k)} & \dots & a_{1,k-1}^{(n-k)} & a_{1k}^{(n-k)} & \dots & a_{1,n-1}^{(n-k)} & a_{1n}^{(n-k)} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{k-1,1}^{(n-k)} & \dots & a_{k-1,k-1}^{(n-k)} & a_{k-1,k}^{(n-k)} & \dots & a_{k-1,k-1}^{(n-k)} & a_{k-1,n}^{(n-k)} \\ \hline & & & a_{kk}^{(n-k)} & \dots & a_{n-1}^{(n-k)} & a_{kn}^{(n-k)} \\ & 0 & & 1 & \dots & 0 \dots & 0 \\ & & & \dots & \dots & \dots & \dots \\ & & & 0 & \dots & 1 & 0 \end{array}\right]=$$

$$=\left[\begin{array}{c|c} B & C \\ \hline 0 & P^{(n-k)} \end{array}\right]$$

бўлса, Лаплас теоремаси бўйича $\det(A^{(n-k)}-\lambda E)=\det(B-\lambda E_{k-1})\det(P^{(n-k)}-\lambda E_{n-k+1})$ топилади, бунда $\det(P^{(n-k)}-\lambda E_{n-k+1})$ бевосита ҳисобланади, B матрицага нисбатан эса Данилевский усули қўлланилади (53- бетга қаранг).

A матрицанинг ҳар бир λ хос сонга мос $\vec{x}$ хос вектори $\vec{x}=S\vec{y}$ муносабат ёрдамида аниқланади, бунда $\vec{y}$ вектор P Фробениус матрицасининг хос вектори, $S=M_{n-1}M_{n-2}\dots\dots M_1$, $P=S^{-1}AS$, $\vec{y}$ вектор $P\vec{y}=\lambda\vec{y}$, дан яъни:

$$\left.\begin{aligned} p_1y_1+p_2y_2+\dots+p_ny_n&=\lambda y_1 \\ y_1&=\lambda y_2, \\ \dots&\dots \\ y_{n-1}&=\lambda y_n \end{aligned}\right\} \qquad (13)$$

системадан аниқланади, Хусусан, $y_n=1$ деб қабул қилинса, $\vec{y}=(\lambda^{n-1},\ \dots,\ \lambda_1)$ бўлади.

3- м и с о л. 1- мисолда кўрсатилган

$$A=\begin{bmatrix} 5 & 30 & -48 \\ 3 & 14 & -24 \\ 3 & 15 & -25 \end{bmatrix}$$

матрицанинг хос сонлари ва хос векторлари топилсин.

Ечиш.

3-мисол **Данилевский усули**

Сатр	M^{-1}	A, $A^{(i)}$ матрицалар			Σ	Σ'
1		5	30	—48	13	
2		3	14	—24	—7	
3		3	$\boxed{15}$	—25	—7	
I	M_2 / M_2^{-1}	—0,2	0,066667 —1	1,666667	0,466667	0,466667
4	3	—1	2,00001	2,00001	3,00002	1,00001
5	15	0,2	0,933338	—0,666662	0,466676	—0,466662
6	—25	0	1,000005	0,000005	1,000010	0,00005
5′		$\boxed{0}$	—5,000025	—3,9999	16,0002	

Етакчи элемент $\left|a_{21}^{(1)}\right| = 0$. Етакчилик ролини алмаштириш учун унинг чап томонида элемент ҳам йўқ (2 — норегуляр ҳол). Ҳисоблашлар узилади. Шу жойгача

$$A^{(1)} = \begin{bmatrix} -1 & 2{,}00001 & 2{,}00001 \\ \boxed{0} & -5{,}000025 & -3{,}9999 \\ 0 & 1{,}000005 & 0{,}000005 \end{bmatrix}$$ га эга бўлган эдик, ёки

матрица элементларини бирларгача яхлитласак,

$$A^{(1)} = \left[\begin{array}{c:cc} -1 & 2 & 2 \\ \hdashline 0 & -5 & -4 \\ 0 & 1 & 0 \end{array}\right] = \left[\begin{array}{c|c} B & C \\ \hline 0 & P^{(1)} \end{array}\right], \text{ ёки } P = \begin{bmatrix} -5 & -4 \\ 1 & 0 \end{bmatrix},$$

$P(\lambda) = \lambda^2 + 5\lambda + 4$, бундан $\lambda_1 = -4$, $\lambda_2 = -1$, $\lambda_3 = \mathrm{tr}\, A - (\lambda_1 + \lambda_2) = (-1-5) - (-4-1) = -1$. Иккинчи норегуляр ҳолда хос векторларни Данилевский усули бўйича топиб бўлмайди, бошқа усулларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Модуль бўйича энг катта бўлган битта ёки бир нечта хос сонларни топиш учун итерация усули. Ихтиёрий $\vec{y}^{(0)} = (y_1^{(0)}, \ldots, y_n^{(0)})'$ нол бўлмаган бошланғич векторни оламиз ва векторларнинг $\vec{y}^{(0)}$, $\vec{y}^{(k)}=A\vec{y}^{(k-1)}$ $(k=1, 2, \ldots)$ рекуррент кетма-кетлигини тузамиз. A матрицанинг модуль бўйича энг катта хос сони (у каррали бўлган ҳолда ҳам)

$$\lambda_1 \approx y_i^{(k+1)}/y_i^{(k)} \tag{14}$$

бўлади. Унга мос $\vec{x}^{(1)}$ нинг қиймати нормаллаштириб олинади: $\vec{x}^{(1)}=A^k\vec{y}^{(0)}=\left(\frac{y_1^{(k)}}{\sqrt{(\vec{y}^{(0)}, \vec{y}^{(0)})}}, \ldots, \frac{y_n^{(k)}}{\sqrt{(\vec{y})^{(0)}, \vec{y}^{(0)})}}.\right)$

Агар итерациялар кетма-кетлигида мос компонентларнинг нисбатлари тартибсиз ўзгарса, ишоралар алмашиши рўй берса, бу ҳол комплекс хос сонларнинг мавжудлигидан дарак беради. Иккинчи хос сон ва хос вектор $\lambda_2 \approx (y_i^{(k+1)} - \lambda_1 y_i^{(k)})/(y_i^{(k)} - \lambda_1 y_i^{(k-1)})$, $\vec{x}^{(2)} \approx \vec{y}^{(k+1)} - \lambda_1 \vec{y}^{(k)}$ муносабатлардан топилади.

4-мисол. $A=\begin{bmatrix} 5 & 30 & -48 \\ 3 & 14 & -24 \\ 3 & 15 & -25 \end{bmatrix}$ матрицанинг хос сонлари ва уларга мос хос векторлари итерация усули қўлланилиб топилсин, $\varepsilon=0{,}5\cdot10^{-4}$.

Ечиш. $\vec{y}^{(0)}=(1,0,0)$ бўлсин. $\vec{y}^{(i)}=A\vec{y}^{(i-1)}$ векторлар кетма-кетлигини тузамиз (жадвал) ва энг катта хос ва унга мос хос векторни топамиз:

4-мисол **Итерация усули**

A \ $\vec{y}^{(k)}$	5 3 3 / $(y_1^{(k)},$	30 14 15 / $y_2^{(k)}$	−48 −24 −25 / $y_3^{(k)})'$	$y_1^{(k+1)}/y_1^{(k)}$	$y_2^{(k+1)}/y_2^{(k)}$	$y_3^{(k+1)}/y_3^{(k)}$
$\vec{y}^{(0)}$	1	0	0			
$\vec{y}^{(1)}$	5	3	3	5		
$\vec{y}^{(2)}$	−29	−15	−15	−5,8	−5	−5
$\vec{y}^{(3)}$	125	63	63	−4,3103	−4,2	−4,2
$\vec{y}^{(4)}$	−509	−255	−255	−4,072	−4,0476	−4,0476
$\vec{y}^{(5)}$	2045	1023	1023	−4,0177	−4,0118	−4,0118

A \ $\vec{y}^{(k)}$	5 3 3 $(y_1^{(k)}$,	30 14 15 $y_2^{(k)}$	—48 —24 —25 $y_3^{(k)})'$	$y_1^{(k+1)}/y_1^{(k)}$	$y_2^{(k+1)}/y_2^{(k)}$	$y_3^{(k+1)}/y_3^{(k)}$
$\vec{y}^{(6)}$	—8189	—4095	—4095	—4,0044	—4,0029	—4,0029
$\vec{y}^{(7)}$	32765	16383	16383	—4,0011	—4,0007	—4,0007
$\vec{y}^{(8)}$	—131069	—66335	—65535	—4,0003	—4,0002	—4,0002
$\vec{y}^{(9)}$	524285	262143	262143	—4,00007	—4,00005	—4,00005

$\vec{x}^{(1)} \approx \vec{y}^{(9)} = (524285;\ 262143;\ 262143)'$, $\lambda_1 = -4$ ёки $\vec{x}^{(1)} \approx (0{,}8165;\ 0{,}4082;\ 0.4082)'$.

4- мисол λ_1 ни ҳисоблаш

$y_i^{(9)}$	$\lambda_1 y_i^{(8)}$	$y_i^{(9)} - \lambda_1 y_i^{(8)}$	$y_i^{(8)}$	$\lambda_1 y_i^{(7)}$	$y_i^{(8)} - \lambda_1 y_i^{(7)}$	λ_2
524285	524276	9	—131069	—131060	—9	—1
262143	262140	3	—65535	—65532	—3	—1
262143	262140	3	—65535	—65532	—3	—1

$\lambda_2 = -1$, $\vec{x}^{(2)} \approx \vec{y}^{(9)} - \lambda_1 \vec{y}^{(8)} = (9;\ 3;\ 3)'$, $\lambda_3 = 5 + 14 - 25 - $
$-(-4) - (-1) = -1$.

$\vec{x}^{(3)}$ ни топиш учун $\vec{y}^{(0)}$ бошланғич вектор бошқача танланиши лозим.

Итерация усули қўлланилиб мусбат аниқланган симметрик матрицанинг хос сонлари ва хос векторларини излашда характеристик кўпҳад илдизларининг ҳақиқий ва мусбат бўлиши, хос векторлар ҳақиқий бўлиши ва ортогоналлик шартини (яъни $(\vec{x}^{(i)}, \vec{x}^{(j)}) = \sum_{k=1}^{n} x_k^{(i)} x_k^{(j)} = 0$, $i \neq j$ бўлиш шартини) қаноатлантириши эътиборга олинади. $\vec{x}^{(1)}$ биринчи хос векторни топиш мақсадида $A\vec{x}^{(1)} = \lambda_1 \vec{x}^{(1)}$ га асосланиб, ушбу система тузилади:

$$\begin{cases} (a_{11} - \lambda_1) x_1^{(1)} + a_{12} x_2^{(1)} + \ldots + a_{1n} x_n^{(1)} = 0, \\ a_{21} x_1^{(1)} + (a_{22} - \lambda_1) x_2^{(1)} + \ldots + a_{2n} x_\Lambda^{(1)} = 0, \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ a_{n1} x_1^{(1)} + a_{n2} x_2^{(i)} + \ldots + (a_{nn} - \lambda_1) x_n^{(1)} = 0 \end{cases}$$ ёки

$$\begin{cases} x_1^{(1)} = \frac{1}{\lambda_1}(a_{11}x_1^{(1)} + a_{12}x_2^{(1)} + \ldots a_{1n}x_n^{(1)}), \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ x_{n-1}^{(1)} = \frac{1}{\lambda_1}(a_{n-1,1}x_1^{(1)} + a_{n-1,2}x_2^{(1)} + \ldots + a_{n-1,n}x_n^{(1)}), \end{cases} \qquad (14)$$

$$\lambda_1 = \frac{1}{x_n^{(1)}}(a_{n1}x_1^{(1)} + a_{nn}x_n^{(1)})$$

Хос компонентларнинг ҳаммасини бирор сонга кўпайтириш ёки бўлиш мумкин. Шунга кўра $x_n^{(1)} = 1$ деб оламиз. Система n та λ_1, $x_1^{(1)}$, $x_2^{(1)}$, $\ldots$, $x_{n-1}^{(1)}$ номаълумли n та тенгламадан иборат бўлиб қолади. Бу номаълумлар системадан итерация йўли билан топилади. Энди λ_2 ва $\vec{x}^{(2)}$ ни топиш мақсадида юқорида кўрсатилганига ўхшаш равишда $\lambda_2 x_i^{(2)} = \sum_{j=1}^{n} a_{ij}x_j^{(2)}$ $(\overline{i=n})$ система тузилади ва $(\vec{x}^{(1)}, \vec{x}^{(2)}) = \sum_{j=1}^{n-1} x_j^{(1,\, m)}/x_j^{(2)} + x_n^{(2)} = 0$ ортогоналлик шартидан фойдаланган ҳолда компоненталарнинг бироргаси, масалан $x_n^{(2)}$ ни бошқалари орқали ифодаланади. Худди шу $x_n^{(2)}$ компонента системага қўйилади. Натижада:

$$\begin{cases} x_i^{(2)} = \frac{1}{\lambda_2}\sum_{j=1}^{n-1} a_{ij}^{(1)}x_j^{(2)} \ (i = \overline{1, n-2}), \\ \lambda_2 = \frac{1}{x_{n-1}^{(2)}}\sum_{j=1}^{n-1} a_{n-1,j}^{(1)}x_j^{(2)}, \quad a_{ij}^{(1)} = a_{ij} - a_{in}x_j^{(1,\, m)}, \quad m = 0, 1, 2, \ldots \end{cases} \qquad (15)$$

Бу $(n-1)$-тартибли системадан иборат. Унга $x_{n-1}^{(2)} = 1$ қўйилаб, қолган λ_2, $x_1^{(2)}$, $x_2^{(2)}$, $\ldots$, $x_{n-2}^{(2)}$ номаълумлар итерация йўли билан аниқланади. Шунга ўхшаш қолган хос сон ва хос векторлар изланади.

5-мисол. $A = \begin{vmatrix} 3 & 2 & 2 \\ 2 & 6 & 1 \\ 2 & 1 & 8 \end{vmatrix}$ матрицанинг хос сонлари ва хос векторлари $\varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-3}$ аниқлик билан топилсин.

Ечиш. Матрица симметрик ва мусбат аниқланган (Сильвестр шартлари бажарилади): $D_1 = 3 > 0$, $D_2 = \begin{vmatrix} 3 & 2 \\ 2 & 6 \end{vmatrix} = 12 > 0$, $D_3 = \det A = 93 > 0$. (14) системани тузамиз:

$$\begin{cases} 3x_1^{(i)} + 2x_2^{(i)} + 2x_3^{(i)} = \lambda_i x_1^{(i)}, \\ 2x_1^{(i)} = 6x_2^{(i)} + x_3^{(i)} = \lambda_i \cdot x_2^{(i)}, \\ 2x_1^{(i)} + x_2^{(i)} + 8x_3^{(i)} = \lambda_i x_3^{(i)}, \end{cases} \tag{16}$$

бунга $i = 1, x_3^{(1)} = 1$ қўйилса,

$$\begin{cases} x_1^{(1)} = \frac{1}{\lambda_1}(3x_1^{(1)} + 2x_2^{(1)} + 2), \\ x_2^{(1)} = \frac{1}{\lambda_1}(2x_1^{(1)} + 6x_2^{(1)} + 1), \\ \lambda_1 = 2x_1^{(1)} + x_2^{(1)} + 8. \end{cases} \tag{16'}$$

Бошланғич яқинлашиш сифатида $x_1^{(1,0)} = 1$, $x_2^{(1,0)} = 1$ ни олайлик. $\lambda_1^{(0)} = 11$ бўлади. $\|B\|_1 = \max\limits_{1 \leqslant i \leqslant n}\left(\frac{5}{11}, \frac{8}{11}\right) = \frac{8}{11} < 1$, итерация жараёни яқинлашади.

5- мисол **Итерация усули**

k	$x_1^{(1,k)}$	$x_2^{(1,k)}$	$\lambda_1^{(k)}$	k	$x_1^{(1,k)}$	$x_2^{(1,k)}$	$\lambda_1^{(k)}$
0	1	1	11	8	0,48111	0,56434	9,52657
1	0,63636	0,81818	10,09091	9	0,47992	0,56141	9,52126
2	0,54955	0,71171	9,81081	10	0,47920	0,55962	9,51802
3	0,51699	0,64922	9,68320	11	0,47876	0,55853	9,51605
4	0,50081	0,61233	9,61394	12	0,47849	0,55787	9,51485
5	0,49169	0,59035	9,58733	13	0,47832	0,55747	9,51412
6	0,48631	0,57715	9,54976	14	0,47822	0,55721	9,51367
7	0,48307	0,56918	9,53632	15	0,47816	0,55707	9,51340

$$\vec{x}^{(1)} = (0{,}478;\ 0{,}557;\ 1)', \quad \lambda_1 = 9{,}513.$$

λ_2 ва $\vec{x}^{(2)}$ ни топиш мақсадида (16) системага $i=2$ ни қўямиз. $\vec{x}^{(1)}$ ва $\vec{x}^{(2)}$ векторларнинг ортогоналлигидан: $0{,}478\,x_1^{(2)} + 0{,}557\,x_2^{(2)} + 1 \cdot x_3^{(2)} = 0$, ёки $x_3^{(2)} = -0{,}478\,x_1^{(2)} - 0{,}577\,x_2^{(2)}$. Агар $x_2^{(2)} = 1$ деб олсак,

$$x_1^{(2)} = \frac{1}{\lambda_2}(2{,}044\,x_1^{(2)} + 0{,}886), \quad \lambda_2 = 1{,}522\,x^{(2)} + 5{,}443. \tag{16''}$$

Бошланғич яқинлашиш сифатида $x_1^{(2,0)} = 1$ ни олайлик, $\lambda_2^{(0)} = 6{,}965$ бўлади. $\vec{x}^{(2)}$ ва λ_2 ни итерация усулини қўллаб, (16″) системадан топамиз:

k	$x_1^{(2,k)}$	$x_2^{(2,k)}$	$\lambda_2^{(k)}$	k	$x_1^{(2,k)}$	$x_2^{(2,k)}$	$\lambda_2^{(k)}$
0	1	1	6,965				
1	0,42067	1	6,08327	6	0,23613	1	5,80239
2	0,28699	1	5,87980	7	0,23588	1	5,80201
3	0,25045	1	5,82419	8	0,23580	1	5,80189
4	0,24002	1	5,80831	9	0,23578	1	5,80186
5	0,23701	1	5,80372	10	0,23578	1	5,80185

$x_3^{(2)} = -0,478 \cdot 0,23578 - 0,557 \cdot 1 = -0,66970$. Шундай қилиб, $\vec{x}^{(2)} = (0,236;\ 1;\ -0,670)'$, $\lambda_2 = 5,802$.

Учинчи $\vec{x}^{(3)}$ хос векторни аниқлашда $(\vec{x}^{(1)}, \vec{x}^{(3)}) = 0$ ва $(\vec{x}^{(2)}, \vec{x}^{(3)}) = 0$ ортогоналлик хусусиятлардан фойдаланамиз: $0,478\, x_1^{(3)} + 0,557\, x_2^{(3)} + x_3^{(3)} = 0,0236\, x_1^{(3)} + x_2^{(3)} - 0,670\, x_3^{(3)} = 0$. Бу системага $x_3^{(3)} = 1$ ни қўямиз. Натижада $\vec{x}^{(3)} = (-3,962;\ 1,605;\ 1)$, сўнг (16) системанинг охирги тенгламасидан $i = 3$ да $\lambda_3 = 1,690$ ни аниқлаймиз.

МАШҚЛАР

Матрицаларнинг хос сонлари ва хос векторлари детерминантларни тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули билан топилсин:

$$1.\ A = \begin{bmatrix} 1 & 4 & 1 \\ -1 & 1 & 3 \\ 1 & 2 & -1 \end{bmatrix}. \quad 2.\ A = \begin{bmatrix} 3 & 2 & 5 \\ 2 & -1 & 6 \\ 2 & -3 & -2 \end{bmatrix}.$$

$$3.\ A = \begin{bmatrix} 10 & 2 & 10 \\ -2 & -1 & -6 \\ 1 & -3 & -2 \end{bmatrix}. \quad 4.\ A = \begin{bmatrix} 3 & 1 & 1 \\ 3 & 2 & 1 \\ -2 & 5 & -2 \end{bmatrix}.$$

$$5.\ A = \begin{bmatrix} 2 & 1 & 3 \\ -1 & 7 & 5 \\ -3 & 1 & 2 \end{bmatrix}. \quad 6.\ A = \begin{bmatrix} 2 & -1 & 1 \\ 2 & 1 & 1 \\ 3 & 0 & 1 \end{bmatrix}.$$

Матрицаларнинг хос сонлари ва хос векторлари Крилов, Леверье, Данилевский усуллари қўлланилиб топилсин:

$$7.\ A = \begin{bmatrix} 1 & 1,2 & 2,5 & 3 \\ 1,2 & 1 & 2 & 1 \\ 2,5 & 2 & 1 & 1 \\ 3 & 1 & 1 & 1,2 \end{bmatrix}. \quad 8.\ A = \begin{bmatrix} 1,5 & 2,5 & 3,5 & 4,5 \\ 2,5 & 3 & 2,1 & 3,1 \\ 3,5 & 2,1 & 4 & 1 \\ 4,5 & 3,1 & 1 & 5 \end{bmatrix}.$$

9. $A = \begin{bmatrix} 1,12 & 0,32 & 0,21 & 0,11 \\ 0,32 & 2,12 & 3,12 & -0,8 \\ 0,18 & 0,24 & 4 & 0,26 \\ 0,24 & 0,56 & 0,6 & -6 \end{bmatrix}.$

10. $A = \begin{bmatrix} 0,5 & 1 & -2 & 0,4 \\ 2 & 0,6 & 3 & -0,6 \\ 0,8 & 0,7 & 2 & -0,2 \\ 1,2 & 0,5 & 2,2 & 6 \end{bmatrix}.$ 11. $A = \begin{bmatrix} 1,75 & 1,72 & 3,32 \\ 1 & 2 & 4 \\ 0,25 & -3 & 6 \end{bmatrix}.$

12. $A = \begin{bmatrix} 2 & 0,5 & 1,3 & -1 \\ 0,4 & 3 & 0,6 & 0,8 \\ 0,5 & 0,7 & 4 & 0,9 \\ 0,8 & 0,9 & 1,2 & 5 \end{bmatrix}.$

13. $A = \begin{bmatrix} -3,2 & 2,2 & 2,4 & 3,5 \\ -1,3 & 2,3 & 3 & 0,2 \\ 6,22 & 0,14 & 2 & -2,45 \\ 6 & 8 & 1 & 3 \end{bmatrix}.$

14. $A = \begin{bmatrix} 2,00 & 0,34 & 0,22 & 0,25 \\ 1,56 & 2 & 0,43 & 0,18 \\ 0,34 & 5 & -0,26 & 0,65 \\ 3 & 0,16 & 4 & -5 \end{bmatrix}.$

Итерациялар усули қўлланилиб матрицаларнинг модуль бўйича энг катта хос сони ва унга мос хос вектори топилсин:

15. $A = \begin{bmatrix} 3,8 & 1 & 1,8 \\ 1 & 3,4 & 1,8 \\ 1,8 & 1,8 & 3,9 \end{bmatrix}.$ 16. $A = \begin{bmatrix} 4,2 & 1 & 2,3 \\ 1 & 4,4 & 2 \\ 2,3 & 3 & 5 \end{bmatrix}.$

17. $A = \begin{bmatrix} 4 & 1 & 0 \\ 1 & 2 & 1 \\ 0 & 1 & 1 \end{bmatrix}.$ 18. $\begin{bmatrix} 2 & -1 & 0 & 0 \\ -1 & 2 & -1 & 0 \\ 0 & -1 & 2 & -1 \\ 0 & 0 & -1 & 2 \end{bmatrix}.$

19. $A = \begin{bmatrix} 0,3 & 0,9 & 0,1 \\ 0,9 & 2,2 & 0,3 \\ 0,1 & 0,3 & 1 \end{bmatrix}.$ 20. $A = \begin{bmatrix} 2,4 & 1 & 1,1 \\ 1 & 3,2 & 1,2 \\ 1,1 & 1,2 & 3,6 \end{bmatrix}.$

21. Агар барча $\vec{x}$ хос векторлар учун $(A\vec{x}, \vec{x}) > 0$ бўлса, у ҳолда $\vec{x}$ га боғлиқ бўлмаган шундай доимий $\delta > 0$ сон мавжудки, барча $\vec{x}$ ларда $(A\vec{x}, \vec{x}) \geqslant \delta(\vec{x}, \vec{x})$ бўлади. Исбот қилинг.

22. Агар A ва B бир хил тартибли квадрат матрица бўлса, у ҳолда $M = \begin{bmatrix} A & B \\ B & A \end{bmatrix}$ матрицанинг характеристик кўпҳади $A + B$ ва $A - B$ матрицалар характеристик кўпҳадларининг кўпайтмасига тенглигини исбот қилинг.

23. Ихтиёрий A матрица ва α сон учун A ва $A - \alpha E$ матрицалар бир хил хос векторга эга бўлишини кўрсатинг.

5- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1) Матрицаларнинг хос сонлари ва хос векторлари топилсин. Ҳисоблашлар ЭҲМ да бажарилсин, $\varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-5}$:

$$A = \begin{bmatrix} 1{,}25+\alpha & 1{,}2 & 0{,}48 & 0{,}12 \\ 1{,}2 & 2{,}1+\beta & 0{,}3 & 0{,}18 \\ 0{,}48 & 0{,}3 & 2{,}4+\alpha & 0{,}16 \\ 0{,}12 & 0{,}18 & 0{,}16 & 3{,}2+\beta \end{bmatrix}$$

2) Матрицаларнинг модуль бўйича энг катта хос сони ва унга мос хос вектори топилсин:

$$B = \begin{bmatrix} 2{,}1+\gamma & -1 & 0{,}3 & 0{,}5 \\ -1 & 2{,}2+\gamma & 0{,}4 & 0{,}6 \\ 0{,}3 & 0{,}4 & 2{,}3+\gamma & 0{,}7 \\ 0{,}5 & 0{,}6 & 0{,}7 & 2{,}4+\gamma \end{bmatrix}$$

Вар.№	α	β	γ	Вар.№	α	β	γ	Вар.№	α	β	γ
1	0,8	0,1	0,2	9	1,4	0,2	0,5	17	1,4	0,6	0,88
2	0,9	0,2	0,6	10	1,4	0,4	0,68	18	1,5	0,42	0,76
3	0,8	0,3	0,3	11	1,4	0,5	0,58	19	1,6	2	2
4	0,9	0,1	0,9	12	1,5	0,2	0,66	20	1,8	3	2,2
5	1,1	0,2	0,22	13	1,5	0,3	0,7	21	1,8	4	2,1
6	1,2	0,1	0,32	14	1,24	0,4	0,73	22	2,2	2	2,4
7	1,3	0,2	0,8	15	1,36	0,5	0,78	24	2,3	1	2,3
8	1,3	0,1	0,4	16	1,38	0,6	0,8	25	2,4	1	2,5

Бирор $y=f(x)$ функция $[a, b]$ оралиқда $y_k=f(x_k)(k=\overline{0;n})$ жадвал қийматлари билан берилган бўлсин ва уни шу оралиқда интерполяцияловчи

$$y=P_n(x)=\sum_{i=0}^{n} c_i x^i \tag{1}$$

кўпҳадни тузиш талаб қилинсин. Унинг c_i коэффициентлари

$$\sum_{i=0}^{n} c_i x_k^i = y_k \quad (k=\overline{0;\ n}) \tag{2}$$

тенгламалар системасидан аниқланиши мумкин. Лекин бунинг учун одатда бевосита махсус формулалардан (масалан, $L_n(x)$ Лагранж, $N(x)$ Ньютон формулаларидан) фойдаланилади.

Лагранж интерполяцион кўпҳади ушбу кўринишга эга бўлади:

$$L_n(x)=\sum_{j=0}^{n} \frac{(x-x_0)(x-x_1)\ldots(x-x_{j-1})(x-x_{j+1})\ldots(x-x_n)}{(x_j-x_0)(x_j-x_1)\ldots(x_j-x_{j-1})(x_j-x_{j+1})\ldots(x_j-x_n)}\cdot y_j, \tag{3}$$

ёки $\omega(x)=\prod_{i=0}^{n}(x-x_i)=(x-x_0)\ \ldots,\ (x-x_n)$, $\omega'(x)=\sum_{\substack{k=0\\ i\neq k}}^{n}[\Pi(x-x_i)$ белгилашлар киритилса;

$$L_n(x)=\sum_{j=0}^{n}\frac{\omega(x)}{\omega'(x_j)(x-x_j)}y_j \tag{3'}$$

Агар $x_1-x_0=x_2-x_1=\ldots=x_n-x_{n-1}=h=\text{const}$ бўлса, у ҳолда x_0 дан x гача қадамлар сони $t=\frac{x-x_0}{h}$, x_0 дан x_j гача қадамлар сони $j=\frac{x_j-x_0}{h}$, у ҳолда $x-x_j=h(i-j)$, $\omega(x)=h^{n+1}t(t-1)\ \ldots(t-n)$, $\omega'(x_j)=(-1)^{n-j}j!.\ \ (n-j)!h^n$ бўлади. Натижада:

$$L_n(x)=t(t-1)\ \ldots\ (t-n)\sum_{j=0}^{n}\frac{(-1)^{n-j}y_j}{(t-j)\,j!\,(n-j)!} \tag{3''}$$

$L_n(x)$ формуланинг хатоси:

$$|R_n(x)| \leqslant \frac{M_{(n+1)}}{(n+1)!} |\omega(x)|, \tag{4}$$

бунда $M_{n+1} = \max\limits_{[a,b]} |f^{(n+1)}(\xi)|, \ \xi \in [a, b]$.

Кўрсатилган $y = f(x)$ функциянинг x нуқтадаги қийматини топиш талаб қилинганида Эйткен схемасидан («чиллики» кўпайтиришдан) фойдаланиш ҳисоблашларни енгиллаштиради:

$$\begin{array}{lllll}
x_0-x & y_0 & & & \\
x_1-x & y_1 & L_{(01)}(x) & & \\
x_2-x & y_2 & L_{(12)}(x) & L_{(012)}(x) & \\
x_3-x & y_3 & L_{(23)}(x) & L_{(123)}(x) & L_{(0123)}(x) \\
\cdot\ \cdot\ \cdot & & & & \\
x_n-x & y_n & L_{(n-1,n)}(x) & L_{(n-2,n-1,n)}(x) & L_{(n-3,n-2,n-1,n)}(x) L_{(n-4,\ldots,n)}(x)\ldots
\end{array}$$

Бундаги ҳар қайси $L_{(0,1\ldots k)}(x)$ белги $x_0, x_1, \ldots, x_k$ тугунлар бўйича тузилган $L_n(x)$ Лагранж интерполяцион кўпҳадининг x нуқтадаги қийматини ифодалайди ва улар қуйидаги формулалар бўйича топилади:

$$L_{(01)}(x) = \frac{(x_1 - x)y_0 - (x_0 - x)y_1}{x_1 - x_0},$$

$$L_{(12)}(x) = \frac{(x_2 - x)y_1 - (x_1 - x)y_2}{x_2 - x_1},$$

. . . .

$$L_{(01k)}(x) = \frac{(x_1 - x) L_{(0k)}(x) - (x_0 - x) L_{(1k)}(x)}{x_1 - x_0} =$$

$$= \frac{(x_k - x)L_{(0,1)}(x) - (x_1 - x) L_{(0k)}(x)}{x_k - x_1},$$

ва ш. ў.

1-мисол. Ушбу $f(x) = \sqrt{x}$ функциянинг $f(100) = 10$, $f(121) = 11$, $f(144) = 12$ қийматлари маълум. Лагранж интерполяцион формуласидан фойдаланиб $f(115)$ қийматини қандай аниқликда топиш мумкин? $f(115)$ топилсин.

Ечиш. 1) $f''' = \frac{3}{8} x^{-5/2}$, $M_3 = \frac{3}{8} \cdot 100^{-5/2} = \frac{3}{8} \cdot 10^{-5}$,

$|R_3(x)| \leqslant \frac{3}{8} \cdot 10^{-5} \cdot \frac{1}{3!} |(115-100)(115-121)(115-144)| \approx$
$\approx 1{,}6 \cdot 10^{-3}$.

2)

i	$x_i - x$	y_i	$L(i, i+1)$	$L(i, i+1, i+2)$
0	−15	10		
1	6	11	10,714285	
2	29	12	10,73913	10,7178

$f(115) \approx 10,72$.

$x_i \in [a, b]$ тугунлар шундай танланиши керакки, $\max\limits_{[a, b]} |\omega(x)| = \min\limits_{[x_0, \ldots, x_n]} \max\limits_{[a, b]} |\omega(x)|$ бўлсин, яъни интерполяциялаш хатоси энг минимал бўладиган бўлсин. $[-1; 1]$ кесмада бундай оптимал тугунлар $T_{n+1}(x) = \frac{1}{2^n}\cos((n+1)\arccos x)$ Чебишев 1-жинс кўпҳадининг

$$x_k = \cos\frac{(2k+1)\pi}{2(n+1)} \quad (k = 0, 1, \ldots, n) \qquad (5)$$

илдизларидан иборатдир. Ихтиёрий $[a, b]$ кесма учун оптимал тугунлар

$$x_k = \frac{a+b}{2} + \frac{b-a}{2}\cos\frac{(2k+1)\pi}{2(n+1)} \quad (k = \overline{0, n}) \qquad (6)$$

формула бўйича изланади.

Бўлинган айирмалар. x_i, x_j тугунлар билан берилган биринчи тартибли бўлинган айирма:

$$f(x_i, x_j) = \frac{f(x_i) - f(x_j)}{x_i - x_j},$$

x_i, x_j, x_m тугунлар бўйича тузилган иккинчи тартибли бўлинган айирма:

$$f(x_i, x_j, x_m) = \frac{f(x_j, x_m) - f(x_i, x_j)}{x_m - x_i},$$

умуман, $(k-1)$-тартибли бўлинган айирма:

$$f(x_0, \ldots, x_k) = \frac{f(x_1, \ldots, x_k) - f(x_0, \ldots, x_{k-1})}{x_k - x_0}.$$

Ҳисоблашларда қуйидаги муносабатдан ҳам фойдаланилади:

$$f(x_0, \ldots, x_k) = \frac{f^{k+1}(\xi)}{(k+1)!}, \quad x_0 \leqslant \xi \leqslant x_k.$$

Ньютоннинг бўлинган айирмали интерполяцион кўпҳади қуйидаги кўринишда тузилади:

$$N_n(x) = f(x_0) + f(x_0, x_1)(x - x_0) + \ldots +$$
$$+ f(x_0, x_1, \ldots, x_n)(x - x_0) \ldots (x - x_{n-1}), \quad (7)$$

$$R_n(x) = f(x, x_0, x_1, \ldots, x_n)(x - x_0)(x - x_1) \ldots (x - x_n). \quad (8)$$

Формулани тузиш жараёнида Эйткен схемасидан фойдаланиш мумкин.

2-мисол. $y = f(x)$ функциянинг қуйидаги жадвалда берилган қийматлари бўйича $N_n(x)$ Ньютон формуласи тузилсин ва $f(3{,}7608)$ қиймати топилсин.

x	0	2,5069	5,0154	7,5270
y	0,3989423	0,3988169	0,3984408	0,3978138

Ечиш. Бўлинган айирмалар жадвалини тузамиз:

x_n	f_n	$f(x_n, x_{n+1})$	$f(x_n, x_{n+1}, x_{n+2})$	$f(x_n, x_{n+1}, x_{n+2}, x_{n+3})$
0	0,3989423	$-5 \cdot 10^{-5}$	$-1{,}99 \cdot 10^{-5}$	0
2,5069	0,3988169	$-14{,}99 \cdot 10^{-5}$	$-1{,}99 \cdot 10^{-5}$	
5,0154	0,3984408	$-24{,}96 \cdot 10^{-5}$		
7,5270	0,3978138			

$$N(x) = 0{,}3989423 - 0{,}0000500\,x - 0{,}0000199\,x(x - 2{,}5069),$$
$$f(3{,}7608) \approx N(3{,}7608) = 0{,}39903658 \approx 0{,}399037.$$

3-мисол. $S(n) = 1^2 + 2^2 + \ldots + n^2 \ (n = 1, 2, \ldots)$ чекли қатор йиғилсин.

Ечиш.

3-мисол **Бўлинган айирмалар**

n	$S(n)$	$S(n, n+1)$	$S(n, n+1, n+2)$	$S(n, n+1, n+2, n+3)$	$S(n, \ldots, n+4)$
1	1	5—1= =4	(9 — 4)/(3 — 1) = 2,5	(3,5—2,5)/(4—1)= = 1/3	0
2	5	9	(16 — 9)/(4—2) = 3,5	1/3	0
3	14	16	(25—16)/(5—3) = 4,5	1/3	
4	30	25	(36—25)/(6—4) = 5,5		
5	55	36			
6	91				

$S(n)$ учинчи даражали кўпҳад экан. (17) формула бўйича:

$$S(n) = S(1) + S(1;\ 2)(n-1) + S(1,\ 2,\ 3)\cdot(n-1)(n-2) + + S(1,\ 2,\ 3,\ 4)\ (n-1)(n-2)\ (n-3) = 1 + 4\,(n-1) + + 2{,}5\,(n-1)\,(n-2) + \frac{1}{3}\,(n-1)\,(n-2)\,(n-2) = 1 + 4\,n - -4 + 2{,}5\,n - 7;\ 5\,n + 5 + \frac{1}{3}n^3 - 2\,n^2 + \frac{11}{3}n - 2 = = \frac{1}{3}n^3 + 0{,}5\,n^2 + \frac{n}{6} = \frac{n(n+1)(2\,n+1)}{6}.$$

Чекли айирмалар: $f_{i+1} - f_i = \Delta f_i = \nabla f_{i+1} = \delta f_{i+1/2} = = f'_{i+1/2}$, умуман,

$$\Delta^k f_i = \Delta\,(\Delta^{k-1} f_i) = \Delta^{k-1}(\Delta f_i) = \Delta^{k-1} f_{i+1} - \Delta^{k-1} f_i,$$

$$\nabla^k f_i = \ldots = \nabla^{k-1} f_i - \nabla^{k-1} f_{i-1},\quad \delta^k f_i = \ldots$$

$$= \delta^{k-1} f_{i+1/2} - \delta^{k-1} f_{i-1/2},$$

$$f_i^k = f_{i+1/2}^{k-1} - f_{i-1/2}^{k-1}.$$

Айирмалар жадвали

x	f	f'	f^2	f^3	f^4
x_0	f_0	$f'_{1/2}$			
x_1	f_1	$f'_{3/2}$	f_1^2	$f_{3/2}^3$	
x_2	f_2	$f'_{5/2}$	f_2^2		f_2^4
x_3	f_3	$f'_{7/2}$	f_3^2	$f_{5/2}^3$	
x_4	f_4				

Бўлинган айирма ва чекли айирма орасидаги муносабат:

$$f(x_i, \ldots, x_{i+k}) = \frac{f_{i+k/2}^k}{h^k\,k!} = \frac{\Delta^k f_i}{h^k\,k!},\quad k = 0, 1, \ldots \qquad (9)$$

Агар (7) — (8) Ньютон бўлинган айирмали интерполяцион кўпҳадида бўлинган айирмалар чекли айирмалар билан алмаштирилса, $x_i = x_0 + ih$ ($h = \text{const}$, $i = 0, 1, \ldots, n$) тугунлар бўйича Ньютон 1-формуласи олинади:

$$N_{\text{I}}(x) = f_0 + tf'_{1/2} + \frac{t\,(t-1)}{2} f_1^2 + \frac{t\,(t-1)(t-2)}{3\,!} f_{3/2}^3 + \ldots + \frac{t\,(t-1)\ldots(t-(n-1))}{n\,!} f_{n/2}^n, \qquad (7')$$

Қолдиқ ҳади:

$$R_n(x)=\frac{h^{n+1}f^{(n+1)}(\xi)}{(n+1)!}t(t-1)\dots(t-n) \qquad (8')$$

Ньютон 2-интерполяцион формуласи ($x_i=x+ih$, $h=$ $=\text{const}$, $i=\overline{0,n}$):

$$N_{II}(x)=f_0+f^1_{-1/2}+f^2_{-1}\frac{t(t+1)}{2!}+\dots+$$

$$+f^n_{-n/2}\frac{t(t+1)\dots(t+(n-1))}{n!}, \qquad (7'')$$

$$R_n(x)=\frac{h^{n+1}f^{(n+1)}(\xi)}{(n+1)!}t(t+1)\dots(t+n) \qquad (8'')$$

Гаусс формулалари: 1) жами $2n+1$ та x_0, x_0 h, x_0-h, ..., x_0+n, x_0-nh тугун бўйича

$$G_I(x)=f_0+f_{1/2}t+f_0^2\frac{t(t-1)}{2}+f^3_{1/2}\frac{t(t-1)}{3!}+$$

$$+\dots+f^{2n-1}_{1/2}\frac{t-(t^2-1)\dots(t^2-(n-1)^2)}{(2n-1)!}+$$

$$+f_0^{2n}\cdot\frac{t(t^2-1)\dots(t^2-(n-1)^2)(t+n)}{(2n)!} \qquad (9)$$

$$R_{2n}(x)=\frac{f^{(2n+1)}(\xi)h^{2n+1}}{2n+1)!}t(t^2-1)\dots,(t^2-n^2). \qquad (10)$$

2) x_0, x_0-h, x_0+h, ..., x_0-nh, x_0+nh тугунлар бўйича

$$G_{II}(x)=f_0+f'_{1/2}t+f'_0\frac{t(t+1)}{2!}+f^3_{-1/2}\frac{t(t^2-1)}{3!}+\dots$$

$$\dots+f^{2n-1}_{-1/2}\frac{t(t^2-1)(t^2-2^2)\dots(t^2-(n-1)^2)}{(2n-1)!}+$$

$$+f_0^{2n}\frac{t(t^2-1)(t^2-2^2)\dots(t^2-(n-1)^2)(t+n)}{(2n)!} \qquad (9')$$

$$R_{2n}(x)=\frac{f^{(2n+1)}(\xi)}{(2n+1)!}h^{2n+1}t(t^2-1)(t^2-2^2)\dots(t^2-n^2). \qquad (10')$$

Стирлинг формуласи:

$$S(x)=f_0+\mu f'_0t+f_0^2\frac{t^2}{2}+\dots+\mu f_0^{2n-1}\frac{t(t^2-1)(t^2-2^2)\dots(t^2-(n-1)^2)}{(2n-1)!}+$$

$$+f_0^{2n}\frac{t(t^2-1)\dots(t^2-(n-1)^2)}{(2n)!}, \qquad (11)$$

бунда $\mu f_0^{2n-1} = 0{,}5\,(f_{1/2}^{2n-1} + f_{-1/2}^{2n-1})$. Қолдиқ ҳади:

$$R_{2n}(x) = \frac{h^{2n+1}\, f^{(2n+1)}(\xi)}{(2n+1)!}\, t\,(t^2-1)\,(t^2-2^2)\,\ldots\,(t^2-n^2). \quad (12)$$

Бессел формуласи: агар $\frac{1}{2}(f_0^{2n} + f_1^{2n}) = \mu f_{1/2}^{2n}$ деб қўйилса, ушбу кўринишга келади:

$$B(x) = \mu f_{1/2} + f_{1/2}^1\left(t - \frac{1}{2}\right) + \mu f_{1/2}^2 \frac{t(t-1)}{2!} + \ldots +$$
$$+ \mu f_{1/2}^{2n} \frac{t(t^2-1)\ldots(t^2-(n-1)^2(t-n)}{(2n)!} +$$
$$+ f_{1/2}^{2n+1} \frac{t(t^2-1)\ldots(t^2-(n-1)^2)(t-n)\left(t-\frac{1}{2}\right)}{(2n+1)!}, \quad (13)$$
$$R_{2n+2}(x) = \frac{h^{2n+2}\, f^{(2n+2)}(\xi)}{(2n+2)!}\, t\,(t^2-1)\,\ldots\,(t^2-$$
$$-n^2)\,(t-(n+1)) \quad (14)$$

Стирлинг ва Бессел формулалари Гаусс формулаларидан келтириб чиқарилади. $|t| \leqslant 0{,}25$ бўлган ҳолда Стирлинг, $0{,}25 \leqslant t \leqslant 0{,}75$ да эса Бессел формуласидан фойдаланиш маъқул. Ньютон формулалари бўйича жадвалнинг боши ва охиридаги, Бессел ва Стирлинг формулалари бўйича эса жадвалнинг ўртасидаги қийматларга асосланиб интерполяцион кўпҳад тузиш мумкин.

Математик жадвал тузишда h қадамни шундай танлайдиларки, натижада интерполяциялаш хатоси тайинланган ε қийматдан ортмасин. Масалан, $0 \leqslant t \leqslant 1$ да $y_3(t) = t\,(t-1)\left(t-\frac{1}{2}\right)$ ва $y_4(t) = t\,(t^2-1)\,(t-2)$ кўпҳадларнинг қолдиқ ҳадлари

$$R(x) = \frac{M_3 h^3}{72\sqrt{3}} + \frac{3\,M_4 h^4}{128} \leqslant \varepsilon \quad (15)$$

бўлиши керак, бунда $\max y_3(t) = \frac{1}{12\sqrt{3}}$, $\max y_4(t) = \frac{9}{128}$.

4-мисол. Бессел формуласи қўлланилиб, $f(x) = e^x$ функциянинг $[2;\ 3]$ да ётган қийматлари жадвалини $\varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-5}$ аниқликда тузиш учун h қадам қандай катталик билан олиниши керак?

Ечиш. (25) дан фойдаланамиз. $f^{\mathrm{III}}(x) = f^{\mathrm{IV}}(x) = e^x$,

$M_3 = M_4 = \max\limits_{[2;3]} e^x = e^3 = 20{,}085535,\ R(x) \approx 20{,}20\left(\frac{h^3}{72\sqrt{3}} + \frac{3h^4}{128}\right) \leqslant$
$\leqslant 0{,}5 \cdot 10^{-5}$, бундан $h \approx 0{,}03$.

Экстраполяциялаш бир-икки қадамгача чегараларда бажарилади. Шу мақсадда жадвал бошида $N_{\text{I}}(x)$ формуладан, жадвалнинг охирида $N_{\text{II}}(x)$ формуладан фойдаланиш мумкин.

Икки аргументли $z = f(x, y)$ функцияни (x_i, y_k) нуқталар тўпламида **интерполяциялаш.** Дастлаб бирор $y_m = \text{const}$ жадвал қийматида $f(x, y_m)$ функция x бўйича интерполяцияланади. Натижада y нинг кўрсатилган қиймати бўйича z нинг $\Delta^i z$ чекли айирмалар жадвали тузилади. Шундан сўнг z функция y бўйича интерполяция қилинади. Уч ва ундан ортиқ ўзгарувчили функциялар ҳам шунга ўхшаш тартибда интерполяция қилинади. Маълум бир $P(x, y)$ интерполяцион кўпҳад тузилиши талаб қилинган ҳолда x ва y га нисбатан шу турдаги формулалар алоҳида-алоҳида тузилиб, бири иккинчисига қўйилади.

5-мисол. $z = f(x, y)$ функциянинг қўш жадвали берилган. $z = f(0{,}5;\ 0{,}03)$ ҳисоблансин.

y \ x	0,4	0,7	1,0
0,00	2,500	1,429	1,000
0,05	2,487	1,419	0,995
0,10	2,456	1,400	0,981

Ечиш. 1) y нинг ҳар қайси жадвал қийматига мос равишда z нинг чекли айирмалар жадвалини тузамиз ($h = 0{,}3$):

$y = 0{,}00$

x	z	Δz	$\Delta^2 z$
0,4	2,500	−1,071	0,642
0,7	1,429	−0,429	
1,0	1,000		

$y = 0{,}05$

x	z	Δz	$\Delta^2 z$
0,4	2,487	−1,068	0,644
0,7	1,419	−0,424	
1,0	0,995		

$y = 0{,}10$

x	z	Δz	$\Delta^2 z$
0,4	2,456	−1,056	0,637
0,7	1,400	−0,419	
1,0	0,981		

2) $x_0 = 0{,}4$ бошланғич тугун бўлсин. У ҳолда:

$$t = \frac{x - x_0}{h} = \frac{0,5 - 0,4}{0,3} = \frac{1}{3}.$$

3) Қолган ҳисоблашларни $N_1(x)$ бўйича бажарамиз:

$$f(0,5;\ 0,00) = 2,500 - \frac{1}{3}\cdot 1,071 + \frac{1/3\cdot(-2/3)}{3}\cdot 0,642 = 2,072,$$

$$f(0,5;\ 0,05) = 2,487 - \frac{1}{3}\cdot 1,068 - \frac{1}{9}\cdot 0,642 = 2,069,$$

$$f(0,5;\ 0,10) = 2,456 - \frac{1}{3}\cdot 1,056 - \frac{1}{9}\cdot 0,637 = 2,033,$$

$x = 0,5$

y	z	Δz	$\Delta^2 z$
0,00	2,072	—0,003	—0,033
0,05	2,069	—0,036	
0,10	2,033		

$y_0 = 0,00$ дан $y = 0,03$ гача оралиқ учун $p = (0,03 - 0)/0,05 = 0,6$. У ҳолда:

$$f(0,5;\ 0,03) = 2,072 + 0,6\cdot(-0,003) + \frac{0,6(0,6-1)}{2!}\cdot$$
$$\cdot(-0,033) = 2,074.$$

Тескари **интерполяциялашда итерация** усули қўлланилиши мумкин. Бунинг учун, масалан, $y = f(x) \approx N_1(x) = y_0 + \frac{\Delta y_0}{1!}t + \frac{\Delta^2 y_0}{2!}t(t-1) + \ldots + \frac{\Delta^n y_0}{n!}t(t-1)\ldots(t-n+1)$ кўпҳад $t = \varphi(t)$ кўринишига келтирилади: $t = \frac{y - y_0}{\Delta y_0} - \frac{\Delta^2 y_0}{2!\,\Delta y_0}t(t-1) - \ldots$, бунда $t_0 = \frac{y - y_0}{\Delta y_0}$ — бошланғич яқинлашиш.

6-мисол. Ушбу $y = \lg x$ функциянинг қуйидаги қийматлар жадвали бўйича x нинг $y = 1,35$ га мос қиймати топилсин:

x	20	25	30
y	1,3010	1,3979	1,4771

Ечиш.

x	y	$\Delta y\cdot 10^{-4}$	$\Delta^2 y\cdot 10^{-4}$
20	1,3010	969	—177
25	1,3979	792	
30	1,4771		

$$y_0 = 1{,}3010,\ t_0 = (y - y_0)/\Delta y_0 = (1{,}35 - 1{,}3010)/0{,}0969 = 0{,}506,$$

$$t_1 = 0{,}506 + \frac{177}{2\cdot 969}\cdot 0{,}506\,(0{,}506 - 1) = 0{,}506 - 0{,}023 = 0{,}483,$$

$$t_2 = 0{,}506 + \frac{177}{2\cdot 969}\cdot 0{,}483\,(0{,}483 - 1) = 0{,}506 - 0{,}023 = 0{,}483,$$

$$t = 0{,}483,\ x = x_0 + th = 20 + 0{,}483\cdot 5 = 22{,}42.$$

Ҳар хил узоқлашган тугунлар ҳолида $L_n(x)$, бўлинган айирмали $N(x)$ ва бошқа формулалар қўлланилади. Бунинг учун формуладаги x ва y жойлари алмаштирилади.

7-мисол. Ушбу $f(x) = x^2 + \ln x = 0$ тенгламанинг $[0{,}5;\ 1]$ оралиқда ётган илдизи топилсин.

Ечиш. $f(0{,}5) < 0$, $f(1) > 0$. Қадам $h = 0{,}05$.

7-мисол **$f(x)$ қийматлар жадвали**

x	x^2	$\ln x$	$f(x)$	x	x^2	$\ln x$	$f(x)$
0,50	0,25	—0,6932	—0,4432	0,80	0,64	—0,1232	0,4169
0,55	0,3025	—0,5979	—0,2954	0,85	0,7225	—0,1625	0,5600
0,60	0,36	—0,5108	—0,1508	0,90	0,81	—0,1054	0,7046
0,65	9,4225	—0,4308	—0,6683	0,95	0,9025	—0,0513	0,8512
0,70	0,49	—0,3567	0,1333	1,00	1,0000	0,0000	1,0000
7,75	0,5625	—0,2877	0,2748				

$f(0{,}65)\cdot f(0{,}70) < 0$ бўлмоқда. $x_0 = 0{,}65$, $x_1 = 0{,}70$ деб оламиз. Шундай x^* ни топамизки, унда $y^* = 0$ бўлсин.

7-мисол **Тенгламани Эйткен схемаси билан ечиш**

i	y_i ($y_i - 0$)	x_i	$L_{(i-1,\,i)}$	$L_{(i-2,\,i-1,\,i)}$	$L_{(i-3,\dots,i)}$	$L_{(i-4,\dots,i)}$	$L_{(i-5,\dots,i)}$
0	—0,0083	0,65					
1	0,1333	0,7	0,652931				
2	0,2748	0,75	0,652898	0,652930			
3	0,4169	0,8	0,653308	0,652705	0,652925		
4	0,5600	0,85	0,654333	0,652320	0,652644	0,652921	
5	0,7046	0,9	0,656362	0,651391	0,653861	0,652561	0,652915
6	0,8512	0,95	0,659686	0,649970	0,652755	0,654387	0,651984
7	1,0000	1	0,663978	0,649448	0,650635	0,654[illegible]71	0,654431

i	$L_{(i-6,\dots,i)}$	$L_{(i-7,\dots,i)}$
6	0,652906	
7	0,651608	0,652895

$$y^* \approx 0{,}6529,\ \varepsilon = -5{,}0\cdot 10^{-5}.$$

Берилган $f(x)$ функцияни сонли дифференциаллаш масаласи $f(x)$ силлиқ ўзгарувчан бўлган чегараларда $f^{(m)}(x) \approx \approx P_n^m(x)\ (m \leqslant n)$ тақрибий тенгликдан фойдаланишга асосланади, $P_n(x)$ — интерполяцион кўпҳад.

8-мисол. Бирор $y = f(x)$ функциянинг ушбу

$\Delta y,\ \Delta^2 y,\ \Delta^3 y \times 10^{-4}$

x	y	Δy	$\Delta^2 y$	$\Delta^3 y$
50	1,6990	414	—36	5
55	1,7404	378	—31	
60	1,7782	347		
65	1,8129			

қийматлар жадвалига асосланиб, $f'(50)$ топилсин.

Ечиш.

$$N(x) = y_0 + q\Delta y_0 + \frac{q^2 - q}{2}\Delta^2 y_0 + \frac{q^3 - 3q^2 + 2q}{3}\Delta^3 y_0 + , \ldots ,$$

$$q = \frac{x - x_0}{h}, \quad dq = \frac{1}{h}dx, \quad \frac{dy}{dx} = \frac{dy}{dq}\frac{dq}{dx} = \frac{1}{h}\frac{dy}{dq},$$

$$y'(x) = \frac{1}{h}\left[\Delta y_0 + \frac{2q - 1}{2}\Delta^2 y_0 + \frac{3q^2 - 6q + 2}{6}\Delta^3 y_0 + \ldots\right],$$

$$R_n'(x) = \frac{(-1)^n}{h}\frac{\Delta^{n+1} y_0}{n+1}, \quad q = \frac{50 - 50}{h} = 0,$$

$$y'(50) = \frac{1}{5}(0{,}0414 + \frac{(-1)}{2}\cdot(-0{,}0036) +$$

$$+\frac{1}{3}\cdot 0{,}0005) \approx 0{,}0087.$$

Сонли дифференциаллашда интерполяция қадамини кичрайтириш формуладаги кейинги ҳадларни ташлашдан вужудга келадиган хатони (кесим хатосини) камайтиради, лекин яхлитлаш хатосини оширади. Шунга кўра, умуман, дифференциаллашнинг сонли усуллари формулаларнинг яқинлашишини таъминлай олмайди.

Сплайнлар ёрдамида функцияларни яқинлаштириш. $[a, b]$ оралиқ $[x_{i-1}, x_i]$ $(i = 1;\ n,\ x_0 = a,\ x_n = b)$ қисмларга ажратилган бўлсин. Бирор узлуксиз $f(x) \in C[a, b]$ функция учун m-тартибли интерполяцион полиноминал сплайн деб, ушбу шартларни қаноатлантирувчи $S_m(x)$ функцияга айтилади:

1) $[a, b]$ оралиқнинг ҳар бир $[x_{i-1}, x_i]$ қисмида у m-

— даражали $S_m(x) = a_0 + a_1x + \ldots + a_mx^m$ кўпҳаддан иборат; 2) $[a, b]$ оралиқ бўйича m — 1-тартибгача узлуксиз ҳосилаларга эга; 3) x_k тугунларда $S_m(x_k) = f(x_k)$ $(k = \overline{0, n})$.

$m = 1$ бўлган ҳолда $S_1(x)$ нинг графиги синиқ чизиқдан иборат. Агар $n \to \infty$ да $\max\limits_{1 \leq i \leq n} |x_i - x_{i-1}| \to 0$ бўлса, у ҳолда $S_1(x)$ сплайн $f(x) \in C[a, b]$ функцияга текис яқинлашади. Текис яқинлашиш хусусияти $S_2(x)$ квадратик сплайн ва $S_3(x)$ кубик сплайнлар учун ҳам ўринли бўлиб, яқинлашиш тезлиги сплайннинг тартибига ва $f(x)$ нинг силлиқлигига мувофиқ равишда ортади.

Сплайнни тузиш учун $a_0, \ldots, a_n$ коэффициентлар аниқланиши керак. Чизиқли $S_1(x) = a_0 + a_1x$ сплайннинг a_0, a_1 коэффициентларини топиш учун $f(x_{i-1})$ ва $f(x_i)$ қийматлар етарли. 3) шартга асосланиб ушбу

$$\begin{cases} a_0 + a_1x_{i-1} = f(x_{i-1}) \ (i = \overline{1; n}), \\ a_0 + a_1x_i = f(x_i) \end{cases}$$

системани тузамиз ва ундан a_0, a_1 ларни аниқлаймиз. $m \geq 2$ бўлган ҳолда $S_m(x)$ нинг ягона бўлишини таъминлаш учун яна $m - 1$ та қўшимча шарт қўйилиши керак. Одатда бундай шартлар $f(x)$ нинг яқинлашиш хусусиятлари, сплайн икки қўшни бўлагининг туташган нуқталарида силлиқ бўлишлари ва бошқа талабларга кўра, шунингдек, четки a ва b нуқталарда турли чегаравий шартлар билан қўйилади.

1-масала. Ушбу $s(x)$ $(s(x) \in S_1)$ функциялар қуйидаги

$$s(x_i) = f(x_i), \ i = \overline{0, n}, \quad J_1(s) = \int_0^1 (s'(x))^2 dx < \infty$$

шартларни қаноатлантирсин. Бу функциялар орасидан шундай $s_1(x)$ функцияни топиш талаб қилинадики, унга кўра $\inf\limits_{s \in s_1} J_1(s)$ олинадиган бўлсин. Биздан x_i нуқталарда $S_1(x)$ оиланинг бирор маънода $f(x)$ билан бир хил қийматга эга бўлган ва нисбатан силлиқ функцияларидан бирини, яъни энг кичик $\| s' \|_{L_2}$ нормали функцияни топиш талаб этилади. Маълумки, $J = \int\limits_a^b F(s(x), s'(x))\, dx$ аниқ интегрални максимум ва минимумга эриштирадиган ҳар қандай $s(x)$ функция $\frac{d}{dx}\left(\frac{\partial F}{\partial s'}\right) - \frac{\partial F}{\partial s} = 0$ Эйлер тенгламасини қаноатлантириши керак. Бизда бу тенглама $s''(x)=0$ кўринишида. Шунга кўра изланаётган $s_1(x)$ функция ҳар бир $[x_{i-1}, x_i]$ оралиқда чизиқлидир. Демак, $s_1(x)$ биринчи тартибли $S_1(x)$ сплайндан иборат.

2-масала. $[x_{i-1}, x_i]$ $(i=\overline{1, n},\ x_0=a,\ x_n=b)$ қисмларга ажратилган $[a, b]$ оралиқда жадвал кўринишида берилган $f(x)$ функцияни интерполяцияловчи шундай $S_2(x)$ квадратик сплайн тузилсинки, у учун юқорида кўрсатилган 1) — 3) шартлар ва қўшимча 4) шарт бажарилсин, яъни:

1) ҳар қайси $[x_{i-1}, x_i]$ оралиқда сплайн бўлаги $s(x)=a_0+a_1x+a_2x^2$ кўринишидаги кўпҳаддан иборат; 2) $S_2(x)\in C'[a, b]$; 3) $S_2(x_k)=f_k$; 4) $x_0=a$ да $s'(a)=A$, ҳар қайси x_i $(i=\overline{1; n-1})$ нуқтада $s'(x-0)=s'(x+0)$ тенглик ўринли бўлсин.

Ечиш: Сплайннинг $[x_0, x_1]$ оралиқдаги бўлагини топиш учун кўрсатилган шартлардан фойдаланиб ушбу системани тузамиз:

$$\begin{cases} a_0+a_1x_0+a_2x_0^2=f_0, \\ a_0+a_1x_1+a_2x_1^2=f_1, \\ a_1+2a_2x_0=A. \end{cases}$$

Системани ечиб, топилган a_0, a_1 ва a_2 коэффициентлар бўйича изланаётган $s(x)=a_0+a_1x+a_2x^2$ ни тузамиз.

Тўрнинг қолган ҳар қайси $[x_{i-1}, x_i]$ $(i=\overline{2; n})$ қисми учун

$$\begin{cases} a_0+a_1x_{i-1}+a_2x_{i-1}^2=f(x_{i-1}), \\ a_1+a_1x_i+a_2x_i^2=f(x_i), \\ s'(x_i-0)=s'(x_i+0) \end{cases}$$

кўринишидаги система тузилади ва изланаётган $s(x)=a_0+a_1x+a_2x^2$ кўпҳад олинади, бунда $s'(x)=a_1+2a_2x$.

9-мисол. Бирор $f(x)$ функция $f'(0{,}78)=-2{,}5$ ва

x	0,78	1,56	2,34	3,12	3,81
y	2,5	1,2	1,12	2,25	4,28

жадвал билан берилган. Уни интерполяцияловчи иккинчи тартибли сплайн тузилсин.

Ечиш: [0,78; 1,56] оралиқ учун:

$$\begin{cases} a_0 + 0{,}78\,a_1 + 0{,}78^2\,a_2 = 2{,}5, \\ a_0 + 1{,}\;56\,a_1 + 1{,}56^2\,a_2 = 1{,}2, \\ a_1 + 2\cdot 0{,}78\,a_2 = -2{,}5. \end{cases}$$

Системани ечиб, $a_2 = 1{,}069$, $a_1 = -4{,}168$, $a_0 = 5{,}1$ ни топамиз. Изланаётган учҳад $s(x) = 5{,}1 - 4{,}168\,x + 1{,}069\,x^2$ бўлади.

[1,56; 2,34] оралиқ учун: олдинги оралиқ учун топилган муносабатдан фойдаланиб, $s'(1{,}56) = -4{,}168 + 2{,}136\cdot 1{,}56 = -0{,}83$ ни аниқлаймиз. Сўнг қуйидаги системани тузамиз:

$$\begin{cases} a_1 + 2a_2\cdot 1{,}56 = -0{,}833, & (4)\text{ шартга мувофиқ} \\ a_0 + 1{,}56a_1 + 1{,}56^2a_2 = 1{,}2, \\ a_0 + 2{,}34a_1 + 2{,}34^2a_2 = 1{,}12. \end{cases}$$

Бу системадан $a_2 = 0{,}936$, $a_1 = -3{,}755$, $a_0 = 4{,}781$ аниқланади. Бу оралиқ учун изланаётган кўпҳад $s(x) = 4{,}781 - 3{,}755\,x + 0{,}936\,x^2$ бўлади. [2,34; 3,12] оралиқ учун:

$$s'(2{,}34) = -3{,}755 + 2\cdot 0.936\cdot 2{,}34 = 0{,}625,$$

$$\begin{cases} a_1 + 2a_2\cdot 2{,}34 = 0{,}625, \\ a_0 + a_1\cdot 2{,}34 + a_2\cdot 2{,}34^2 = 1{,}12, \\ a_0 + a_1\cdot 3{,}12 + a_2\cdot 3{,}12^2 = 2{,}25. \end{cases}$$

Бундан $a_2 = 1{,}056$, $a_1 = -4{,}317$, $a_0 = 5{,}44$ ва $s(x) = 5{,}44 - 4{,}317\,x + 1{,}056\,x^2$.

[3,12; 3,81] оралиқ учун:

$$s'(3{,}12) = -4{,}317 + 2\cdot 1{,}056\cdot 3{,}12 = 2{,}27244 \approx 2{,}272,$$

$$\begin{cases} a_1 + 2a_2\cdot 3{,}12 = 2{,}272, \\ a_0 + a_1\cdot 3{,}12 + a_2\cdot 3{,}12^2 = 2{,}25, \\ a_0 + a_1\cdot 3{,}81 + a_2\cdot 3{,}81^2 = 4{,}28. \end{cases}$$

Бундан $a_2 = 0{,}971$, $a_1 = -3{,}787$, $a_0 = 4{,}614$ ва $s(x) = 4{,}614 - 3{,}787\,x + 0{,}971x^2$.

Шундай қилиб, тузилиши талаб этилаётган $S_3(x)$ сплайн кетма-кет жойлашган $[x_{i-1}, x_i]$ оралиқлар учун топилган $s(x)$ учҳадлар мажмуасидан иборат.

3-масала. Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $S(x)$ интерполяцион кубик сплайн тузилсин:

1) ҳар қайси $[x_{i-1}, x_i]$ $(i = \overline{1; n})$ оралиқда $S_3(x) \in H_3(P)$, бунда $H_3(P)$ — даражаси $m = 3$ дан катта бўлмаган кўпҳадлар тўплами;

2) $S_3(x) \in C^2[a, b]$;

3) Тўрнинг $x_k(k=\overline{0; n})$ тугунларида $S_3(x_k)=f_k$;

4) $S_3''(a)=S_3''(b)=0$.

Ечиш. Изланаётган $S_3(x)$ сплайн ҳар қайси $[x_{i-1}, x_i]$ $(i=\overline{1; n})$ оралиқда $m=3$-даражали $s(x)=a_0+a_1x+a_2x^2+$ $+a_3x^3$ кўринишдаги кўпҳаддан иборат. Ҳар қайси кўпҳаднинг тўртта a_0, a_1, a_2, a_3 коэффициенти аниқланиши керак. Шу мақсадда 3) шарт бўйича иккита тенглама, $x_i(i=\overline{0; n})$ нуқталарда сплайн эгри чизиқлари эгрилигининг нолга тенг бўлиш ёки $s'(x_i-0)=s'(x_i+0)$ бўлиш шарти ва 4) қўшимча шарт бўйича яна икки тенглама, жами тўрт тенгламали система тузамиз. Шундан сўнг масала юқорида (2-масалада) кўрсатилганича ҳал қилиниши мумкин. Лекин биз [1] нинг 295—298-бетларида берилган умумий кўрсатмадан фойдаланамиз. $S_3(x)$ сплайн ва унинг ҳосиласи қуйидаги кўринишда изланади:

$$S_3(x)=M_{i-1}\frac{(x_i-x)^3}{6h_i}+M_i\frac{(x_i-x_{i-1})^3}{6h_i}+$$

$$+\left(f_{i-1}-\frac{M_{i-1}h_i^2}{6}\right)\frac{x_i-x}{h_i}+\left(f_i-\frac{M_i\,h_i^2}{6}\right)\frac{x-x_{i-1}}{h_i}, \quad (16)$$

$$S'(x)=-M_{i-1}\frac{(x_i-x)^2}{2h_i}+M_i\frac{(x-x_{i-1})^2}{2h_i}+\frac{f_i-f_{i-1}}{h_i}-$$

$$-\frac{M_i-M_{i-1}}{6}h_i, \quad (17)$$

бунда $h_i=x_i-x_{i-1}$, $M_i=S_3''(x_i)$, $M_0=M_n=0$. Номаълум M_{n-1}, M_{n-2}, ..., M_1 катталик қийматларини ҳисоблаш алгоритми:

$$i=\overline{1; n-1};\quad l_i=h_i/6,\quad b_i=(h_i+h_{i+1})\,/\,3,$$

$$c_i=h_{i+1}/6,\quad d_i=(f_{i+1}-f_i)\,/\,h_{i+1}-(f_i-f_{i-1})\,/\,h_i,$$

$$q_0=0,\ P_i=l_i\,q_{i-1}+b_i,\ q_i=-c_i\,/\,p_i,$$

$$u_0=0,\quad u_i=(d_i-l_i\,u_{i-1})\,/\,p_i;$$

$$k=\overline{1; n-2}:\quad M_{n-1}=u_{n-1},\ M_k=q_kM_{k+1}+u_k$$

Агар $f(x)\in C^k[a, b]$ $(k=0, 1, 2, 3, 4)$ бўлса, у ҳолда сплайннинг $r(x)=f(x)-S(x)$ хатоси:

$$\max_{a \leqslant x \leqslant b} |r^{(p)}(x)| \leqslant ch^{k-p} \ (k \geqslant p),$$

бунда c тўрга боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи, $h = \max\limits_{1 \leqslant x \leqslant n} h_i$.

10-мисол. $f(x)$ функция

x_i	0,78	1,56	2,34	3,12	3,81
f_i	2,5	1,2	1,12	2,25	4,28

жадвал билан берилган ва $f''(0{,}78) = f''(3{,}81) = 0$. Уни интерполяцияловчи учинчи даражали $S_3(x)$ сплайн тузилсин ва функциянинг $x = 1$; 2; 3; 3,5 нуқталардаги қиймати ҳисоблансин.

Ечиш: 1) Ҳисоблаш натижаларини кетма-кет жадвалга ёзамиз:

10-мисол **Интерполяцион кубик сплайн**

i	x_i	f_i	h_i	l_i	b_i	c_i	d_i	p_i	q_i	u_i	M_i
0	0,78	2,5							0	0	0
1	1,56	1,2	0,78	0,13	0,52	0,13	1,5641	0,52	—0,25	3,0079	2,4332
2	2,34	1,12	0,78	0,13	0,52	0,13	1,5513	0,4875	—0,2667	2,9492	2,2991
3	3,12	2,25	0,78	0,13	0,49	0,115	1,4933	0,4553	—0,2526	2,4376	2,4376
4	3,81	4,28	0,69	0,115							0

2) $i = 1$, [0,78; 1,56] оралиқ учун (16) муносабат бўйича:

$$S_3(x) = M_0 \frac{(x_1 - x)^3}{6h_1} + M_1 \frac{(x - x_0)^3}{6h_1} + \left(f_0 - \frac{M_0 h_1^2}{6} \right) \frac{x_1 - x}{h_1} +$$

$$+ \left(f_1 - \frac{M_1 h_1^2}{6} \right) \frac{x - x_0}{h_1} = 0 + 2{,}4332 \frac{(x - 0{,}78)^3}{6 \cdot 0{,}78} +$$

$$+ (2{,}5 - 0) \frac{1{,}56 - x}{0{,}78} + \left(1{,}2 - \frac{2{,}4332 \cdot 0{,}78^2}{6} \right) \cdot \frac{x - 0{,}78}{0{,}78} =$$

$$= 0{,}51989708x^3 - 1{,}2165592\,x^2 - 1{,}0340559\,x + 3{,}8 \approx$$

$$\approx 0{,}52\,x^3 - 1{,}217x^2 - 1{,}034\,x + 3{,}8; \quad S_3(1) \approx 2{,}049.$$

$i = 2$, [1,56; 2,34] оралиқ учун:

$$S_3(x) = M_1 \frac{x_2 - x)^3}{6h_2} + M_2 \frac{(x - x_1)^3}{6h_2} + \left(f_1 - \frac{M_1 h_2^2}{6} \right) \frac{x_2 - x}{h_2} -$$

$$-\left(f_2 - \frac{M_2\ h_2^2}{6}\right)\frac{x-x_1}{h_2} = \ldots \approx -0{,}030x^3 + 1{,}350x^2 -$$
$$-5{,}042\,x + 6{,}681;\quad S_3(2) \approx 1{,}76.$$

$i = 3$, $[2{,}34;\ 3{,}12]$ оралиқ учун:

$$S_3(x) = \ \ldots \approx 0{,}30\,x^3 + 0{,}942x^2 - 4{,}360x + 5{,}775;$$
$$S_3(3) \approx 1{,}98.$$

$i = 4$, $[3{,}12;\ 3{,}71]$ оралиқ учун:

$$S_3(x) = \ \ldots \approx -0{,}589\,x^3 + 6{,}730\,x^2 - 22{,}473\,x + 24{,}773,$$
$$S_3(3{,}5) \approx 3{,}29.$$

Умумий ҳолда сплайн даражалари турлича (лекин m, дан ортиқ бўлмаган даражали) кўпҳадлардан иборат бўлаклардан тузилган бўлиши мумкин.

11-мисол. x ва y ўзгарувчилар орасидаги боғланиш жадвал тарзида берилган:

x	y	x	y	x	y	x	y	x	y	x	y
35	?	41	437	47	999	53	1425	59	2301	65	3766
36	?	42	584	48	864	54	1500	60	2575	66	4039
37	324	43	727	49	913	55	1642	61	2720	67	4659
38	381	44	822	50	1016	56	1789	62	2701	68	5015
39	331	45	845	51	1098	57	2039	63	3221	69	5835
40	425	42	922	52	1224	58	2009	64	3018	70	?

Учинчи даражали сплайн-функция тузилсин.

Ечиш. Таянч нуқталарини (сплайн бўлаклари туташадиган интерполяцион тугунларини) танлаймиз. Улар (37; 324), (42; 584), (55; 1642), (69; 5835) бўлсин. 1) [37; 42] оралиқдаги сплайн бўлагини $y - y_1 = f'(x_1)(x - x_1)$ тўғри чизиқ кўринишида тасвирлаймиз, бизда $x_1 = 42$, $y_1 = 584$, $f'(42) = \frac{584 - 324}{42 - 37} = 52$. Натижада $y - 584 = 52(x - 42)$, ёки $y = 52x - 1600$;

2) [42; 55] оралиқдаги бўлак учун

$$f(x) = A + B\,(x - x_1) + C(x - x_1)^2 + D(x - x_1)^3 \qquad (18)$$

учинчи даражали кўпҳадни танлаймиз. Сплайннинг ҳар икки қўшни бўлаги ўзлари туташадиган нуқтада бир хил қияликка ва y'' нинг бир хил қийматига эга бўлсин. Бу шартга кўра $x_1 = 42$ нуқтада: $f(42) = 584 = A$, $f'(42) = 52 = B$, $f''(42) = 2C + 6D \cdot (42 - 42) = 0$ ва бундан $C = 0$, $D =$

$= (f(x_2) - A - B(x_2 - x_1) - C(x_2 - x_1)^2)/(x_2 - x_1)^3 = (1642 - - 584 - 52(55 - 42) - 0)/(55-42)^3 = 0,1738734$. Иккинчи бўлак:

$$y = 584 + 52(x - 42) + 0,1738734(x - 42)^3; \qquad (19)$$

3) [55; 69] оралиқ учун учинчи даражали $f(x) = K + + L(x - x_2) + M(x - x_2)^2 + N(x - x_2)^3$ кўпҳадни тузамиз. $x = 55$ нуқтада бу чизиқ ва (19) чизиқ бир хил $f'(55)$ ва $f''(55)$ қийматларга эга бўлиши кераклиги шартидан фойдаланиб, қуйидагиларни топамиз:

$$f(55) = 1642, \ f'(55) = 52 + 3\cdot 0,1738734(55 - 42)^2 =$$
$$= 140,15381, \ f''(55) = 2\cdot 3\cdot 0,1738734(55 - 42) = 13,562125,$$
$$f(55) = K = 1642, \quad f'(x) = L + 2M(x - 55) + 3N(x - 55)^2,$$
$$f'(55) = L = 140,15381, \ f''(x) = 2M + 2\cdot 3N(x - 55),$$
$$f''(55) = 2M = 13,562125, \ M = 6,7810625.$$

N ни топишда (69; 5835) нуқта координаталаридан ҳам фойдаланамиз: $5835 = 1645 + 140,15381(69-55) + 6,7810625(69 - - 55)^2 + N(69 - 55)^3$, бундан $N = 0,3286291$ ва натижада $f(x) = 1642 + 140,15381(x - 55) + 6,781063(x - 55)^2 + + 0,3286291(x - 53)^3$;

4) Функциянинг $x = 35$, 36 ва 70 даги қийматларини топиш учун сплайннинг биринчи бўлаги (тўғри чизиқ кесмаси) ва охирги бўлаги (эгри чизиқ кесмаси) экстраполяция қилинади.

9-мисол **Ҳосил қилинган сплайн қийматлари жадвали**

x	$f(x)$	x	$f(x)$	x	$f(x)$	x	$f(x)$	x	$f(x)$	x	$f(x)$
35	220	41	532	47	866	53	1387	59	2332	65	4050
36	272	42	584	48	934	54	1508	60	2533	66	4442
37	324	43	636	49	1008	55	1642	61	2798	67	4868
38	376	44	689	50	1089	56	1789	62	2798	68	5332
39	428	45	745	51	1179	57	1952	63	3365	69	5835
40	480	46	803	52	1278	58	2132	64	3692	70	6379

Масаланинг шартида берилган маълумотлар ва бу жадвал маълумотларини солиштириб, сплайн берилган қийматларни бир қадар силлиқлаганини кўрамиз.

МАШҚЛАР

1. Бирор $y = f(x)$ функциянинг $x_i(i = \overline{1,m})$ нуқталардаги $f(x_i)$ қийматлари берилган. Лагранж интерполяцион формуласидан фойдаланиб, $f(x_i)$ қийматлар ҳисоблансин;

1) $x_i = 0,41 + 0,05(i-1)$, $i=\overline{1;5}$, $f(x_i)=1,5068$; 1,5841; 1,6820; 1,8220; 1,9155. $x_j = 0,43$; 0,54; 0,57; 0,62;

2) $x_i = 11,2 + 0,8(i-1)$, $i = \overline{1;6}$, $f(x_i) = 6,403$; 6,782; 7,211; 7,746; 8,062; 8,485; $x_j = 11,5$; 12,5; 13,0; 15,3;

3) $x_i = 50 + 6(i-1)$, $i = \overline{1;5}$, $f(x_i) = 0,0488$; 0,0531; 0,0581; 0,0644; 0,0681; $x_j = 53$; 60; 70; 75;

55. $\int\limits_0^{\pi/2} \frac{dx}{\sqrt{1 - \frac{1}{4}\sin^2 x}}$, $\varepsilon = 0{,}5\cdot 10^{-3}$. **56.** $\int\limits_0^{1/2} \frac{\arcsin x dx}{x}$, $\varepsilon = 0{,}5 \times$ $\times 10^{-3}$. **57.** $\int\limits_0^{1/2} \frac{\operatorname{arctg} x dx}{x}$, $\varepsilon = 0{,}5\cdot 10^{-3}$. **58.** $\int\limits_0^{1} \frac{\operatorname{arctg} x dx}{1+x}$, $\varepsilon = 0{,}5\cdot 10^{-3}$. **59.** $\int\limits_0^{0{,}5} \frac{(\operatorname{arctg} x)^2\, dx}{x}$, $\varepsilon = 0{,}5\cdot 10^{-3}$.

60 — 65-масалаларда функцияларнинг кўрсатилган x_i лардаги $F(x_i)$ қийматларини $1\cdot 10^{-6}$ аниқликда топиш ва графикларини ясаш талаб қилинади (ҳисоблашлар ЭҲМ да бажарилсин):

60. $F(x) = \int\limits_0^x \frac{\sin t}{t}\, dt$ (интеграл синус), $x = 0 \left(\frac{\pi}{36}\right) \frac{\pi}{2}$, $x = 0\ (0{,}1)\ 10$.

61. $F(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int\limits_0^x \frac{\sin t}{\sqrt{t}}\, dt$ (Френель функцияси), $x = 0\ (0{,}1)\ 10$.

62. $F(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int\limits_0^x e^{-t^2/2}\, dt$ (Лаплас функцияси), $x = 0\ (0{,}1)\ 4$.

63. $F(x) = -\int\limits_0^x \ln\cos t dt$ (Лобачевский функцияси), $x = 0 \left(\frac{\pi}{36}\right) \frac{\pi}{3}$.

64. $F(x) = \int\limits_0^x \frac{dt}{\sqrt{1 - \alpha^2 \sin^2 t}}$ (1-жинс эллиптик интеграл), $x = 0 \left(\frac{\pi}{36}\right) \frac{\pi}{2}$, $\alpha^2 = 0{,}1\ (0{,}1)\ 0{,}5$.

65. $F(x) = \int_0^x \sqrt{1 - \alpha^2 \sin^2 t}\, dt$ (2-жинс эллиптик интеграл), $x = 0\left(\frac{\pi}{36}\right)\frac{\pi}{2}$, $\alpha^2 = 0,1\ (0,1)\ 0,5$.

66. $y = \ln(1 - x^3)$ $(0 \leqslant x \leqslant 0,5)$ эгри чизиқ ёйининг узунлиги 10^{-6} гача аниқликда топилсин.

67. Ярим ўқлари: 1) $a = 10$, $b = 6$; 2) $a = 1$, $b = 0,5$ бўлган эллипс ёйининг узунлиги 10^{-2} аниқликда топилсин.

68. $y = \sin x$ синусоиданинг $0 \leqslant x \leqslant \pi$ оралиқдаги узунлиги 10^{-2} аниқликда топилсин.

66. $\rho\varphi = 1\ \left(\frac{3}{4} \leqslant \varphi \leqslant \frac{4}{3}\right)$ гиперболик спирал ёйининг узунлиги 10^{-3} аниқликда топилсин.

70. $y = (x^2 + 2x)\, e^{-x}$ чизиқ ва абсциссалар ўқи билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг юзи топилсин.

71. $y = \operatorname{tg} x$, $y = \frac{2}{3}\cos x$ чизиқлар ва ординаталар ўқи билан чегараланган эгри чизиқли учбурчакнинг юзи $0,5 \cdot 10^{-5}$ аниқликда топилсин.

72. 1) $x^4 + y^4 = 31,36x^2$; 2) $x^4 + y^4 = x^3$ чизиқ билан чегараланган шаклнинг абсциссалар ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажми топилсин ($\varepsilon = 10^{-3}$).

73. $y = 2x - x^2$ парабола ва абсциссалар ўқи билан чегараланган шаклнинг ординаталар ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўладиган жисм ҳажми топилсин ($\varepsilon = 10^{-3}$).

74. Томони 7,8 га тенг бўлган мунтазам олтибурчак томонларидан бири атрофида айланади. Ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажми топилсин ($\varepsilon = 10^{-2}$).

75. Жисмнинг тезлиги $v = \sqrt{1 + t}$ м/с формула билан берилади. Дастлабки 10 с ичида жисм ўтган масофани топинг ($\varepsilon = 10^{-1}$ м).

76. $x^3 + y^3 - 3xy = 0$ Декарт япроғи юзини 10^{-1} аниқликда топинг.

77—100-машқларда келтирилган интеграллар Гаусс туридаги формулалар ёрдамида топилсин ва топилган натижадаги хато қиймати баҳолансин:

77. $\int_1^2 \frac{x\,dx}{(x+3)^2}$, $n = 9$.

78. $\int_0^3 \frac{x\,dx}{(3x+1)^3}$, $n = 10$.

79. $\int_1^2 \frac{x^2\,dx}{(5x+1)^2}$, $n = 12$.

80. $\int_1^3 \frac{x^3\,dx}{(2x+3)^4}$, $n = 10$.

81. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{1+x^3}$, $n = 3$. 82. $\int\limits_0^1 e^{x^2} dx$, $n = 10$.

83. $\int\limits_0^1 e^{-x^2} dx$, $n = 14$. 84. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x}\,(1+x)}$, $n = 10$.

85. $\int\limits_{-0,2}^{0,3} \sqrt{1-x^2}\, x^3 dx$, $n = 11$. 86. $\int\limits_{-0,5}^{1} \sqrt{(3-x)^3}\, x dx$, $n = 10$.

87. $\int\limits_{-1}^{1} \frac{x^2 dx}{\sqrt{3,61-x_2}}$, $n = 10$. 88. $\int\limits_{1}^{1,5} \frac{dx}{x\sqrt{3,61-x^2}}$, $n = 10$.

89. $\int\limits_0^2 e^{0,6x} \sin 0,8x dx$, $n = 8$. 90. $\int\limits_0^{\pi/2} e^{0,6x} \cos x dx$, $n = 8$.

91. $\int\limits_0^1 x \ln(1+x)\, dx$, $n = 10$. 92. $\int\limits_0^1 \frac{\ln(1+x)}{1+x^2} dx$, $n = 8$.

93. $\int\limits_{0,0}^{1,5} \cos\ln x dx$, $n = 10$. 94. $\int\limits_{0,5}^{1,5} \sin\ln x dx$, $n = 10$.

95. $\int\limits_0^1 \frac{\lg(1+x)}{1+x^2} dx$, $n = 5$. 96. $\int\limits_0^1 \frac{\ln(1+x)\, dx}{1+x^2}$, $n = 4$.

97. $\int\limits_0^{1/2} \frac{\arcsin x dx}{x}$, $n = 10$. 98. $\int\limits_0^{1/2} \frac{\mathrm{arctg}\, x}{x} dx$, $n = 10$.

99. $\int\limits_0^1 \frac{\mathrm{irctg}\, x}{1+x} dx$, $n = 10$. 100. $\int\limits_0^{\pi/4} \ln\cos x dx$, $n = 8$.

101 — 114-машқларда келтирилган интеграллар Гаусс туридаги формулалар ёрдами билан ε аниқликда топилсин (ҳисоблашларда ЭҲМ дан фойдаланилсин):

101. $\int\limits_{-\infty}^{+\infty} \frac{e^{-x^2}}{1+x^2} dx$, $\varepsilon = 10^{-3}$. 102. $\int\limits_{-\infty}^{\infty} \frac{(1+x)e^{-x^2}}{2+x} dx$, $\varepsilon = 10^{-4}$.

103. $\int\limits_0^{1/3} \frac{1}{\sqrt[3]{1-x^2}}\, dx,\ \varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-3}$. 104. $\int\limits_0^1 \frac{\ln(1+x)}{1+x^2} dx,$

$\varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-3}$.

105. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x}\,(e^{0,4x}+1{,}5)},\ \varepsilon = 10^{-5}$. 106. $\int\limits_0^1 \sqrt{x}\, \sin x^2 dx,$

$\varepsilon = 10^{-6}$.

107. $\int\limits_{-1}^1 \sqrt{1-x^2}\, e^{-x}\, dx,\ \ \varepsilon = 10^{-6}$. 108. $\int\limits_0^1 \sqrt{x}\, e^{x^2}\, dx,$

$\varepsilon = 10^{-6}$.

109. $\int\limits_0^1 \sqrt{x}\, e^{-x^2} dx,\ \varepsilon = 10^{-4}$. 110. $\int\limits_{-\infty}^{+\infty} e^{-x^2} \sin x^2 dx,\ \varepsilon = 10^{-3}$.

111. $\int\limits_{-1}^1 \frac{x \arcsin x}{(1+x^2)^{3/2}}\, dx.\ \varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-8}$. 112. $\int\limits_{-1}^1 \frac{e^{2x}}{\sqrt{1-x^2}}\, dx,$

$\varepsilon = 10^{-5}$.

113. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x\,(1-x)}},\ \ \varepsilon = 10^{-5}$. 114. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt[4]{x^2\,(1-x)^2}},\ \varepsilon = 10^{-5}$.

115—138- машқларда берилган хосмас интеграллар ε гача аниқликда ҳисоблансин:

а) Чексиз чегарали интеграллар:

115. $\int\limits_0^{+\infty} \frac{dx}{1+x^4},\ \ \varepsilon = 1 \cdot 10^{-3}$. 116. $\int\limits_0^1 \frac{x^2}{\sqrt{1-x^2}}\, dx,$

$\varepsilon = 1 \cdot 10^{-6}$.

117. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^2\,(x+1)},\ \varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-6}$. 118. $\int\limits_0^{+\infty} \frac{x}{(1+x^3)}\, dx,$

$\varepsilon = 1 \cdot 10^{-2}$.

119. $\int\limits_0^{+\infty} x e^{-x^2} dx,\ \varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-1}$. 120. $\int\limits_0^{+\infty} x^3 e^{-x^2}\, dx,$

$\varepsilon = 0{,}5 \cdot 10^{-1}$.

121. $\int_{0}^{+\infty} e^{-3x}\cos 0{,}8x dx$, $\varepsilon=1\cdot 10^{-6}$. 122. $\int_{1}^{+\infty} \frac{\operatorname{arctg} x}{x^2}\, dx$,

$\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$.

123. $\int_{0}^{+\infty} \frac{dx}{(x^2+1)^2}$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$. 124. $\int_{1}^{+\infty} \frac{\sqrt{x}}{(1+x)^2} dx$, $\varepsilon=1\cdot 10^{-6}$.

б) $[a, b]$ интеграллаш оралиғи чекли бўлиб, унда $f(x)$ функция фақат битта нуқта атрофида чегараланмаган:

125. $\int_{0}^{1} \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}}$; $\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$. 126. $\int_{1}^{2} \frac{x dx}{\sqrt{x-1}}$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$.

127. $\int_{0}^{1/e} \frac{dx}{x\ln^2 x}$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$. 128. $\int_{1}^{e} \frac{dx}{x\sqrt{\ln x}}$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$.

129. $\int_{0}^{1} \frac{dx}{1-x^2+2\sqrt{1-x^2}}$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-6}$. 130. $\int_{-9}^{0} \frac{e^{\frac{1}{x}} dx}{x^3}$,

$\varepsilon = 1\cdot 10^{-5}$.

131. $\int_{0}^{1} \ln x\cdot \ln(1+x)\, dx$, $\varepsilon=10^{-4}$. 132. $\int_{0}^{1} (1-x)^{-1} \ln x dx$,

$\varepsilon = 10^{-3}$.

133. $\int_{0}^{+\infty} \frac{x\ln x dx}{(1+x^2)^3}$, $\varepsilon = 10^{-4}$. 134. $\int_{0}^{\pi/2} \ln\sin x dx$, $\varepsilon = 10^{-3}$.

135. $\int_{0}^{1} \frac{\arcsin x}{\sqrt{1-x^2}} dx$, $\varepsilon = 10^{-3}$. 136. $\int_{0}^{+\infty} \frac{dx}{(25+x^2)(1+x^2)}$,

$\varepsilon = 10^{-4}$.

137. $\int_{0}^{+\infty} \frac{dx}{e^{3x}+1}$, $\varepsilon = 10^{-2}$. 138. $\int_{0}^{1} \frac{x^{\frac{2}{3}} + x^{-\frac{2}{3}}}{1+x^2} dx$, $\varepsilon=10^{-4}$.

139 — 142-машқларда кўрсатилган функцияларнинг олтита ўнли ишорали жадваллари тузилсин ва графиклари ясалсин (ЭҲМ дан фойдаланинг):

139. $F(x)=\int\limits_0^x \frac{dt}{\ln t}$ (интеграл логарифм), $x=0\ (0{,}01)\ 0{,}5$.

140. $F(x)=-\int\limits_0^x \frac{\ln(1-t)}{t}\,dt$ (Эйлер дилогарифми), $x=$ $=0\ (0{,}01)\ 1$.

141. $F(x)=-\int\limits_0^x \ln\cos t\,dt$ (Лобачевский функцияси), $x=0\left(\frac{\pi}{36}\right)\frac{\pi}{2}$.

142. $F(x)=\int\limits_0^x \ln\frac{1+t}{1-t}\,\frac{dt}{t}$, $x=0\ (0{,}01)\ 1$.

143 — 145- машқларда берилган каррали интеграллар, трапециялар, Симпсон ва Гаусс формулаларини такрор қўлланиш усулидан фойдаланиб ҳисоблансин (бунда n_x ва n_y лар x ва y бўйича олинган тугунлар сони):

143. $\int\limits_0^1 dx \int\limits_0^1 \frac{x^3}{1+y^2}\,dy$, $n_x=n_y=8$.

144. $\int\limits_0^1 dx \int\limits_0^1 \frac{y\,dy}{(1+x^2+y^2)^{3/2}}$, $n_x=n_y=6$.

145. $\int\limits_0^{\pi}\int\limits_0^{\pi/2} x\sin(x+y)\,dx\,dy$.

146 — 148- машқларда берилган каррали интеграллар Люстерник — Диткин кубатур формуласи қўлланилиб ҳисоблансин:

146. $I=\iint\limits_{\Omega}(x^2+4y^2+9)\,dx\,dy$, $\Omega; x^2+y^2\leqslant 4$.

147. $I=\iint\limits_{\Omega}(x+xy-x^2-y^2)\,dx\,dy$, $\Omega: 0\leqslant x\leqslant 1$, $0\leqslant y\leqslant 2$.

148. $I=\iint\limits_{\Omega}(x^2+y^2-4x-4y+10)\,dx\,dy$, $\Omega: x^2+4y^2-$ $-2x-16y+13=0$ (эллипс билан чегараланган соҳа, чегараси билан).

149 — 152- машқларда берилган каррали интеграллар Монте — Карло усули қўлланилиб ҳисоблансин:

149. $\iint\limits_{\Omega} e^{\frac{x}{y}}\,dxdy$, Ω — парабола ($y^2 = x$) ва $x = 0$, $y = 1$ тўғри чизиқлар билан чегараланган эгри чизиқли учбурчак.

150. $I = \iint\limits_{\Omega} (x^2 + y^2 - 2\sqrt{x^2 + y^2} + 2)\,dxdy$, $\Omega : 0 \leqslant x \leqslant 2$, $0 \leqslant y \leqslant 2$ кесмалар билан чегараланган квадрат.

151. $I = \iiint\limits_{\Omega} (x + y - z + 10)\,dxdydz$, $\Omega : x^2 + y^2 + z^2 < 3$.

152. $I = \iiint\limits_{\Omega} (x + y + z)\,dxdydz$, $\Omega : x \geqslant 1$, $y \geqslant 1, z \geqslant 1$, $x \leqslant 3$, $y \leqslant 3$, $z \leqslant 3$.

7- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1- топшириқ: Ушбу $I = \int\limits_a^b \frac{xe^{mx}\,dx}{(1 + mx)^2}$, $m = 0{,}6 + 0{,}1k$ интеграл трапециялар ва Симпсон квадратура формулалари қўлланилиб, ε аниқликда ҳисоблансин:

Вар.	a	b	k	ε	Вар.	a	b	k	ε
1	0,1	2,1	—3	10^{-3}	16	0,3	1,8	—5	10^{-4}
2	0,2	1,7	—8	10^{-2}	17	—0,4	1,6	—12	10^{-4}
3	0,3	2,2	—10	10^{-2}	18	—0,3	2,7	10	10^{-3}
4	0,1	3	8	10^{-3}	19	—1	1,2	2,4	10^{-4}
5	0,4	2,4	0,2	10^{-3}	20	0,2	2,4	—8	10^{-3}
6	0,5	2,3	0	10^{-4}	21	0,3	2,6	—9	10^{-2}
7	0,5	2,1	—4	10^{-2}	22	0,4	3,2	3,4	10^{-2}
8	0,2	1,8	—10	10^{-3}	23	0,3	3	—8	10^{-3}
9	0,3	2,2	3	10^{-3}	24	—0,2	2,1	—10	10^{-3}
10	0,4	1,9	1	10^{-2}	25	0,1	2,8	—14	10^{-4}
11	0	1,6	—2	10^{-4}	26	—0,1	1,9	—5	10^{-4}
12	—0,2	1,8	10	10^{-3}	27	0,4	2,2	10	10^{-3}
13	1	2,8	8	10^{-3}	28	0,3	2,3	8	10^{-3}
14	0,4	3,2	10	10^{-2}	29	0,1	2,6	8	10^{-3}
15	0,3	3,2	—5	10^{-3}	30	—0,2	2	4,4	10^{-4}

2- топшириқ: Қуйидаги беш интегралдан вариантларда кўрсатилган учтаси Гаусс типидаги квадратур формулалардан фойдаланиб, тўртта ишончли рақамгача аниқликда ечилсин (n — тугунлар сони):

$$I_1=\int\limits_{a_1}^{b_1}\frac{dx}{1+\cos^2\alpha x},\quad I_2=\int\limits_{-1}^{1}(1-x^2)^{-1/2}f(x)\,dx,$$

$$I_3=\int\limits_{0}^{+\infty}x^{\alpha}e^{-x}q(x)\,dx,$$

$$I_4=\int\limits_{0}^{+\infty}\frac{\cos ax}{a+x}e^{-x^2}dx\ (a=1{,}0+0{,}25k),$$

$$I_5=\int\limits_{5}^{+\infty}\frac{dx}{\sqrt{1+bx^4}}\ (b=0{,}2+0{,}1m).$$

Вар. №	I_1				I_2	I_3		I_4	I_5
	a_1	b_1	α	n	$f(x)$	α	$q(x)$	k	m
1	0,1	2,1	−0,3	6	x^3	1	$\sin 3x$		
2	0,3	3,2	0,7	5	$1/x$	0	$\cos^4 x$		
3	1,8	2,8	1,1	5	$1/x^2$	1	cso$4x$		
4	0,4	2,2	0,8	5	$1/x^3$	0	$\ln x$		
5	−0,8	2,1	4	6	x	1	$1/(1-3x)^2$		
6	0,3	1,8	3,2	6	x^4			1	
7	0,2	1,7	0,9	6	$1-x^2$			2	
8	0,4	1,9	2,1	6	$x^2/(1-x^2)$			3	
9	−0,4	1,5	−2,2	6	$x^3/(1-x^2)$			4	
10	+0,4	1,3	2,2	5	$1/(x(1-x^2))$			5	
11	0,3	2,2	−1	5	$1/(x^2(1-x^2))$			6	
12	0,2	1,8	−4,2	5	$1/(x^3(1-x^2))$			7	
13	0,5	2,4	2,2	5	$x^2(1-x^2)$			8	
14	−0,9	1,7	1,4	6	$x/(1-x^2)$			9	
15	−0,5	1,9	1,8	5	$x^3(1-x^2)$			10	
16	−0,7	2,4	2,2	6	$(1-x^2)^2$				0
17	0,8	2,8	2,8	5	$x(1-x^2)^2$				1
18	0,4	3,2	3,0	5	$x^2(1-x^2)^2$				2
19	0,4	3,6	2,4	5	$x^3(1-x^2)^2$				3
20	0,3	2,4	2,6	5	$(1+x^3)^{-1}$				4
21	0,7	2,8	2,8	5	$(1+x^2)^{-1}$				5
22	−0,2	2,4	2,6	6	$(1+x^2)^{-2}$				6
23	0,1	2,2	2,4	6	$(1+x^2)^{-1/3}$				7
24	0,2	2,5	3,2	6	$(1+x^2)^{-3}$				8
25	0,2	2,6	−4	5	e^{3x}				9
26	0,5	2,9	−0,8	5	$(1+x^2)^{-4}$				10
27	0,4	3,2	3,1	5	$(1+x^2)^{-5}$				11
28	0,3	2,8	2	5	$(1+x^2)^{-2/3}$				12
29	−0,5	2,2	2,2	5	$(1+x^2)^{-3/4}$				13
30	−0,8	2,4	3,2	5	$\ln^2 x$				14

8-боб. ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН КОШИ МАСАЛАСИНИ СОНЛИ ЕЧИШ УСУЛЛАР

Кетма-кет дифференциаллаш усули. Агар

$$\begin{cases} y^{(n)} = f(x, y, y', \ldots, y^{(n-1)}), & (1) \\ y(x_0) = y_0, \ y'(x_0) = y_0', \ \ldots, \ y^{(n-1)}(x_0) = y_0^{(n-1)} & (2) \end{cases}$$

бошланғич масалада кўрсатилган тенглама учун Коши теоремаси шартлари бажарилса, яъни f функция $(x_0, y_0, y_0', \ldots, y_0^{(n-1)})$ бошланғич нуқта атрофида аналитик бўлса, изланаётган $y = y(x)$ ечим $x = x_0$ атрофида Тейлор қатори кўринишида берилади:

$$y(x) = y_0 + \frac{y_0'}{i!}(x - x_0) + \ldots + \frac{y_0^{(n)}}{n!}(x - x_0)^n + \ldots =$$

$$= \sum_{i=1}^{\infty} \frac{y_0^{(n)}}{i!}(x - x_0)^i \qquad (3)$$

(3) тенгликда $y_0, y_0', \ldots, y_0^{(n-1)}$ коэффициентларгина (бошланғич шарт қийматлари) маълум. Қолган $y_0^{(n)}, y_0^{(n+1)}, \ldots$ коэффициентларни аниқлаш учун берилган тенглама дифференциалланиб, ҳосил қилинган тенгликда $y^{(n)}$ ҳосила ўрнига унинг f ифодаси қўйилади: $y^{(n+1)} = f_1(x, y, y', y'', \ldots, y^{(n-1)})$; энди бу тенглик дифференциалланади ва яна $y^{(n)}$ ўрнига f қўйилади: $y^{(n+2)} = f_2(x, y, y', \ldots, y^{(n-1)})$ ва ҳоказо; ҳосил қилинган $y^{(n)}, y^{(n+1)}, y^{(n+2)}, \ldots$ тенгликларга (2) бошланғич шартлар қўйилиб, $y_0^{(n)}, y_0^{(n+1)}, \ldots$ ҳисобланади. Агар $|x - x_0|$ катталик (3) қаторнинг яқинлашиш радиусидан ошмаса, $n \to +\infty$ да $y(x) \approx \sum_{i=0}^{n} \frac{y^{(i)}(x_0)}{i!}(x - x_0)^i$ тақрибий ечим хатоси нолга интилади.

1-мисол. Ушбу $y'' = xyy'$, $y'(0) = y(0) = 1$ бошланғич масала ечими даражали қатор кўринишида топилсин. Ечимнинг $y(-0{,}5)$ қийматини $\varepsilon = 0{,}001$ аниқликда ҳисоблаш учун қатор неча ҳад билан олиниши керак?

Ечиш: Қуйидагиларга эга бўламиз:

1) $y''(0) = 0 \cdot y(0) \cdot y'(0) = 0$; 2) $y''' = yy' + xyy'' + x(y')^2$, $y'''(0) = 1$; 3) $y^{(4)} = 2(y')^2 + 2yy'' + xy'y'' + xyy''' + 2xy'$, $y^{(4)}(0) = 2$; 4) шу тартибда $y^{(5)}(0) = 3, \ldots, y^{(n)}(0) = n - 2, \ldots$; 5) изланаётган ечим;

$$y = 1 + x + \frac{x^3}{3!} + \frac{2x^4}{4!} + \frac{3x^5}{5!} + \ldots ;$$

б) бу қатор $x = -0{,}5$ нуқтада $\frac{x^3}{3!}$ ҳадидан бошлаб ишораси алмашинувчи сонли қатордан иборат, унинг ҳадлари абсолют қиймат бўйича монотон камаяди:

$$\left| \frac{nx^{n+2}}{(n+2)!} : \frac{(n+1)\,x^{n+3}}{(n+3)\,!} \right| = \left| \frac{n\,(n+3)}{(n+1)\,x} \right| > 1, \ |x| = 0{,}5,$$

ҳамда $\lim\limits_{n\to\infty} |a_n| = \lim\limits_{n\to\infty} \left| \frac{nx^{n+2}}{(n+2)!} \right| = 0$. Бундай қаторда олдинги n та ҳадини қолдириш билан чегараланилса, қолдиқ: $|R_n| = |S - S_n| < |a_{n+1}| = \frac{(n+1)\,|x^{n+3}|}{(n+3)\,!}$, $|x| = 0{,}5$. Биз $|R_n| < \varepsilon$ бўлиш шартидан фойдаланамиз:

$n = 1$ да $|R_1| = \frac{2\cdot 0{,}5^4}{4\,!} = 0{,}0052 > 0{,}001$ га, $n = 2$ да эса $|R_2| = 0{,}0004 < 0{,}001$ га эга бўламиз. Бунга қараганда $y(-0{,}5)$ қийматини $0{,}001$ гача аниқликда олиш учун $y(x)$ қаторида олдинги $1 + x$ га яна иккита ҳад қўшилиши кифоя қилади:

$$y(x) \approx 1 + x + \frac{x^3}{3!} + \frac{2x^4}{4!}.$$

2-мисол. Ушбу

$$\begin{cases} y'(x) = y\ \cos x - z\ \sin x, \\ z'(x) = y\ \sin x + z\ \cos x, \end{cases}$$

$$x_0 = 0,\ y_0 = y(0) = 1,\ z_0 = z(0) = 0$$

бошланғич масала ечилсин ва $[0;\ 0{,}2]$ оралиқда $h = 0{,}05$ қадамда $1\cdot 10^{-3}$ аниқликдаги ечим қийматлари жадвали тузилсин.

Ечиш: Ечимни

$$y(x) = y_0 + \frac{y_0'}{1!}x + \frac{y_0''}{2!}x^2 + \ldots + \frac{y_0^{(k)}}{k!}x^k + \ldots$$

$$\tag{4}$$

$$z(x) = z_0 + \frac{z_0'}{1!}x + \frac{z_0''}{2!}x^2 + \ldots + \frac{z_0^{(k)}}{k!}x^k + \ldots$$

даражали қаторлар кўринишида излаймиз. Номаълум y_0', z_0', y_0'', ... қийматларни қуйидагича аниқлаймиз:

1) берилган системага $x_0 = 0$, $y_0 = 1$, $z_0 = 0$ бошланғич қийматларни қўйсак, $y_0' = 1$, $z_0' = 0$ ҳосил бўлади;

2) системани x бўйича дифференциаллаймиз:

$$\begin{cases} y''(x) = -(y + z') \sin x - (z - y') \cos x, \\ z''(x) = -(z - y') \sin x + (y + z') \sin x \end{cases} \quad (5)$$

ва бу ифодаларга маълум қийматларни қўйиб, $y_0'' = 1$, $z_0'' = 1$ ни топамиз. Энди (5) системани дифференциаллаймиз ва шу тартибда кетма-кет дифференциаллашлар ва $y'''(x)$, $z'''(x)$, $y^{IV}(x)$, . . . ифодаларига маълум қийматларни қўйиш йўли билан $y_0''' = -0$, $z_0''' = 3$, $y_0^{IV} = -6$, $z^{IV} = 5$, $y_0^{(5)} = -23$, $z^{(5)} = -5$, . . . қийматларни аниқлаймиз.

3) топилган қийматлар (4) тенгликларга қўйилса, изланаётган ечим ифодалари олинади:

$$y(x) = 1 + x + \frac{1}{2}x^2 - \frac{1}{4}x^4 - \frac{23}{120}x^5 + \ldots, \quad (6)$$

$$z(x) = \frac{1}{2}x + \frac{1}{2}x^3 + \frac{5}{24}x^4 - \frac{5}{120}x^5 + \ldots; \quad (7)$$

4) ечимнинг [0; 0,2] оралиқдаги қийматларини $\varepsilon = 1 \cdot 10^{-3}$ аниқликда олиш учун ҳар қайси $y(x)$ ва $z(x)$ функцияларни қаторларга ёйиб, уларда қанчадан ҳад қолдирилиши кифоя қилади? Изланаётган n сони $|R_n(x)| < \varepsilon$ тенгсизлик бўйича аниқланиши мумкин, бунда $R_n(x)$ — қаторнинг қолдиқ ҳади. Қаторларнинг маълум хоссаларидан (хусусан, Вейерштрасс теоремасидан) фойдаланайлик. $y(x)$ ва $z(x)$ қаторлари учун

$$a = 1 + 0{,}2 + 0{,}2^2 + 0{,}2^3 + \ldots \quad (8)$$

қатор мажоранта вазифасини бажара олади. $y(x)$ ва $z(x)$ қаторларнинг қолдиқ ҳадлари a нинг мос қолдиқ ҳадидан кичик. a қатор қолдиқ ҳади $\frac{0{,}2^{n+1}}{1-0{,}2}$ га тенг. У ҳолда $|R_n(x)| < \frac{0{,}2^n}{4} < 1 \cdot 10^{-3}$. Бундан $n > 3$ бўлишини аниқлаймиз. Демак, ечим тўртинчи даражали кўпҳадлар кўринишида олиниши мумкин:

$$y(x) = 1 + x + \frac{1}{2}x^2 - \frac{1}{4}x^4, \quad z(x) = \frac{1}{2}x + \frac{1}{2}x^3 + \frac{5}{24}x^4.$$

5) y ва z нинг талаб қилинаётган қийматларини (7) формула бўйича ҳисоблаймиз. Бунда оралиқ ҳисоблашлар $1 \cdot 10^{-6}$ аниқликда бажарилиши мумкин. Охирги натижа $1 \cdot 10^{-4}$ аниқликда яхлитланади:

x	0	0,05	0,10	0,15	0,2
y	1	1,0518	1,1050	1,1611	1,2196
z	0	0,0251	0,0505	0,0767	0,1044

Аниқмас коэффициентлар усули. Агар бошланғич шартлар билан берилган $\varphi_0(x)\,y^{(n)}(x)+\varphi_1(x)\,y^{(n-1)}(x)+\ldots+$ $+\varphi_n(x)\,y(x)=f(x)$, $\varphi_0(x)\neq 0$ чизиқли дифференциал тенгламанинг $\varphi_i(x)$ ўзгарувчан коэффициентлари ва $f(x)$ функция бирор соҳада $x-x_0$ нинг даражалари бўйича яқинлашувчи қаторларга ёйилса, изланаётган $y(x)$ ечим шу соҳада яқинлашувчи $y(x)=a_0+a_1(x-x_0)+a_2(x-x_0)^2+\ldots$ даражали қатор кўринишида тасвирланади. Номаълум a_i коэффициентларни аниқмас коэффициентлар усули бўйича топиш мумкин. Масалан,

$$y''+p(x)\,y'+q(x)\,y=r(x),\ x_0=0,\ y(0)=y_0,\ y_0'(0)=y_0' \qquad (9)$$

бошланғич масалани ечиш талаб қилиниб, $p(x)$, $q(x)$, $r(x)$ коэффициентлар $x_0=0$ нуқта атрофида аналитик функциялардан иборат бўлсин:

$$p(x)=\sum_{n=0}^{\infty}p_n x^n,\quad q(x)=\sum_{n=0}^{\infty}q_n x^n,\quad r(x)=\sum_{n=0}^{\infty}r_n x^n \qquad (10)$$

Ечим $y(x)=\sum\limits_{n=0}^{\infty}c_n x^n$ даражали қатор кўринишида изланади. c_i коэффициентларни топиш учун бу тенгликни икки марта дифференциаллаб, (9) тенгламага қўямиз:

$$y'(x)=\sum_{n=1}^{\infty}nc_n x^{n-1},\quad y''(x)=\sum_{n=2}^{\infty}n(n-1)c_n x^{n-2},$$

$$\sum_{n=2}^{\infty}n(n-1)c_n x^{n-2}+\sum_{n=0}^{\infty}p_n x^n\cdot\sum_{n=1}^{\infty}nc_n x^{n-1}+$$

$$+\sum_{n=0}^{\infty}q_n x^n\cdot\sum_{n=0}^{\infty}c_n x^n=\sum_{n=0}^{\infty}r_n x^n \qquad (11)$$

(11) тенгламадаги кўпайтиришлар бажарилиб, ўхшаш ҳадлар

коэффициентлари тенглаштирилса, қуйидаги система ҳосил бўлади:

$$
\begin{array}{l|l}
x^0 & 2c_2 + c_1p_0 + c_0q_0 = r_0, \\
x^1 & 3\cdot 2c_3 + 2c_2p_0 + c_1p_1 + c_2q_0 + c_0q_1 = r_1, \\
x^2 & 4\cdot 3c_4 + 3c_3p_0 + 2c_2p_1 + c_1p_2 + c_2q_0 + c_1q_1 + c_0q_2 = r_2, \\
\ldots & \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\
x^n & (n+2)(n+1)c_{n+2} + Q(c_{n+1}, c_n, \ldots, c_1, c_0) = r_n,
\end{array} \qquad (12)
$$

бунда Q ифода $c_0, c_1, \ldots, c_{n+1}$ аргументларнинг чизиқли функцияси. c_0 ва c_1 бошланғич шартлар бўйича аниқланади: $c_0 = y(0) = y_0$, $c_1 = y'(0) = y_0'$. Қолган c_i коэффициентлар (12) системадан топилади.

3-мисол. Ушбу $y'' + y' + x^2y = \frac{x}{1-x}$, $y(0)=0$, $y'(0) = 1$ бошланғич масала ечилсин.

Ечиш: $p(x) = 1$, $q(x) = x^2$, $r(x) = \frac{x}{1-x} = x + x^2 + \ldots + x^n + \ldots$, бундан $|x| < R = 1$. Ечимни $y = c_0 + c_1x + c_2x^2 + \ldots + c_nx^n + \ldots$ кўринишида излаймиз. Бу ифоданинг ҳосилаларини тузамиз:

$$y' = c_1 + 2c_2x + 3c_3x^2 + 4c_4x^3 + \ldots + nc_nx^{n-1} + \ldots,$$

$$y'' = 2c_2 + 3\cdot 2c_3x + 4\cdot 3c_4x^2 + \ldots + n(n-1)c_nx^{n-2} + \ldots .$$

y, y', y'', $z(x)$ қаторларни берилган тенгламага қўямиз ва аниқмас коэффициентлар усулидан фойдаланиб, ушбу системани ҳосил қиламиз:

$$
\begin{cases}
c_1 + 2c_2 = 0, \\
2c_2 + 3\cdot 2c_3 = 1, \\
c_0 + 3c_3 + 4\cdot 3c_4 = 1, \\
c_1 + 4c_4 + 5\cdot 4c_5 = 1, \\
\ldots\ldots\ldots\ldots
\end{cases}
$$

$c_0 = y(0) = 0$, $c_1 = y'(0) = 1$. Қолган коэффициентларни системадан бирма-бир аниқлаймиз: $c_2 = -\frac{1}{2}$, $c_3 = \frac{1}{3}$, $c_4 = 0$, $c_5 = 0, \ldots .$

Натижада: $y \approx x - \frac{1}{2}x^2 + \frac{1}{3}x^3$. Ечим хатосини баҳолаш мақсадида y, y', y'' ифодаларни берилган тенгламага қўямиз ва тенгликнинг иккала томонидаги ифодалар фарқи ε ни аниқлаймиз:

$$\varepsilon = (-1 + 2x) + (1 - x + x^2) + \left(x^3 - \frac{1}{2}x^4 + \frac{1}{3}x^5\right) -$$

$$- \frac{x}{1-x} = x + x^2 + x^3 - \frac{1}{2}x^4 + \frac{1}{3}x^5 - \left(x + x^2 + x^3 +\right.$$

$$\left. + \frac{x^4}{1-x}\right) = x^4\left(-\frac{1}{2} + \frac{1}{3}x - \frac{1}{1-x}\right), \quad |x| < 1.$$

Хусусан, $x = 0{,}3$ учун ечим қиймати ва хато катталиги қуйидагича бўлади: $y\,(0{,}3) \approx 0{,}3 - \frac{1}{2}\,0{,}09 + \frac{1}{3}\cdot 0{,}027 = 0{,}3047 \approx 0{,}30$, $\varepsilon = 0{,}015$.

Итерация усули. Ушбу

$$y' = f(x,\ y),\ y\,(x_0) = y_0 \qquad (13)$$

Коши масаласини ечиш талаб қилинсин. Агар бунда Пикар теоремаси шартлари бажарилган бўлса, чунончи, $f(x,\ y)$ функция бирор $R\{|x - x_0| \leqslant a, |y - y_0| \leqslant b\}$ соҳада аниқланган ва узлуксиз бўлиб, унга нисбатан $|f(x, y_1) - f(x, y_2)| \leqslant L|y_1 - y_2|$ Липшиц шарти бажарилган бўлса, у ҳолда изланаётган $y = y\,(x)$ интеграл чизиқ $x_0 \leqslant x \leqslant x_0 + h$ оралиқда $y - y_0 = -M\,(x - x_0)$ ва $y - y_0 = M\,(x - x_0)$ тўғри чизиқлар орасидаги бурчакда ётади, бунда $h = \min\left(a,\ \frac{b}{M}\right)$, $M = \max|f(x,\ y)|$.

(13) муносабатларни $\int\limits_{x_0}^{x} y'\ dx = y\,(x) - y\,(x_0)$ ёки $y\,(x) = y_0 + \int\limits_{x_0}^{x} f(x,\ y)\,dx$ кўринишида қайтадан ёзамиз. Кейинги тенглик бўйича $y = y\,(x)$ ечимга яқинлашувчи $y = y^{[n]}(x)$, $n = 1, 2, \ldots$, функциялар кетма-кетлиги аниқланади:

$$y^{[n]}(x) = y_0 + \int\limits_{x_0}^{x} f\,(x,\ y^{[n-1]}\,(x))\,dx, \quad \varepsilon_n(x) \leqslant L^n\ M\ \frac{(x - x_0)^{n+1}}{(n+1)!}.$$

Бошланғич яқинлашиш $y^{[0]}(x)$ сифатида ихтиёрий функция жумладан, $y = y_0$ бошланғич қиймат олиниши мумкин.

Итерация усули бўйича $\frac{d\vec{y}}{dx} = \vec{f}\,(x,\ \vec{y})\ (\vec{y}\,(x_0) = \vec{y}_0)$ системани ечиш учун дастлаб бу система интеграл шаклда қайтадан ёзилади:

$$\vec{y} = \vec{y_0} + \int_{x_0}^{x} \vec{f}(x, \vec{y})\,dx, \quad \vec{y}^{[0]} = \vec{y_0}, \text{ бунда } \vec{f} = \begin{bmatrix} f_1 \\ \vdots \\ f_n \end{bmatrix},$$

$$\int_{x_0}^{x} \vec{f}\,dx = \begin{vmatrix} \int_{x_0}^{x} f_1\,dx \\ \cdots \\ \int_{x_0}^{x} f_n\,dx \end{vmatrix}.$$

Яқинлашишлар $\vec{y}^{[i]} = \vec{y_0} + \int_{x_0}^{x} \vec{f}(x, \vec{y}^{[i-1]})\,dx$ формула бўйича топилади.

Усулни n-тартибли дифференциал тенгламага нисбатан қўллаш учун бу тенглама система кўринишига келтирилиши керак.

4-мисол. Ушбу $y' = x + y$, $y(0) = 2$ масала ечимининг $R\{0 \leqslant x - x_0 \leqslant 1,\ |y - y_0| \leqslant 1\}$ соҳада $0{,}3\cdot 10^{-3}$ аниқликдаги қийматини берувчи яқинлашиши топилсин.

Ечиш. Равшанки, $f(x, y) = x + y$ функция R соҳада аниқланган ва узлуксиз. R соҳа чегаралари $0 \leqslant x - 0 \leqslant 1$, $|y - 2| \leqslant 1$ дан ёки $0 \leqslant x \leqslant 1{,}1 \leqslant y \leqslant 2$ дан иборат. Қуйидагиларни топамиз:

$M = \max|f(x, y)| = \max|x + y| = 3$, $L = \max|f'_y(x, y)| = \max|1| = 1$, $h = \min\left(1;\ \frac{1}{3}\right) = \frac{1}{3}$, $\varepsilon_{\max} = \max\limits_{(0;\ 1/3)} |y - y^{[n]}| \leqslant 3\cdot 1^n \cdot \frac{3\cdot\left(\frac{1}{3}\right)^n}{n!} < 0{,}3\cdot 10^{-3}$, $3^n \cdot n! > 1\cdot 10^4$, $n \geqslant 5$. Демак, изланаётган яқинлашиш камида $n=5$-тартибли бўлиши керак. Уни топамиз: $y^{[0]} = y(0) = 2$, $y^{[1]} = 2 + \int_0^x (x + 2)\,dx = 2 + 2x + \frac{x^2}{2!}$, $y^{[3]} = 2 + \int_0^x (x + y^{[1]})\,dx = 2 + 2x + 3\cdot\frac{x^2}{2!} + \frac{x^3}{3!}$, $\ldots$, $y^{[5]} = 2 + 2x + 3\left(\frac{x^2}{2!} + \frac{x^3}{3!} + \frac{x^4}{4!} + \frac{x^5}{5!}\right) + \frac{x^6}{6!}$.

Рунге — Кутта усуллари. Юқорида биз Коши масаласини ечишда қўлланиладиган аналитик усуллардан айримларини кўрсатиб ўтдик. Энди усулларнинг бошқа тури — Рунге — Кутта усуллари гуруҳи ҳақида маълумот берамиз. Бу усуллар қўлланилганида $y' = f(x, y)$, $y(x_0) = y_0$ Коши масаласи $y(x)$ хусусий ечимининг h қадам билан тенг узоқликда ётган x_{j+1} $(j = 0, 1, 2, \ldots)$ нуқталарга мос y_{j+1} тақрибий қийматлари

$$y_{j+1} = y_j + \Delta y_j \tag{14}$$

формула бўйича изланади, бунда Δy_j орттирма $K_i(h) = hf(\xi_i, \eta_i)$ миқдорларнинг ушбу чизиқли комбинацияларидан иборат:

$$\Delta y_j = \sum_{i=1}^{q} p_i K_i(h), \tag{15}$$

бунда

$$\xi_i = x_0 + \alpha_i h, \quad \eta_i = y_0 + \sum_{m=1}^{i-1} \beta_{im} K_m(h), \quad \alpha_1 = 0,$$

$$K_1(h) = hf(x, y),$$

$$K_2(h) = hf(x + \alpha_2 h, \ y + \beta_{21} K_1(h)),$$

$$K_3(h) = hf(x + \alpha_3 h, \ y + \beta_{31} K_1(h) + \beta_{32} K_2(h)),$$

$$\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots$$

$$K_q(h) = hf(x + \alpha_q h, \ y + \beta_{q1} K_1(h) + \ldots + \beta_{q, q-1} K_{q-1}(h)).$$

(14) формула қўлланилганда вужудга келадиган $\varepsilon(x)$ хато Рунге қоидаси бўйича баҳоланиши мумкин. Унга мувофиқ x нинг ҳар қайси қийматига мос $y(x)$ қиймати h ва H қадамлар билан кетма-кет ҳисобланади, сўнг қуйидаги формуладан фойдаланилади (унда $H = kh$):

$$\varepsilon(x) \leqslant \frac{|y_h(x) - y_H(x)|}{|h^s - H^s|} \cdot h^s, \tag{16}$$

бунда s — (14) формуланинг бир қадамда h га нисбатан аниқлик тартиби (ёки даражаси), унинг учун $\Delta y_i \approx y(x_{i+1}) - y(x_i)$ тақрибий тенглик хатоси h^{s+1} тартибли катталикка эга; k — бирор сон.

Усулнинг хусусий кўринишлари:

1) $q = 1$ бўлган ҳол **(Эйлер усули)**:

$$y_{j+1} = y_j + hf_j, \quad f_j = f(x_j, y_j). \tag{17}$$

Бу усул қўлланилаётган оралиқда h қадам k марта кичрайтирилса, оралиқ бўйича умумий хато ҳам k марта кичраяди ($s=1$). Агар $H=2h$ қилиб олинса, у ҳолда (16) бўйича

$$\varepsilon(x) \leqslant |y_h(x) - y_H(x)|$$

га эга бўламиз.

2) $q=2$ бўлган ҳол (Эйлер усулининг аниқлиги яхшиланган модификациялари):

$$y_{j+1} = y_j + p_1 K_1(h) + p_2 K_2(h), \tag{18}$$

бунда $K_1(h) = hf(x_j, y_j)$, $K_2(h) = hf(x_j + \alpha_2 h, y_j + \beta_{21} K_1(h))$. Хусусан, $p_1 = 0$, $p_2 = 1$, $\alpha_2 = \beta_{21} = \frac{1}{2}$ бўлганда,

$$y_{j+1} = y_j + hf_{j+\frac{1}{2}} \tag{19}$$

га эга бўламиз. Бу формула қўлланилаётган оралиқда h қадам m марта кичрайтирилса, шу оралиқ бўйича усулнинг жамғарилган хатоси m^2 марта камаяди ($s=2$).

Ниҳоят, $q=4$ бўлган (Рунге — Кутта усули номи билан аталидиган) ҳолда:

$$\Delta y = \frac{1}{6}(K_1(h) + 2K_2(h) + 2K_4(h) + K_4(h)), \tag{20}$$

бунда

$$K_1(h) = hf(x, y), \quad K_2(h) = hf\left(x + \frac{h}{2}, \ y + \frac{K_1(h)}{2}\right),$$

$$K_3(h) = hf\left(x + \frac{h}{2}, \ y + \frac{1}{2}K_2(h)\right),$$

$$K_4(h) = hf(x + h, \quad y + K_3(h)).$$

Бошланғич шартлар билан берилган

$$\begin{cases} y'(x) = f_1(x, y, z), \ y(x_0) = y_0, \\ z'(x) = f_2(x, y, z), \ z(x_0) = z_0 \end{cases}$$

система (20) формулага асосланиб ечилади:

$$K_{1y}^{(j)} = hf_1(x_j, y_j, z_j) \qquad K_{1z}^{(j)} = hf_2(x_j, y_j, z_j)$$

$$K_{2y}^{(j)} = hf_1\left(x_j + \frac{h}{2}, y_j + \frac{K_{1y}^{(j)}}{2}, z_j + \frac{K_{1z}^{(j)}}{2}\right) \qquad K_{2z}^{(j)} = hf_2\left(x_j + \frac{h}{2}, y_j + \frac{K_{1y}^{(j)}}{2}, z_j + \frac{K_{1z}^{(j)}}{2}\right)$$

$$K_{3y}^{(i)} = hf_1\left(x_j + \frac{h}{2},\ y_j + \frac{K_{2y}^{(i)}}{2},\ z_j + \frac{K_{2z}^{(i)}}{2}\right) \qquad K_{3z}^{(i)} = hf_2\left(x_j + \frac{h}{2},\ y_j + \frac{K_{2y}^{(i)}}{2},\ z_j + \frac{K_{2z}^{(i)}}{2}\right) \tag{21}$$

$$K_{4y}^{(i)} = hf_1(x_j + h,\ y_j + K_{3y}^{(i)},\ z_j + K_{3z}^{(i)}) \qquad K_{4z}^{(i)} = hf_2(x_j + h,\ y_j + K_{3y}^{(i)},\ z_z + K_{3z}^{(i)})$$

$$y_{j+1} = y_j + \frac{1}{6}(K_{1y}^{(i)} + 2K_{2y}^{(i)} + 2K_{3y}^{(i)} + K_{4y}^{(i)}) \qquad z_{j+1} = z_j + \frac{1}{6}(K_{1z}^{(i)} + 2K_{2z}^{(i)} + 2K_{3z}^{(i)} + K_{4z}^{(i)})$$

Юқори тартибли дифференциал тенгламаларни ечиш учун дастлаб улар эквивалент тенгламалар системасига келтирилиши керак. Жумладан, $y'' = f(x,\ y,\ y')$, $y(x_0) = y_0$, $y'(x_0) = y_0$ бошланғич масаладаги тенглама $y' = z$, $z' = f(x,\ y,\ z)$ тенгламалар системасига келтирилади. Рунге—Кутта усуллари бўйича $y(x)$ ечим учун $h_1 = h$ қадам билан y_j қиймат, $h_2 = 2h$ қадам билан Y_j қиймат аниқланган бўлсин. У ҳолда топилган натижанинг абсолют хатоси $E_j = \frac{|Y_j - y_j|}{(2h)^4 - h^4} \cdot h^4 = \frac{1}{15}|Y_j - y_j|$ бўлади (Рунге қоидаси).

5-мисол. (20) формуладан фойдаланиб, $h = 0,2$ қадам билан $y' = \frac{y - x}{y + x}$, $y(0) = 1$ бошланғич масаланинг [0; 1] оралиқдаги ечим қийматлари топилсин.

Ечиш:

5-мисолга $h = 0,2$ Рунге — Кутта усули

j	x_j	y_j	$K = 0,2\frac{y-x}{y+x}$	pK p 1, 2, 2, 1	Ҳисоблашлардан намуналар
0	0	1	0,1	0,2	$K_1^{[0]} = 0,2 \cdot \frac{1-0}{1+0} = 0,2$
	0,1	1,1	0,1667	0,3334	$x + \frac{h}{2} = 0 + 0,1 = 0,1$
	0,1	1,0833	0,1662	0,3324	$y_0 + \frac{K_2^{[0]}}{2} = 1 + \frac{0,1667}{2} = 1,0833$
	0,2	1,1662	0,1414	0,1414	$y_0 + K_3^{[0]} = 1 + 0,1622 = 1,1662$
				0,1678	$\Delta y_0 = \frac{1}{6}(0,2 + 0,3334 + 0,3324 + 0,1414) = 0,1678$

i	x_i	y_i	$K - 0{,}2\dfrac{y-x}{y+x}$	PK $p=1, 2, 2, 1$	Хисоблашлардан намуналар
1	0,2	1,1678	0,1415	0,1415	$K_1^{[1]} = 0{,}2\cdot\dfrac{1{,}1678-0{,}2}{1{,}1678+0{,}2} = 0{,}1415$
	0,3	1,2386	0,1220	0,2440	$y_1 + \dfrac{K_1^{[1]}}{2} = 1{,}1678 + 0{,}0708 = 1{,}2386$
	0,3	1,2288	0,1215	0,2430	$y_1 + \dfrac{K_2^{[1]}}{2} = 1{,}1678 + \dfrac{1{,}1220}{2} = 1{,}2288$
	0,4	1,2893	0,1053	0,1053	$y_1 + K_3^{[1]} = 1{,}1678 + 0{,}1215 = 1{,}2893$
				0,1223	$\Delta y_1 = \dfrac{1}{6}(0{,}1415 + 0{,}2440 + 0{,}2430 + 0{,}1053) = 0{,}1223$
2	0,4	1,2901	0,1053	0,1053	$y_2 = y_1 + \Delta y_1 = 1{,}1678 + 0{,}1223 = 1{,}2901$
	0,5	1,3428	0,0915	0,1829	
	0,5	1,3359	0,0906	0,1812	
	0,6	1,3812	0,0789	0,0789	
				0,0913	$\Delta y_2 = \dfrac{1}{6}(0{,}1053 + 0{,}1829 + 0{,}1812 + 0{,}0789) = 0{,}0913$
3	0,6	1,3815	0,0790	0,0790	
	0,7	1,421	0,0680	0,1360	
	0,7	1,4155	0,0676	0,1352	
	0,8	1,4491	0,0556	0,0556	
				0,0678	$\Delta y_3 = \dfrac{1}{6}(0{,}0790 + 0{,}1360 + 0{,}1352 + 0{,}0556) = 0{,}0678$
4	0,8	1,4493	0,0577	0,0577	
	0,9	1,4782	0,0486	0,0972	
	0,9	1,4736	0,0483	0,0966	
	1,0	1,4976	0,0398	0,0398	
				0,0486	$\Delta y_4 = 0{,}0486$
5	1,0	1,4979			

Натижа: $y = (0) = 1$, $y(0{,}2) = 1{,}1678$, $y(0{,}4) = 1{,}2901$, $y(0{,}6) = 1{,}3815$, $y(0{,}8) = 1{,}4493$, $y(1) = 1{,}4979$. Ечим қиймтларининг қандай аниқликка эга эканини билиш мақса дида ҳисоблашларни $h=0{,}4$ қадам билан такрор бажарамиз ва уларни янги натижалар билан солиштирамиз:

5-мисолга $h=0{,}4$ **Рунге — Кутта усули**

j	x_j	y_j	$K=0{,}4(y-x)/(y+x)$	pK, $p=1, 2, 2, 1$
0	1	1	0,4	0,4
	0,2	1,2	0,2857	0,5714
	0,2	1,1427	0,2809	0,5618
	0,4	1,2809	0,2091	0,2091
				$\sum/6=0{,}2904$
1	0,4	1,2904	0,2107	0,2107
	0,6	1,3958	0,1640	0,3280
	0,6	1,4778	0,1694	0,3388
	0,8	1,6472	0,1384	0,1384
				$\sum/6=0{,}1593$
2	0,8	1,4497		

$y(0{,}4)$ ва $y(0{,}8)$ нинг олдин ва ҳозир топилган қийматлари $1\cdot10^{-4}$ разряд рақамлари билан фарқ қилмоқда. Шунга кўра, умуман, $y(x)$ учун топилган қийматларнинг чегаравий абсолют хатолари $0{,}5\cdot10^{-3}$ га тенгдир.

6-мисол. $y(2)=1$ ва $y'(2)=0$ бошлангич шартлар билан берилган $y''=\dfrac{y-xy'}{1-x}$ дифференциал тенглама ечимининг [2; 3] оралиқдаги қийматлари жадвали $h=0{,}2$ қадам билан тузилсин.

Ечиш: $y'=z$ (белгилаш), $z(2)=0$, $z'=\dfrac{y-xz}{1-x}$ системани ҳосил қиламиз ва (21) схемадан фойдаланиб, ҳисоблашларни y ва z га нисбатан параллел бажарамиз:

6-мисолга $i=\overline{1;4}$, $p=1, 2, 2, 1$ **Рунге — Кутта усули**

j	x_i	y_i	z_i	K_{iy}	K_{iz}	pK_{iy}	pK_{iz}
0	2	1	1	0	−0,2	0	−0,2
	2,1	1	−0,1	−0,02	−0,22	−0,04	−0,44
	2,1	0,99	−0,11	−0,022	−0,222	−0,044	−0,444
	2,2	0,978	−0,222	−0,0444	−0,2444	−0,0444	−0,2444
						−0,0214	−0,2214

j	x_i	y_i	z_i	K_{iy}	K_{iz}	pK_{iy}	pK_{iz}
1	2,2	0,9786	—0,2214	—0,0443	—0,2443	—0,0443	—0,2443
	2,3	0,9564	—0,3436	—0,0687	—0,2688	—0,1374	—0,5376
	2,3	0,9442	—0,3558	—0,0712	—0,2712	—0,1424	—0,5424
	2,4	0,9074	—0,4926	—0,0985	—0,2985	—0,0985	—0,2985
						—0,0705	—0,2705
2	2,4	0,9081	—0,4919	—0,0984	—0,2984	—0,0984	—0,2984
	2,5	0,8589	—0,6411	—0,1282	—0,3282	—0,2564	—0,6564
	2,5	0,8440	—0,6560	—0,1312	—0,3312	—0,2624	—0,6624
	2,6	0,7769	—0,8231	—0,1646	—0,3646	—0,1646	—0,3646
						—0,1903	—0,3303
3	2,6	0,7778	—0,8222	—0,1644	—0,3644	—0,1644	—0,3644
	2,7	0,6956	—1,0044	—0,2009	—0,4009	—0,4018	—0,8018
	2,7	0,6773	—1,0227	—0,2045	—0,4045	—0,4090	—0,8090
	2,8	0,5733	—1,2267	—0,2453	—0,4453	—0,2453	—0,4453
						—0,2034	—0,4034
4	2,8	0,5744	—1,2256	—0,2451	—0,4451	—0,2451	—0,4451
	2,9	0,4519	—1,4482	—0,2896	—0,4896	—0,5792	—0,9792
	2,9	0,4296	—1,4704	—0,2941	—0,4941	—0,5882	—0,9882
	3	0,2803	—1,7197	—0,3939	—0,5439	—0,3939	—0,5439
						—0,2928	
5	3	0,2816					

Агар ҳисоблашлар $h = 0{,}4$ қадам билан бажарилса, натижада $y(2{,}4) = 0{,}8414$, $z(2{,}4) = -0{,}5651$ қийматлар ҳосил бўлади. Умумий хато каттaлигини Рунге қоидаси бўйича баҳолаймиз:

$$E_y = \frac{1}{15} \cdot |0{,}9081 - 0{,}8414| = 0{,}0044 \leqslant 0{,}5 \cdot 10^{-2},$$

$$E_z = \frac{1}{15} \, |-0{,}5651 + 0{,}4919| = 0{,}00488 \leqslant 0{,}5 \cdot 10^{-2}.$$

Чекли — айирмали усуллар. Адамс усулининг турли вариантлари $y_j - y_{j-1} = h \sum\limits_{i=0}^{m} b_{-i} f_{j-i}$, $y_0 = y(x_0)$, $x_j - x_{j-1} = h$ муносабатда b_{-i} $(i = \overline{0, m})$ коэффициентларни турлича танлаш орқали олинади.

Адамснинг экстраполяция формуласи ($b_0 = 0$)[1]

$$y_{j+1} = y_j + \frac{h}{24}(55 f_j - 59 f_{j-1} + 37 f_{j-2} - 9 f_{j-3} + \ldots) \quad (22)$$

ёки

$$y_{i+1}=y_i+\eta_i+\frac{1}{2}\Delta\eta_{i-1}+\frac{5}{12}\Delta^2\eta_{i-2}+\frac{3}{8}\Delta^3\eta_{i-3}, \quad (23)$$

бунда $\eta_i=hf(x_i,\ y_i)$, $\Delta^k\eta_{i-k}$ — k-тартибли чекли айирма.

Адамснинг интерполяция формуласи $\left(b_0=\frac{9}{24}\right)$:

$$y_{i+1}=y_i+\frac{h}{24}(9f_{i+1}+19f_i-5f_{i-1}+f_{i-2}+\ldots) \quad (24)$$

ёки

$$y_{i+1}=y_i+\eta_{i+1}+\frac{1}{2}\Delta\eta_i-\frac{1}{12}\Delta^2\eta_{i-1}+\frac{1}{24}\Delta^3\eta_{i-2},$$
$$\eta_i=hf(x_i,\ y_i) \quad (25)$$

Ҳисоблаш $y_0,\ y_1,\ y_2,\ y_3,\ \ldots,\ y_n$ лардан иборат бошланғич кесмани (жадвалнинг кириш қисмини) аниқлашдан бошланади. Бунда y_0 бошланғич шарт сифатида берилган, қолган қийматлар бирор қадамли усул билан аниқланади. Шу мақсадда Рунге — Кутта усули қўлланилганида h қадам кейинги ҳисоблашлардагига нисбатан кичик олиниши керак. Сўнг экстраполяция формуласи, кетидан коррекция (тузатиш) мақсадида интерполяция формуласи қўлланилади.

7-мисол. Адамс усули қўлланилиб, $y'=\frac{1}{y^2-x}$, $y(1)=0$ дифференциал тенглама ечимининг $x=1,\ 1;\ 1{,}2;\ \ldots;\ 2$ нуқталардаги қийматлари $\varepsilon=1\cdot10^{-3}$ аниқликда топилсин.

Ечиш: 1) $y_0,\ y_1,\ y_2,\ y_3$ бошланғич кесмани Рунге — Кутта усули бўйича аниқлаймиз (жадвалларда x ва y дан ташқари қолган қийматлар 10^6 марта ошириб олинган):

7-мисолга **Бошланғич кесмани аниқлаш Рунге- Кутта усули**

i	x_i	y_i	$f=\frac{1}{y_i^2-x_i}$	$K=0.1f$	pK, $p=1,2,2,1$	Изоҳ
0	1	0	−100000	−10000	−10000	
	1,05	−0,05	−954654	−95465	−190931	$y(1{,}05)=$ $=y(1)+\frac{K_1}{2}$
	1,05	−0,047733	−954445	−95445	−190890	$y=(1{,}05)=$ $=y(1)+\frac{K_2}{2}$
	1,1	−0,095445	−916683	−91668	−91668	$y(1{,}1)=$ $=y(1)+K_3$
			$\Delta y_0=(\sum pK)/6=-0{,}095582$			

i	x_j	y_j	$f=\frac{1}{y_j^2-x_j}$	$K=0,1f$	pK, $p=1, 2, 2, 1$	Изоҳ
1	1,1	—0,095582	—916705	—91671	—91671	$y(1,1)=y(1)+$ $+\Delta y_0$
	1,15	—0,141418	—884955	—88496	—176991	
	1,15	—0,139830	—884605	—88461	—176921	
	1,2	—0,184043	—857540	—85754	—85754	
				$\Delta y_1=-0,088556$		
2	1,2	—0,184138	—857565	—85757	—85757	
	1,25	—0,227018	—834402	—83440	—166880	
	1,25	—0,225858	—834037	—83404	—166807	
	1,3	—0,267542	—814053	—81405	—81405	
				$\Delta y_2=-0,083475$		
3	1,3	—0,267613				

2) (23) ва (25) формулалардан фойдаланамиз. Оралиқ натижалар қуйидаги жадвалга киритиб борилади. Бошланғич кесма маълумотлари остидан синиқ чизиқ ўтказилган, интерполяция бўйича топилган қийматлар рамкалар ичига ёзилган; $y_j=y_{j-1}+$ $+\Delta y_{j-1}$, бунда Δy қиймати (23) ва (25) бўйича топилади:

7-мисолга $\times 10^{-6}$ $h=0,1$ **Адамс усули**

i	x_j	y_j	Δy	η 0,1f	$\Delta\eta$	$\Delta^2\eta$	$\Delta^3\eta$
0	1	0	—95582	—100000	8330	—2416	850
1	1,1	—95582	—88556	—91670	5914	—1566	468
2	1,2	—184138	—83475	—85756	4348	—1098	261
3	1,3	—267613	—79570	—81408	3250	—837	161
4	1,4	—347183	—76815	—78158	2413	—676	95
4	1,4	—347185					
5	1,5	—423998	—74789	—75745	1737	—581	46
5	1,5	—425816					
6	1,6	—498787	—73361	—74008	1156	—535	9
6	1,6	—498969					
7	1,7	—572148	—72480	—72852	621	—526	—34
7	1,7	—572164					
8	1,8	—644628	—72126	—72230	95	—560	

i	x_i	y_i	Δy	$\eta=0,1f$	$\Delta\eta$	$\Delta^2\eta$	$\Delta^3\eta$
8	1,8	—644645					
9	1,9	—716754	—72304	—72136	—465		
9	1,9	—716786					
10	2	—789058		—72601			
10	2	—789106					

Жавоб:

x	1	1,1	1,2	1,3	1,4	1,5
$y(x)$	0	—0,09558	—0,18414	—0,26761	—0,34718	—0,42400

1,6	1,7	1,8	1,9	2
—0,49880	—0,57215	—0,64463	—0,71676	—0,78906

Милн усулининг моҳияти изланаётган $y(x)$ ечим қийматини олдин тақрибий баҳолаш (прогноз), сўнг бу қийматни тузатишдан (коррекция қилишдан) иборат. Ҳисоблашлар жараёнида $y' = f(x, y)$, $y(x_0) = y_0$ бошланғич масала $y(x)$ хусусий ечимининг y_{j-4}, y_{j-3}, y_{j-2}, y_{j-1} қийматлар бўйича y_j қийматни топиш талаб қилинади. Бунинг учун: 1) y_0, y_1, y_2, y_3 қийматлар (бошланғич кесма) аниқланади, бунда y_0 берилган, y_1, y_2, y_3 лар Рунге — Кутта ёки бирор бошқа бир қадамли усул билан топилиши керак; 2) y нинг 1-яқинлашиши ушбу

$$y_j = y_{j-4} + \frac{4h}{3}(2y'_{j-3} - y'_{j-2} + 2y'_{j-1}) \tag{26}$$

(олдиндан айтиш) формуласи бўйича топилади:

$$y_4^{[1]} = y_0 + \frac{4h}{3}(2y'_1 - y'_2 + 2y'_3);$$

3) $y'_j = f(x_j, y_j^{[1]})$ муносабат бўйича $(y_4^{[1]})' = f(x_4, y_4^{[1]})$ ҳисобланади;

4) y_i нинг 2-яқинлашиши

$$y_j = y_{j-2} + \frac{h}{3}(y'_{j-2} + 4y'_{j-1} + y'_j) \tag{27}$$

коррекция формуласи бўйича топилади:

$$y_4^{[2]} = y_2 + \frac{h}{3}(y'_2 + 4y'_3 + (y_4^{[4]})');$$

5) $y_4^{[2]}$ тақрибий қиймат хатоси ҳисобланади:

$$\varepsilon_4 = \frac{1}{29}\left|y_4^{[2]} - y_4^{[1]}\right|.$$

Агар бунда ε қиймати тайинланган чегарадан ортиқ бўлса, y_4 кичрайтирилган h қадам билан такрор ҳисобланади; 6) энди $y_5^{[1]}$ яқинлашиш, сўнг $y_5^{[2]}$ яқинлашиш ва ε_5 аниқланади ва ҳоказо.

8-мисол. Милн усули қўлланилиб, $x' = 2x + 5z$, $y' = -(1 - \sin t)x - y + 3z$, $z' = -x + 2z$ дифференциал тенгламалар системасининг $x(0) = x_0 = 2$, $y(0) = y_0 = 1$, $z(0) = z_0 = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимининг $0 \leqslant t \leqslant 0{,}5$ оралиқдаги қийматлари $h \leqslant \Delta t \leqslant 0{,}1$ қадам билан топилсин.

Ечиш. 1) Бошланғич кесмани Рунге — Кутта усули билан топамиз (асосий жадвал); 2) $j = 0,\ 1,\ 2,\ 3$ учун топилган қийматлар $\vec{A}$ вектор координаталарини ташкил этсин:

$$\vec{A} = \begin{bmatrix} x \\ y \\ z \end{bmatrix}.$$

Бу қийматларни берилган системага қўйиб, $\vec{A}' = \begin{bmatrix} x' \\ y' \\ z' \end{bmatrix}$ қийматларни аниқлаймиз; 3) y' тенглама қийматларини ҳисоблаш учун алоҳида 2-ёрдамчи жадвал тузамиз. Жадвалнинг $j = 1,\ 2,\ 3$-сатрларини тўлдирамиз; 4) 1-ёрдамчи жадвалнинг $j = 4$ устунларининг $2\vec{A}'_{j-3}$ дан $\vec{A}_{j\mathrm{I}}$ гача турган еттита сатр катакларини тўлдирамиз. Бунда $\vec{A}_{j\mathrm{I}} = \vec{A}_{j-4} + \frac{0{,}4}{3}(2\vec{A}'_{j-3} - \vec{A}'_{j-2} + 2\vec{A}'_{j-1})$; 5) $j = 4$ устунларининг қолган катакларини тўлдирамиз, бунда $\vec{A}_{j\mathrm{II}} = \vec{A}_{j-2} + \frac{0{,}1}{3}(\vec{A}'_{j-2} + 4\vec{A}'_{j-1} + \vec{A}'_{j\mathrm{I}})$. Топилган $\vec{A}_{j\mathrm{I}}$, яъни $x_4 = 2{,}23152$, $y_4 = 1{,}07268$, $z_4 = 0{,}92106$ ва $\vec{A}_{j\mathrm{II}}$ ($x_4 = 2{,}23153$, $y_4 = 1{,}07270$, $z_4 = 0{,}92106$ қийматларни асосий жадвалга ўтказамиз; 6) берилган тенгламага x_4, y_4, z_4 ни қўйиб, x_4', y_4' (2-ёрдамчи жадвалнинг) $j = 4$ сатри) ва z_4' ни топамиз ва уларни асосий жадвалга киритамиз; 7) ҳисоблашларни $j = 5$ га нисбатан 4), 5), 6) бандларда кўрсатилган тартибда бажарамиз; 8) $\varepsilon = \left|\frac{\vec{A}_{\rm I} - \vec{A}_{\rm II}}{29}\right|$ текшириш формуласи ёрдамида коррекциядан кейинги хато катталигини баҳолаймиз (асосий жадвал).

8-мисолга **Асосий жадвал** (3) — (6) **устунлар** $\times 10^{-5}$

i	t	$\vec{A}_{\rm I}$	$\vec{A}'_{\rm I}$	$\vec{A} = \vec{A}_{\rm II}$	$\vec{A}' = \vec{A}'_{\rm II}$	$\varepsilon = \left\|\frac{\vec{A}_{\rm I} - \vec{A}_{\rm II}}{29}\right\|$
(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)
0	0			$x_0 = 200000$ $y_0 = 100000$ $z_0 = 100000$	100000 0 0	
1	0,1			$x_1 = 208984$ $y_1 = 100497$ $z_1 = 99500$	79532 9882 —9984	
2	0,2			$x_2 = 215880$ $y_2 = 101953$ $z_2 = 98006$	58270 19074 —19868	
3	0,3			$x_3 = 220619$ $y_3 = 104266$ $z_3 = 95533$	36424 26911 —28553	
4	0,4	223152 107268 92106	14226 32798 —38940	$x_4 = 223153$ $y_4 = 107270$ $z_4 = 92106$	14224 32795 —38941	0 0 0
5	0,5	223458 110740 87758	—8126 36209 —47942	$x_5 = 223459$ $y_5 = 110742$ $z_5 = 87758$		0 0 0

8-мисолга **1-ёрдамчи жадвал** (2)—(7) **устунларни** $\times 10^{-5}$

α	$j=4$			$j=5$		
	$\alpha x'$	$\alpha y'$	$\alpha z'$	$\alpha x'$	$\alpha y'$	$\alpha z'$
(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)
$2\vec{A}_{j-3}$	159064	19764	—19968	116540	38148	—39736
$-\vec{A}_{j-2}$	—58277	—19074	19868	—36427	—26911	29553
$2\vec{A}_{j-1}$	72854	53822	—59106	28448	76827	—88063

(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)
Σ_I	173648	54512	—59206	108561	88064	—98246
$\frac{0,4i}{3}\Sigma_I$	23152	7268	—7894	14474	10243	67647
$\vec{A}_{j-4}$	200000	100000	100000	208984	100497	99500
$\vec{A}_{jI}$	223152	107268	92106	223458	110740	86401
$\vec{A}_{j-2}$	58270	19074	—19868	36427	26911	—29553
$4\vec{A}'_{j-1}$	145708	107644	—118213	56896	131180	—155760
$\vec{A}'_{jI}$	14226	32798	—38940	—8126	36209	—47942
Σ_{II}	218204	159516	—177020	85197	194300	—233255
$\frac{0,1}{3}\Sigma_{II}$	7273	5317	—5900	2840	6476	—7775
$\vec{A}_{j-2}$	215880	101953	98006	220619	104266	95533
$\vec{A}_{jII}$	223153	107270	92106	223459	110742	87758

8-мисолга **2- ёрдамчи жадвал** $\sin t \approx t - t^3/6 + t^5/120$

i	t	$t^3/6$	$t^5/120$	$\sin t$	$1-\sin t$	$(1-\sin t)\,x$	y'
1	0,1	0,000167	0,000000	0,099833	0,90017	1,88120	0,09882
2	0,2	0,001333	0,000003	0,198669	0,80133	1,72992	0,19074
3	0,3	0,0045	0,000020	0,295520	0,70448	1,55422	0,26911
4	0,4	0,010667	0,000085	0,389418	0,61058	1,36252	0,32798
5	0,5	0,020833	0,000260	0,479427	0,52057	1,16326	0,36209

Адамс — Штермер усули. Бу усул $y'' = f(x, y, y')$ кўринишдаги тенглама билан берилган бошланғич масалани ечишда қўлланилади. Бунинг учун олдин тенглама $y' = z$ алмаштириш орқали $\begin{cases} y' = z, \\ z' = f(x, y, z) \end{cases}$ система кўринишига келтирилади. Сўнг тенгламалардан биринчиси Адамс экстраполяция формуласи, иккинчиси эса Штермер формуласи қўлланилиб ечилади:

$$z_{n+1}' = z_n + h\left[f_n + \frac{1}{2}\nabla f_n + \frac{5}{12}\nabla^2 f_n + \right.$$
$$\left. + \frac{3}{8}\nabla^3 f_n + \frac{25}{720}\nabla^4 f_n\right]$$

(Адамс экстраполяцион формуласи),

$$y_{n+1} = 2y_n - y_{n-1} + h^2 \left[f_n + \frac{1}{12} \nabla^2 f_n + \right.$$

$$\left. + \frac{1}{12} \nabla^3 f_n + \frac{19}{240} \nabla^4 f_n \right]$$

(Штермер формуласи).

Тўрлар усули. Бирор $D = [a, b]$ ораликда берилган оддий дифференциал тенглама ёки дифференциал тенгламалар системасини ва шу ораликнинг учларидан бирига қўйилган қўшимча шартни (Коши масаласини) қаноатлантирувчи $u(x)$ функцияни топиш талаб қилинсин. Биз бу масалани L дифференциал оператор ёрдамида қуйидаги символик тенглик кўринишида ёзамиз:

$$Lu = f, \tag{28}$$

бунда f — берилган ўнг қисм. Қўйилаётган масалани ечишда кўпинча тўрлар усули (айирмали усул) қўлланилади. $[a, b]$ оралиқдаги тўр деб, шу оралиқда кетма-кет олинган нуқталарнинг (тугунларнинг) ихтиёрий чекли тўпламига айтилади. Шундай қилиб, тўрда ушбу шарт бажарилган бўлади:

$$a = x_0 < x_1 < x_2 < \ldots < x_{N-1} < x_N = b.$$

Тугунлар орасидаги масофага тўр қадами дейилади. Барча қадамлар тенг бўлган ҳолда текис (текис тақсимланган) тўрга, акс ҳолда текис тақсимланмаган тўрга эга бўламиз. Максимал қадамни h орқали белгилайлик. Бу ҳолда тўрни D_h орқали белгилаймиз. Тўр тугунларида аниқланган $f(x)$ функцияга тўр функцияси дейилади.

Қаралаётган $[a, b]$ оралиқда аниқланган, узлуксиз ва етарлича силлиқликка эга бўлган бирор $u(x)$ функция ҳосилаларини тақрибий ҳисоблаш масаласи устида тўхталамиз. Ушбу

чап ўнг

$$u_{\bar{x},i} = (u_i - u_{i-1})/h, \quad u_{x,i} = (u_{i+1} - u_i)/h,$$

$$u_{\mathring{x},i} = (u_{i+1} - u_{i-1})/(2h), \; u_i = u(x_i)$$

айирмали нисбатларга мос тартибда $u(x)$ функциянинг $x = x_i$ нуқтадаги чап, ўнг ва марказий айирмали ҳосилалари дейилади. Дифференциал ифодани айирмали ифода билан алмаштиришда вужудга келадиган хатони топиш у қадар қийин эмас. Жумладан, $x = x_i$ нуқтага нисбатан чап айирмали ҳосилани

$$u_{\bar{x},i} = \frac{u(x) - u(x-h)}{h}$$

кўринишида ёзсак, Тейлор формуласи ёрдамида қуйидагига эга бўламиз:

$$u(x-h) = u(x) - hu'(x) + \frac{h^2}{2} u''(\xi), \quad \xi \in (x-h, \ x),$$

бундан

$$u_{\bar{x},i} = u'(x_i) - \frac{h}{2} u''(\xi_i).$$

Бунга қараганда аппроксимация хатоси $u_{\bar{x},i} - u'(x_i) = O(h)$ дан ёки $h \to 0$ даги $O(h)$ катталикдан иборат, яъни биз h га нисбатан биринчи тартибли аппроксимацияга эга бўламиз. Шу каби қолган айирмали нисбатлар учун қуйидагилар ўринли:

$$u_{x,i} = u'(x_i) + \frac{h}{2} u''(\xi_i^{(1)}), \quad \text{ёки} \quad u_{x,i} = u_i' + O(h).$$

$$\text{бунда } \xi_i^{(1)} \in (x_i, \ x_{i+1}),$$

$$u_{\overset{\circ}{x},i} = u'(x_i) + \frac{h^2}{6} u'''(\xi_i^{(2)}), \quad \text{ёки} \quad u_{\overset{\circ}{x},i} = u_i' + O(h^2),$$

$$\text{бунда } \xi_i^{(2)} \in (x_{i-1}, \ x_{i+1}).$$

$x_i \in D_h$ нуқтада $u''(x)$ иккинчи тартибли ҳосилани

$$u_{\bar{x}x,i} = \frac{1}{h}(u_{x,i} - u_{\bar{x},i}) = \frac{u_{i+1} - 2u_i + u_{i-1}}{h^2}$$

иккинчи айирмали ҳосила орқали тақрибий алмаштириш мумкин. Тейлор формуласининг ёйилмаси бу алмаштириш хатоси учун қуйидаги ифодани беради:

$$u_{\bar{x}x,i} - u''(x_i) = \frac{h^2}{12} u^{\mathrm{IV}}(\xi_i).$$

яъни иккинчи тартибли аппроксимация ўринли. Ҳақиқатан,

$$u_{i+1} = u(x_i + h) = u(x_i) + hu'(x_i) + \frac{h^2}{2} u''(x_i) + \frac{h^3}{6} u'''(x_i) +$$

$$+ \frac{h^4}{24} u^{\mathrm{IV}}(x_i) + \frac{h^5}{120} u^{\mathrm{V}}(x_i) + \frac{h^6}{720} u^{\mathrm{VI}}(x_i) + \ldots,$$

$$u_{i-1} = u(x_i - h) = u(x_i) - hu'(x_i) + \frac{h^2}{2} u''(x_i) -$$

$$-\frac{h^3}{2}u'''(x_i)+\frac{h^4}{24}u^{\mathrm{IV}}(x_i)-\frac{h^5}{120}u^{\mathrm{V}}(x_i)+\frac{h^6}{720}u^{\mathrm{VI}}(x_i)-\ldots,$$

$$2u_1=-2u(x_i),$$

$$u_{i+1}+u_{i-1}-2u_i=h^2u''(x)+\frac{h^4}{12}u^{\mathrm{IV}}(x)+\frac{h^6}{120}u^{\mathrm{VI}}(x)+\ldots$$

ёки бундан:

$$u_{\bar{x}x,i}=u''(x_i)=\frac{h^2}{12}u^{\mathrm{IV}}(x)+0(h^4).$$

Энди (қаранг: (14), 260-бет) ўзгарувчан $k(x)$ коэффициентли

$$Lu=\frac{d}{dx}\left(k(x)\frac{du}{dx}\right) \tag{29}$$

дифференциал ифодани ушбу

$$L_hu=(au_{\bar{x}})_{x,i}=\frac{1}{h}\left(a_{i+1}\frac{u_{i+1}-u_i}{h}-a_i\frac{u_i-u_{i-1}}{h}\right) \tag{30}$$

айирмали нисбат билан алмаштириш устида тўхталамиз, бунда $a=a(x)$ функция D_h тўрда аниқланган. Қандай шартларда $(au_{\bar{x}})_{x,i}$ нисбат x_i нуқтада $(ku')'$ дифференциал ифодани h бўйича иккинчи тартиб билан аппроксимация қилишини билиш мақсадида ушбу

$$u_{x,i}=\frac{u_{i+1}-u_i}{h}=u_i'+\frac{h}{2}u_i''+\frac{h^2}{6}u_i'''+0(h^3),$$

$$u_{\bar{x},i}=\frac{u_i-u_{i-1}}{h}=u_i'-\frac{h}{2}u_i''+\frac{h^2}{6}u_i'''+0(h^3)$$

ёйилмаларни (30) муносабатга қўямиз $(u_i'=u'(x_i))$. Натижада:

$$L_hu=\frac{a_{i+1}-a_i}{h}u_i'+\frac{a_{i+1}+a_i}{2}u_i''+$$

$$+\frac{h(a_{i+1}-a_i)}{6}u_i'''+0(h^2).$$

Иккинчи томондан:

$$Lu=(ku')'=ku''+k'u'.$$

У ҳолда:

$$L_hu-Lu=\left(\frac{a_{i+1}-a_i}{h}-k_i'\right)u_i'-\left(\frac{a_{i+1}-a_i}{h}-k_i\right)u_i''-$$

$$-\frac{h(a_{i+1}-a_i)}{6}u'''-0(h^2).$$

Бунга қараганда $L_h u - Lu = 0(h^2)$ бўлиши учун ушбу

$$\frac{a_{i+1}-a_i}{h}=k'(x_i)-0(h^2),\quad \frac{a_{i+1}+a_i}{2}=k_i+0(h^2) \quad (31)$$

шартларнинг бажарилиши етарли. Уларнинг чиқарилишида биз $u^{IV}(x)$ ҳосила узлуксиз ва $k(x)$ эса дифференциалланувчи функция деб фараз қилдик.

9-мисол. $a_i=\frac{k(x_i)+k(x_{i+1})}{2}$ функция учун (30) айирмали нисбат (29) дифференциал ифодани иккинчи тартиб билан аппроксимация қилишини кўрсатамиз.

Бунинг учун берилган a_i да (31) шартларнинг бажарилишини билиш етарли. Қуйидагиларга эга бўламиз:

$$L_h u - Lu=\left[\frac{(k_i+k_{i+1})-(k_i+k_{i-1})}{2h}u_i'+\right.$$

$$+\frac{(k_i+k_{i+1})-(k_i+k_{i-1})}{4}u_i''+$$

$$\left.-\frac{(h(k_i+k_{i+1}-k_i-k_{i-1})}{12}u_i'''-0(h^2)\right]-(k_i u_i''+k_i' u_i')=$$

$$=\left(\frac{k_{i+1}-k_{i-1}}{2h}-k_i'\right)u_i'+\left(\frac{k_{i+1}+2k_i+k_{i-1}}{4}-k_i\right)u_i''+$$

$$+\frac{h(k_{i+1}-k_{i-1})}{12}u_i^{IV}+0(h^2).$$

Иккинчи тартибли аппроксимацияга эга бўлишимиз учун

$$\frac{k_{i+1}-k_{i-1}}{2h}=k_i'+0(h^2)$$

ва

$$\frac{k_{i+1}+2k_i+k_{i-1}}{4}=k_i+0(h^2)$$

бўлиши керак. Бу муносабатлардан биринчисининг ўринли экани юқорида (139-бет) кўрсатилган эди. Иккинчиси учун қуйидагиларни оламиз:

$$\frac{k_{i+1}+2k_i+k_{i-1}}{4}=\frac{k_i+hk_i'+\frac{h^2}{2}k''(\xi_i)+2k_i+k_i-hk_i'+\frac{h^2}{2}k''(\xi_i)}{4}=$$

$$=k_i+0(h^2).$$

10-мисол. Ушбу

$$\left| \begin{array}{l} u''(x) + \lambda u(x) = 0, \ x \in [a, b], \ (x)\ \lambda_k = \left(\dfrac{\pi k}{b-a}\right)^2, \\ u(a) = 0, \ u'(a) = \dfrac{\pi k}{b-a}, \quad k = 1, 2, \ldots \end{array} \right. \qquad (32)$$

дифференциал масала $D_h = \{x_i = a + ih, \quad i = \overline{0, N}\}$ текис тўрда

$$\left| \begin{array}{l} \dfrac{y_{j-1} - 2y_j + y_{j+1}}{x^2} + \lambda^{(h)} y_j = 0, \ j = 1, 2, \ldots, N-1, \\ y_0 = 0, \ y_1 = \dfrac{\pi kh}{b-a}, \ hN = b - a, \ y_j = y(x_j), \ x_j = a + jh \end{array} \right. \qquad (33)$$

айирмали схема билан аппроксимацияланган. Кўрсатилган дифференциал ва айирмали масалаларнинг хос қийматлари бўйича ечимлари топилсин ва аппроксимация хатоси баҳолансин.

Ечиш: 1) Берилган (32) тенгламада λ ни доимий фараз қилайлик. $u = e^{rx}$ алмаштириш киритсак, $r^2 + \lambda r = 0$ характеристик тенглама ҳосил бўлади. Унинг дискриминанти манфий. Маълум алмаштиришлардан сўнг, бошланғич масаланинг ечими олинади:

$$u = \sin\left(\frac{\pi k}{b-a}(x-a)\right) \text{ ёки } u_k = \sin\frac{\pi k(x-a)}{b-a},$$

$$k = 1, 2, \ldots, N-1.$$

2) (33) тенгламалар системасини

$$-1 \cdot y_{j-1} + 2 \cdot y_j - 1 \cdot y_{j+1} = \lambda^{(h)} h^2 y_j$$

кўринишга келтирайлик, ёки

$$Ay = \lambda^{(h)} y,$$

бунда A $N-1$-тартибли симметрик матрица:

$$A = \begin{bmatrix} 2 & -1 & 0 & 0 & \ldots & 0 & 0 & 0 \\ -1 & 2 & -1 & 0 & \ldots & 0 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & 1 & -1 & \ldots & 0 & 0 & 0 \\ \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots \\ 0 & 0 & 0 & 0 & \ldots & -1 & 2 & -1 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & \ldots & 0 & -1 & 2 \end{bmatrix}$$

A матрица $N-1$ та $\lambda_k^{(h)}$, $k = \overline{1, N-1}$ ҳақиқий хос қийматга эга. Уларни топиш мақсадида (33) айирмали тенгламани

$$y_{j-1}-(2-\mu)y_j+y_{j+1}=0,\ \mu=h^2\lambda^{(h)} \qquad (34)$$

кўринишида қайтадан ёзамиз ва унга мос

$$q^2-(2-\mu)q+1=0$$

характеристик тенгламани ечамиз. Бу тенгламанинг дискриминанти манфий. Унинг илдизлари:

$$q_{1,2}=\left(1-\frac{\mu}{2}\right)\pm\sqrt{\left(1-\frac{\mu}{2}\right)^2-1},$$

$$1-\frac{\mu}{2}=1-\frac{1}{2}\left(\frac{\pi kh}{b-a}\right)^2<1,$$

Бу қўшма комплекс сонларнинг модули ва аргументини топайлик:

$$\rho=\sqrt{\left(1-\frac{\mu}{2}\right)^2+\left(\sqrt{1-\left(1-\frac{\mu}{2}\right)^2}\right)^2}=1,$$

$$\operatorname{tg}\varphi=\frac{\sqrt{1-\left(1-\frac{\mu}{2}\right)^2}}{1-\frac{\mu}{2}}.$$

Кейинги тенгликка ва масаланинг шартларига қараганда

$$\cos\varphi=1-0,5\ \mu,$$

бундан

$$\mu=2(1-\cos\varphi)=4\sin^2\frac{\varphi}{2}=4\sin^2\frac{\pi k}{2N},\ k=\overline{1,\ N-1}$$

ва (33) масаланинг хос сонлари учун қуйидаги ифодани оламиз:

$$\lambda_k^{(h)}=\frac{2}{h^2}\ \sin^2\frac{\pi k}{2N},\quad k=1,2,\ \ldots,\ N-1,\ hN=b-a.$$

(34) тенгламанинг умумий ечими ушбу

$$y_i=C_1q_1^j+C_2q_2^j$$

кўринишда изланади, унда $C_1=-C_2$ бўлишини аниқлаш қийин эмас. Умумий ечим изланаётган y_j хос функцияларни беради:

$$y_j=C_1(q_1^j-q_2^j)=C_1(\cos\varphi+i\sin\varphi-\cos\varphi+i\sin\varphi)=$$
$$=C_1\cdot 2i\sin\varphi,$$

$=-0{,}5\,i$ деб қўйилса, энг охири қуйидаги олинади:

$$y_j = \sin\varphi = \sin\frac{\pi k i}{N},\ k,\ j=1,2,\ \ldots,\ N-1.$$

хос функциялар j га боғлиқ бўлмаган ихтиёрий доимийгача аниқликда топилганини кўрамиз.

МАШҚЛАР

1—8-машқларда бошланғич масалалар келтирилган. Уларнинг ечими кетма-кет дифференциаллаш ва аниқмас коэффициентлар усуллари қўлланилиб, даражали қатор кўринишида топилсин:

1. $y' = y^2 + x^2$, $y(0) = 0{,}5$. Ечим 0,001 гача аниқликка эга бўлиши учун изланаётган қатор нечта ҳади билан олиниши керак? $y(0{,}2)$ ҳисоблансин.

2. $y'' + yy' - 2 = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 0$; $y(x)$ ечимни ифодаловчи қаторнинг дастлабки тўрт ҳади топилсин; $y(0{,}5)$ қиймат ва $\int\limits_0^x y(x)\,dx$ интеграл 0,001 гача аниқлик билан топилсин.

3. $y'' = yy' - x^2$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 1$; ечим дастлабки олтита ҳади билан даражали қатор кўринишида топилсин.

4. $y'' + y' + x^2 y = \frac{x}{1-x}$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$ $(0 \leqslant x \leqslant 0{,}2$, $h = 0{,}05$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-4})$.

5. $y'' - xy' - 2y = e^{-x^2}$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 0{,}5$; $y(x)$ ва $y'(x)$ нинг $0 \leqslant x \leqslant 0{,}15$ оралиқдаги қийматлари $h = 0{,}05$ қадам билан 0,00001 аниқликда топилсин.

6. $xy'' + 2y' + xy = 0$, $y(0) = 1$, $y'(0)=0$, $(0 \leqslant x \leqslant 0{,}2$ $h = 0{,}05$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-4})$.

7. $\begin{cases} y' = xy + z \\ z' = y - z \end{cases}$, $y(0) = 0$, $z(0) = 1$ $(0 \leqslant x \leqslant 0{,}2$, $h = 0{,}05$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-4})$.

8. $\begin{cases} y' = x + z^2 \\ z' = yx \end{cases}$, $y(0) = 1$, $z(0) = -1$ $(0 \leqslant x \leqslant 0{,}2$, $h = 0{,}05$, $\varepsilon = 1\cdot 10^{-4})$.

9—14-машқларда итерация усули қўлланилиб, кўрсатилган бошланғич масалалар ечими учун бошланғич иккиуч яқинлашиш топилсин:

9. $y' = y^2 + x^2$, $y(0) = 0$. **10.** $y' = y^2 + xy + x^2$, $y(0) = 1$. **11.** $y' = xy + \sqrt{x}$, $y(0) = 0$.

12. $y' = y\sin x + x$, $y(0) = 0$. **13.** $y' = xy^3 - 1$, $y(0) = 0$; $y(1)$ нинг қиймати $1\cdot 10^{-2}$ гача аниқликда топилсин.

14. $y' = y + x$, $y(0) = 1$; $y(1)$ учун бошланғич бешта яқинлашиши топилсин ва уларнинг аниқлиги баҳолансин.

15 — 24-машқларда Рунге — Кутта усулларидан бири қўлланилиб, бошланғич шартлар билан берилган дифференциал тенгламалар ва дифференциал тенгламалар системалари ечимининг $[a, b]$ оралиқдаги қийматлар жадвали $h = 0,1$ қадам билан тузилсин:

15. $y' = 0,5xy$, $y(0) = 1$, $[0; 1]$. **16.** $y' = x^2 + y^2$, $y(0) = 0$, $[0; 1]$. **17.** $y' = 1 + xy^2$, $y(0) = 0$, $[0; 1]$. **18.** $y' = \frac{y}{x+1} - y^2$, $y(0) = 1$, $[0; 1]$. **19.** $y' = x^2 - y^2$, $y(0) = 0$, $[0; 1]$. **20.** $y' = x + \sqrt{y}$, $y(0,5) = 0,7240$, $[0,5; 1,5]$. **21.** $y' = e^x - y^2$, $y(0) = 0$, $[0; 0,4]$. **22.** $y' = x \ln y - y \ln x$, $y(1) = 1$, $[1; 1,6]$.

23. $\begin{cases} y' = -xz, \ y(0) = 0, \ z(0) = 1, \\ z' = \frac{y}{x}, \ [0; 1]. \end{cases}$

24. $\begin{cases} y' = (z - y)x, \\ z' = (z + y)x, \end{cases}$ $y(0) = z(0) = 1$, $[0; 1]$.

24 — 32-машқларда Адамс усули қўлланилиб, дифференциал тенгламалар ва системаларнинг $[x_0, x_n]$ оралиқдаги ечим қийматлари жадвали $1 \cdot 10^{-4}$ аниқлик билан тузилсин. Бошланғич кесмани топишда Рунге — Кутта усулидан фойдаланилсин:

24. $y' = 2x - y$, $y(0) = 1$, $[0; 0,5]$, $h = 0,05$.

25. $y' = -(x + 2y)$, $y(0) = 1$, $[0; 1]$, $h = 0,1$.

26. $y' = 2y^2 - 3$, $y(0) = 1$, $[0; 0,5]$, $h = 0,05$.

27. $\begin{cases} y' = -2x + y, \\ z' = x + 2y - 3z, \end{cases}$ $y(0) = 2$, $z(0) = -2$, $[0;05]$, $h = 0,05$.

28. $y' = (xy^2 - 1)y$, $y(0) = 1$, $h = 0,1$.

29. $y' = y_2 e^x + 2y$, $y(0) = 1$, $[0]$ 1, $h = 0,1$.

30. $y' = \frac{1}{y^2 - x^2}$, $y(1) = 0$, $[1; 2]$, $h = 0,1$.

31. $y' = \frac{\sin bt}{a^2 + y^2}$, $a = 1{,}0 + 0{,}2n$, $b = 1{,}0 + 0{,}3k$,
$n, k = 0,\ 1,\ 2,\ 3,\ 4,\ 5$.

32. $\begin{cases} x' = \ln\left(b + \sqrt{a^2t^2 + y^2}\right), \\ y' = \sqrt{a^2t^2 + x^2} \end{cases}$ $x(0) = 1$, $y(0) = 0{,}5$,
$a = 2{,}0 + 0{,}5n$,
$n = \overline{0;3}$, $b = 2{,}0 + 0{,}5k$,
$k = \overline{0;5}$, $h = 0{,}1$.

33 — 34-машқларда Милн усули қўлланилиб, дифференциал тенгламаларнинг $[a, b]$ оралиқдаги ечимлари 10^{-4} гача аниқлик билан топилсин:

33. $y' = -y\left(\frac{1}{2x} + \frac{2y}{\alpha}\right)\ln x$, $y(1) = 1$, $[1;\ 3]$, $\alpha = 0{,}5 + 0{,}25k$, $k = \overline{0;\ 20}$.

34. $y = \frac{1}{\alpha \sin x} - y\ \mathrm{tg}\, x$, $y(0) = 1$, $\alpha = 0{,}4 + 0{,}02k$,
$k = \overline{0,\ 20}$, $[0;\ 1]$,

35. Ўзгарувчан $k(x)$ коэффициентли

$$\begin{cases} k(x)\,u''(x) + k'(x)\,u'(x) = f(x), & 0 \leqslant x \leqslant 1, \\ u(0) = 1, \\ u'(0) = 2 \end{cases}$$

дифференциал масала ушбу

$$\frac{1}{h}\left(a_{j+1}\frac{y_{j+1} - y_j}{h} - a_j\frac{y_j - y_{j-1}}{h}\right) = f(x_j),\quad j = \overline{1;\ N-1},$$

$$y_0 = 1,\ D_h = \{x_j = jh,\ j = 0,\ \pm 1,\ \pm 2,\ \ldots\},$$

$$\frac{y_1 - y_0}{h} = 2,\ h = 1/N,\ a_j = k(x_j - 0{,}5h)$$

айирмали масала билан аппроксимация қилинган. Аппроксимация тартибини аниқланг.

36. 35-масала $a_j = \sqrt{k(x_j)\,k(x_{j-1})}$ функция учун ечилсин.

37. Ушбу

$$\begin{cases} u'(x) + 2u = 0, & x \in [0;\ 1], \\ u(0) = 1 \end{cases}$$

дифференциал масаланинг $[u]_h$ аниқ ва уни аппроксимацияловчи

$$\begin{cases} \frac{y_{j+1} - y_{j-1}}{2h} + 2y_j = 0, & j = \overline{1;\ N-1},\ h = 1/N, \\ y_0 = 1,\ y_1 = 1 - 2h \end{cases}$$

айирмали масаланинг $y^{(h)}$ ечими топилсин ва шу ечимлар бўйича $\| [u]_h - y^{(h)} \|_{U_h}$ баҳолансин, бунда $\| \cdot \| = \max (|u_i - y_i|)$.

8- ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1- топшириқ: Ушбу $y' = \dfrac{\alpha}{x^2 + y^2 + \beta}$, $y(0) = 0$ бошланғич масала хусусий ечимининг $[0;\ 0{,}5]$ оралиқдаги қийматлари $h = 0{,}1$ қадам билан $1 \cdot 10^{-5}$ аниқликда топилсин:

1- жадвал

Вариант №	α	β	Вариант №	α	β	Вариант №	α	β
1	1,0	2,6	9	1,8	1,4	17	2,6	1,8
2	1,4	2,2	10	1,4	1,0	18	2,2	1,4
3	1,8	2,6	11	1,0	2,4	19	1,8	1,0
4	2,2	1,0	12	1,4	1,8	20	1,4	3,0
5	2,6	3,0	13	1,8	3,0	21	1,5	2,8
6	3,0	2,6	14	2,2	2,6	22	2,7	1,4
7	2,6	2,2	15	2,6	1,4	23	2,0	1,8
8	2,2	1,8	16	3,0	2,2	24	2,4	2,0
						25	2,5	1,9

2- топшириқ: Ушбу

$$\begin{cases} y' = \cos(\mu y) + z, \\ z' = \sqrt{x^2 + \gamma z^2} + y \end{cases} \qquad y(0) = 1, \quad z(0) = 0{,}5$$

бошланғич масала хусусий ечимининг $[0;\ 0{,}3]$ оралиқдаги қийматлари $h = 0{,}1$ қадам билан топилсин ва уларнинг аниқлиги Рунге қоидаси бўйича баҳолансин:

2- жадвал

Вариант №	μ	γ	Вариант №	μ	γ	Вариант №	μ	γ
1	2,0	3,5	10	2,5	3,5	18	2,0	2,0
2	2,5	3,0	11	2,0	3,0	19	2,5	4,5
3	3,0	2,5	12	2,0	4,5	20	3,0	3,0
4	3,5	2,0	13	2,5	4,5	21	3,2	2,0
5	2,0	4,0	14	2,0	2,5	22	3,3	1,8
6	2,5	2,5	15	2,5	2,0	23	2,4	1,8
7	3,0	2,0	16	3,0	3,5	24	2,2	2,4
8	3,5	4,5	17.	3,5	3,0	25	2,4	3,0
9	3,0	4,0						

3-топшириқ: Қуйидаги бошланғич масалалар ечилсин ($h = 0,1$, $\varepsilon = 1 \cdot 10^{-5}$):

Вариант
№

1. $x^2y'' - 6y = 0$, $y(1) = 1$, $y'(1) = 0$, $[1;\ 2]$.
2. $x^2y'' - 12y = 0$, $y(2) = 11$, $y'(2) = 9{,}6$, $[2;\ 3]$.

3 — 8. $x^2y'' + xy' - y = mx^2$, $y(1) = 3$, $y'(1) = 1{,}8$, $[1;\ 1{,}5]$, $m = \overline{1;\ 6}$.

9 — 13. $xy'' + (x + k)y' + ly = 0$, $[1;\ 1{,}5]$:

Вар. №	k	l	$y(1)$	$y'(1)$
9	0	1	0,367879	0
10	0	—1	1	1
11	1	1	0,367879	—0,367879
12	2	1	1	—1
13	2	2	0,367879	—0,367879

14. $(x^2 + 1)y'' - 2xy' + 2y = 0$, $y(0) = -1$, $y'(0) = 1$, $[0;\ 0{,}5]$.
15. $x^3y'' - 2xy' + (x^2 + 2)y = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$, $[0;\ 0{,}5]$.
16. $x^2y'' - xy' + y = 3x^3$, $y(1) = 1{,}75$, $y'(1) = 4{,}25$ $[1;\ 1{,}5]$.
17. $y'' + \frac{1}{x}y - \frac{1}{x^2}y = 8x$, $y(1)$, $y'(1) = 0{,}8$, $[1;\ 1{,}5]$.
18. $y'' - 3y' = x^2 + 3x$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 0$, $[0;\ 1]$.
19. $xy'' + y' + xy = 0$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 0$, $[0;\ 0{,}5]$.
20. $x^2(x + 1)y'' - 2y = 0$, $y(1) = 2$, $y'(1) = -1$, $[1;\ 2]$.
21. $y'' + \frac{y'}{x} + y = 0$, $y(1) = 0{,}77$, $y'(1) = -0{,}44$, $[1;\ 1{,}7]$.
22. $y'' - 3y' + 2y = x^2 + 3x$, $y(0) = 6$, $y'(0) = 6$, $[0;\ 0{,}5]$.
23. $y'' - 3y' = x^2 + 3x$, $y(0) = 1$, $y'(0) = 3$, $[0;\ 05]$.
24. $y'' + y\,\mathrm{ch}\,x = 0$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$, $[0;\ 0{,}5]$.
25. $x'' + \frac{y'}{x} + y = 0$, $y(1) = 0{,}77$, $y'(1) = -0{,}44$, $[1;\ 1{,}5]$

9-боб. ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ

Икки нуқтали чегаравий масала. $[a, b]$ оралиқнинг ичида

$$F(x, u, u', \ldots, u^{(n)}) = 0 \tag{1}$$

тенгламани, оралиқнинг чекка нуқталарида

$$\varphi_i\,[u(a),\ u'(a),\ \ldots,\ u^{(n-1)}(a)] = 0,\ i = 1, 2, \ldots, N,$$

$$\psi_j\,[u(b),\ u'(b),\ \ldots,\ u^{(n-1)}(b)] = 0,\ j = N+1, N+2, \ldots, n \tag{2}$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u = u(x)$ функцияни топиш талаб қилинади. Агар (1) — (2) тенгламалар $u(x)$, $u'(x)$, $\ldots$, $u^{(n)}(x)$ ларга нисбатан чизиқли бўлса, биз чизиқли чегаравий масалага эга бўламиз. Кейинги мулоҳазаларда биз қисқалик учун асосан ушбу $n = 2$ бўлган ҳол билан чегараланамиз:

$$\begin{cases} u'' + p(x)\,u' + q(x)\,u = f(x), & (3) \\ \alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = A,\ \ \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = B, & (4) \end{cases}$$

бунда $p(x)$, $q(x)$, $f(x)$ функциялар берилган ва улар $[a, b]$ оралиқда узлуксиз, α_0, α_1, β_0, β_1, A, B — ўзгармас сонлар. $A = B = 0$ бўлган ҳолда (4) шартлар бир жинсли шартлар дейилади. Масала ягона $u(x)$ ечимга эга бўлиши ва $u(x)$ нинг етарлича юқори тартибли ҳосилалари мавжуд бўлиши учун $|\alpha_0| + |\alpha_1| \neq 0$, $|\beta_0| + |\beta_1| \neq 0$ шартларнинг бажарилиши зарурдир.

Чекли айирмалар усули. $[a, b]$ оралиқда олинган $x_0 = a$, $x_n = b$, $x_i = x_0 + ih$, $h = (a - b)/n$, $i = \overline{1; n-1}$ тугунларда (3) тенгламанинг коэффициентлари $p(x_i) = p_i$, $q(x_i) = q_i$, $f(x_i) = f_i$ қийматларни қабул қилсин. Агар u', u'' ҳосилалар мос равишда $\frac{y_{i+1} - y_i}{h}$, $\frac{y_{i+1} - 2y_i + y_{i-1}}{h^2}$ каби айирмали нисбатлар билан алмаштирилса, натижада (3), (4) ифодалар $n + 1$ номаълумли $n + 1$ та чизиқли алгебраик тенгламалар системасига келади:

$$\begin{cases} \dfrac{y_{i+1} - 2y_i + y_{i-1}}{h^2} + p_i\,\dfrac{y_{i+1} - y_i}{h} + q_i y_i = f_i, & i = \overline{1; n-1}, \\ \alpha_0 y_0 + \alpha_1 \dfrac{y_1 - y_0}{h} = A,\ \ \beta_0 y_1 + \beta_1 \dfrac{y_n - y_{n-1}}{h} = B. \end{cases} \tag{5}$$

Системани ечиб, $u(x_i) \approx y(x_i)$ қийматлар жадвалига эга бўламиз.

1-мисол. Чекли айирмалар усули қўлланилиб, ушбу

$$u'' - x^3 u' = 4, \ u(1) = 0, \ u(1{,}4) = 0{,}2492$$

чегаравий масала ечимининг $u(1,1)$, $u(1,2)$ ва $u(1,3)$ қийматлари топилсин.

Ечиш: u'', u' ҳосилаларни айирмали ҳосилалар билан алмаштириб, қуйидагиларни оламиз:

$$\frac{y_{i+1} - 2y_i + y_{i-1}}{h^2} - x_i^3 \frac{y_{i+1} - y_{i-1}}{2h} = 4,$$

ёки

$$2y_{i+1} - 4y_i + 2y_{i-1} - x_i^3 h y_{i+1} + x_i^3 h y_{i-1} = 8h^2,$$

ёки

$$(2 + x_i^3 h)\, y_{i-1} - 4y_i + (2 - x_i^3 h)\, y_{i+1} = 8h^2. \qquad (6)$$

Бизда $h = 0{,}1$. Уни ва $x_1 = 1{,}1$, $x_2 = 1{,}2$, $x_3 = 1{,}3$, $y_0 = 0$, $y_4 = 0{,}2492$ ларни (6) тенгламага қўйиб, ушбу системани тузамиз:

$$\begin{cases} (2 + 1,\ 1^3 \cdot 0{,}1)\, y_0 - 4y_1 + (2 - 1{,}1^3 \cdot 0{,}1)\, y_2 = 8 \cdot 0{,}1^2, \\ (2 + 1{,}2^3 \cdot 0{,}1)\, y_1 - 4y_2 + (2 - 1{,}2^3 \cdot 0{,}1)\, y_3 = 8 \cdot 0{,}1^2, \\ (2 + 1{,}3^3 \ 0{,}1)\, y_2 - 4y_3 + (2 - 1{,}3^3 \cdot 0{,}1)\, y_4 = 8 \cdot 0{,}1^2. \end{cases}$$

Системани ечиб, $y_1 = -0{,}0093$, $y_2 = 0{,}0216$, $y_3 = 0{,}1029$ ларни топамиз. Улар $u(x)$ ечимнинг изланаётган қийматларини $1 \cdot 10^{-4}$ аниқликда ифодалайди.

Агар (3) масалада изланаётган $u = u(x)$ функциянинг етарлича силлиқликка эгалиги маълум бўлса, у ҳолда $u'(a)$ ҳосилани $\frac{-y_2+4y_1-3y_0}{2h}$ орқали, $u'(b)$ ни эса $\frac{3y_n - 4y_{n-1} + y_{n-2}}{2h}$ орқали алмаштириш аниқроқ натижа беради. Алмаштиришларда дифференциаллаш ва интеграллаш ҳисобининг формулаларига чекли айирмали аналоглар ҳам қўлланилади. Жумладан,

а) $(vw)' = v'w + vw'$ формуланинг аналоглари:

$$(PH)_{\bar{x},\, i} = P_i H_{\bar{x},\, i} + H_{i-1} P_{\bar{x},\, i}, \qquad (7)$$

$$(PH)_{x,\, i} = P_i H_{x,\, i} + P_{x,\, i} H_{i+1}, \qquad (8)$$

б) $\int_a^b v(x)\, w'(x)\, dx = \int_a^b w(x)\, v'(x)\, dx + v(b)\, w(b) - v(a)\, w(a)$

формуланинг аналоги:

$$(P, H_x) = -(H, P_{\bar{x}}) + P_N H_N - P_0 H_0. \tag{9}$$

n нинг катта қийматларида (5) системани ечиш оғирлашади. Бу ҳолда (3) — (4) чегаравий масалани ечишни иккита Коши масаласини ечишга келтириш маъқул. Ушбу отишув усулининг моҳияти ҳам шундан иборат.

Отишув усули. Берилган масалада $\alpha_0 \neq 0$ фараз қилинади ва ечим $u = Cv + w$ кўринишда изланади, бунда v ушбу

$$\begin{cases} v'' + p(x)v + q(x)v = 0, \\ v(a) = \alpha_1, \quad v'(a) = -\alpha_0. \end{cases} \tag{10}$$

Коши масаласининг ечими, w эса

$$\begin{cases} w'' + p(x)w' + q(x)w = f(x), \\ w(a) = \dfrac{A}{\alpha_0}, \quad w'(a) = 0 \end{cases} \tag{11}$$

Коши масаласининг ечимидан иборат. C доимий (4) чегаравий шартларга асосланиб ушбу формула бўйича топилади:

$$C = \frac{B - [\beta_0 w(b) + \beta_1 w'(b)]}{\beta_0 v(b) + \beta_1 v'(b)}. \tag{12}$$

(10) Коши масаласини ушбу айирмали масалага алмаштирамиз:

$$\begin{cases} \dfrac{v_{i-1} - 2v_i + v_{i+1}}{h^2} + p_i \dfrac{v_{i+1} - v_{i-1}}{2h} + q_i v_i = 0, \\ v_0 = \alpha_1, \quad \dfrac{-v_2 + 4v_1 - 3v_0}{2h} = -\alpha_0. \end{cases} \tag{13}$$

(13) системадан қуйидагиларни оламиз:

$$v_0 = \alpha_1, \quad v_1 = \frac{\alpha_1(1 + p_1 h) - \alpha_0 h\left(1 + \dfrac{p_1}{2} h\right)}{1 + p_1 h + \dfrac{q_1}{2} h^2},$$

$$v_{i+1} = \frac{(2 - q_i h^2) v_i - \left(1 - \dfrac{p_i}{2} h\right) v_{i-1}}{1 + \dfrac{p_i}{2} h}, \quad i = \overline{1, n-1},$$

$$v(b) = v_n, \quad v'(b) = \frac{3v_n - 4v_{n-1} + v_{n-2}}{2h}.$$

Шу тартибда (11) дифференциал масала ҳам алмаштирилади:

$$\begin{cases} \dfrac{w_{i-1}-2w_i+w_{i+1}}{h^2}+p_i\dfrac{w_{i+1}-w_{i-1}}{2h}+q_iw_i=f_i, \quad i=\overline{1;\ n-1}, \\ w_0=\dfrac{A}{\alpha_0}, \quad \dfrac{-w_2+4w_1-3w_0}{2h}=0. \end{cases} \qquad (14)$$

Бу системадан қуйидагилар олинади:

$$w_0=\frac{A}{\alpha_0}, \quad w_1=\frac{\frac{1}{2}f_1h^2+\frac{A}{\alpha_0}(1+p_1h)}{1+p_1h+\frac{q_1}{2}h^2},$$

$$w_{i+1}=\frac{(2-q_ih^2)w_i-\left(1-\frac{p_i}{2}h\right)w_{i-1}+f_ih^2}{1+\frac{p_i}{2}h}, \quad i=\overline{1;\ n-1},$$

$$w(b)=w_n, \quad w'(b)=\frac{3w_n-4w_{n-1}+w_{n-2}}{2h}.$$

Энди (12) бўйича C аниқланади, ва ниҳоят:

$$w_i=Cv_i+w_i \quad (i=0,1,\ \ldots,\ n).$$

Ҳайдаш усули. Моҳиятига кўра ҳайдаш усули номаълумларни кетма-кет чиқариш усулининг вариантларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра ундан айирмали схемаси таркибида уч диагонал матрицали чизиқли алгебраик тенгламалар системаси бўлган чегаравий масалаларни ечишда фойдаланиш осон (уч диагонал матрицали айирмали схема ҳақида 8-бобда келтирилган 10-мисолга қаранг).

(3) — (4) чегаравий масала бўйича ушбу

$$\begin{cases} \dfrac{y_{j+2}-2y_{j+1}+y_j}{h^2}+p_i\dfrac{y_{j+1}-y_j}{h}+q_jy_j=f_j, \quad j=\overline{0;\ N-2}, & (15) \\ \alpha_0y_0+\alpha_1\dfrac{y_1-y_0}{h}=A, \quad \beta_0y_N+\beta_1\dfrac{y_N-y_{N-1}}{h}=B & (16) \end{cases}$$

айирмали масала тузилган бўлсин. Бу масала икки босқичда ҳал қилинади.

1-босқич. Тўғри ҳайдаш (юриш):

1) (15) тенглама

$$y_{j+2}+m_jy_{j+1}+k_jy_j=h^2f_j, \quad h\text{-қадам} \qquad (17)$$

кўринишга келтирилади ва $j=\overline{0;\ N-2}$ учун m_j, k_j коэффициентлар ва $h^2 f_j$ ўнг қисм ифодаси қийматлари аниқланиб, жадвалга киритилади (2-мисол, жадвалнинг (1) — (5) устунлари, қуйига қаранг), бунда

$$m_j = -2 + hp_j,\ k_j = 1 - hp_j + h^2 q_j,\quad j=\overline{0;\ N-2}. \tag{18}$$

2) (17) системанинг ушбу

$$y_2 + m_0 y_1 + k_0 y_0 = h^2 f_0$$

биринчи ($j=0$ ҳолидаги) тенгламасига (16) биринчи чегаравий шарт бўйича олинадиган

$$y_0 = \frac{\alpha_1 y_1 - hA}{\alpha_1 - h\alpha_0}$$

ифода қўйилиши натижасида

$$y_1 = \frac{\alpha_1 - h\alpha_0}{m(\alpha_1 - h\alpha_0) + k_0\alpha_1}\left(\frac{k_0 h A}{\alpha_1 - h\alpha_1} + h^2 f_0 - y_0\right)$$

тенгликка эга бўламиз. Бундан ушбу ифода қийматлари топилади:

$$c_0 = \frac{\alpha_1 - h\alpha_0}{m_0(\alpha_1 - h\alpha_0) + k_0\alpha_1},\quad d_0 = \frac{k_0 h A}{\alpha_1 - h\alpha_0} + h^2 f_0.$$

c_0 ва d_0 қийматларини жадвалга киритамиз ((6), (7) устунлар).

Шу каби алмаштиришлар $j=\overline{1,\ N-2}$ учун ушбу рекуррент формулаларни беради:

$$y_{j+1} = c_j(d_j - y_{j+2}), \tag{19}$$

$$c_j = \frac{1}{m_j - k_j c_{j-1}},\quad d_j = f_j h^2 - k_j c_{j-1} d_{j-1}. \tag{20}$$

c_j ва d_j қийматлари ҳам жадвалга жойлаштирилади.

2-босқич. Тескари ҳайдаш (юриш):

1) Олдин y_N аниқланади. Шу мақсадда (16) иккинчи чегаравий шарт ва (19) системанинг $j=N-2$ бўлган ҳолдаги $y_{N-1} = c_{N-2}(d_{N-2} - y_N)$ тенгламаси бўйича ҳосил қилинадиган ушбу

$$y_N = \frac{\beta_1\ c_{N-2}\ d_{N-2} + Bh}{\beta_1(1 + c_{N-2}) + \beta_0\ h}. \tag{21}$$

y_N қиймати ((8) устуннинг пастдан энг охирги катаги) жадвалга киритилади.

2) жадвалга олдин киритилган c_i, d_i ва y_i қийматлардан фойдаланиб (19) рекуррент формула бўйича кетма-кет y_{N-1}, y_{N-2}, ..., y_1 лар ва биринчи чегаравий шарт (16) бўйича y_0 аниқланади.

2- мисол. $y'' - 2xy' - 2y = -4x$, $y(0) - y'(0) = 0$, $y(1) = 3{,}71828$ чегаравий масаланинг $x_i = 0{,}1i$ $(i = \overline{1;10})$ нуқталардаги ечими ҳайдаш усули қўлланилиб топилсин.

Ечиш: Масалани тўр масалага келтирамиз:

$$\frac{y_{i+2} - 2y_{i+1} + y_i}{h^2} - 2x_i \frac{y_{i+1} - y_i}{h} - 2y_i = -4x_i,$$

ёки

$$\begin{cases} y_{i+1} - 2(1 - x_i h)\, y_{i+1} + (1 + 2x_i h - 2h^2)\, y_i = -4x_i h^2, \\ y_0 - \dfrac{y_1 - y_0}{h} = 0, \ y_{10} = 3{,}71828, \ h = 0{,}1, \end{cases}$$

бунда $\alpha_0 = 1$, $\alpha_1 = -1$, $A = 0$, $\beta_0 = 1$, $\beta = 0$, $B = 3{,}71828$, $m_i = -2(1 + 0{,}1 x_i)$, $k_i = 0{,}98 + 0{,}2x_i$, $f_i = -4x_i, x_i = 0{,}1i$

$i = \overline{0;\ 10}$.

Тўғри юриш: жадвалга $i = \overline{0;\ 8}$ учун x_i, m_i, k_i, $f_i h^2$ қийматларини киритамиз. Ҳисоблаш схемаси: $x_i = x_{i-1} + 0{,}1$; $m_i = m_{i-1} - 0{,}02$; $k_i = k_{i-1} + 0{,}02$; $f_i h^2 = f_{i-1} h^2 - 0{,}004$ (жадвалнинг 1 — 5 - устунлари); c_0 ва d_0 ларни ҳисоблаймиз:

$$c_0 = \frac{\alpha_1 - \alpha_0 h}{m_0(\alpha_1 - \alpha_0 h) + k_0 \alpha_1} = \frac{-1{,}1}{-2(-1{,}1) - 0{,}98} = -0{,}90164,$$

$$d_0 = \frac{k_0 A h}{\alpha_1 - \alpha_0 h} + f_0 h^2 = 0.$$

Қолган d_i, c_i $(i = \overline{1;\ 8})$ қийматларни ҳисоблаш схемаси (6 — 7 -устунлар):

$$\boxed{\begin{aligned} d_i &= f_i h^2 - k_i c_{i-1} d_{i-1} \\ c_i &= 1/(m_i - k_i c_{i-1} \end{aligned}}$$

$$\downarrow$$

$$\boxed{\begin{aligned} d_{i-1} &:= d_i \\ c_{i-1} &:= c_i \\ i &:= i + 1 \end{aligned}}$$

i	x_i	m_i	k_i	$f_i h^2$	Тўғри юриш d_i	c_i	Тескари юриш y_i	Контроль $y(x)$ аниқ қиймати
(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)	(8)	(9)
0	0,0	−2	0,98	0	0	−0,90164	1,11785	1,00000
1	0,1	−2,02	1	−0,004	−0,004	−0,89413	1,22963	1,11005
2	0,2	−2,04	1,02	−0,008	−0,01165	−0,88653	1,36377	1,24081
3	0,3	−2,06	1,04	−0,012	−0,02274	−0,87873	1,52125	1,39417
4	0,4	−2,08	1,06	−0,016	−0,03718	−0,87067	1,70431	1,57351
5	0,5	−2,10	1,08	−0,720	−0,05496	−0,86231	1,91678	1,78403
6	0,6	−2,12	1,10	−0,024	−0,07613	−0,85364	2,16432	2,03333
7	0,7	−2,14	1,12	−0,028	−0,10079	−0,84465	2,45494	2,33232
8	0,8	−2,16	1,14	−0,032	−0,12905	−0,83535	2,79972	2,79648
9	0,9						3,21387	3,14791
10	1						3,71828	3,71828

Тескари юриш: $y_{10} = \dfrac{\beta_1 c_8 d_8 + Bh}{\beta_1(1+c_8)+\beta_0 h} = \dfrac{Bh}{\beta_0 h} = B = 3{,}71828.$ Қолган y_i $(i = 9,8, \ldots, 1)$ қийматлар $y_i = c_{i-1}(d_{i-1} - y_{i+1})$ бўйича, y_0 эса $y_0 - \dfrac{y_1 - y_0}{0,1} = 0$ бошланғич шартдан фойдаланиб топилади: $y_0 = 1{,}11785$ (8-устун). Контрол мақсадида (9) устунда аниқ ечим $y = x + e^{x^2}$ нинг қийматлари келтирилган.

Итерация усули иккинчи тартибли чизиқли бўлмаган

$$\begin{cases} u'' = f(x, u, u'). & (22) \\ \alpha_0 u(a) + \alpha_1 u'(a) = A, \ \ \beta_0 u(b) + \beta_1 u'(b) = B & (23) \end{cases}$$

чегаравий масалани ечишда қўлланилади.

$[a, b]$ оралиқда h қадам билан тенг узоқлашган $x_0 = a$, $x_j = x_0 + jh$ $(j = \overline{1; N-1})$ тугунлар системасини оламиз. (22), (23) чегаравий масала $N+1$ та номаълумли $N+1$ та чизиқли бўлмаган тенгламадан иборат

$$\begin{cases} \dfrac{y_{j+1} - 2y_j + y_{j-1}}{h^2} = f\left(x_j, y_j, \dfrac{y_{j+1} - y_{j-1}}{2h}\right), \ j = \overline{1; N-1}, \\ \Gamma_0[y] = \alpha_0 y_0 + \alpha_1 \dfrac{y_1 - y_0}{h} = A, \qquad (24) \\ \Gamma_n[y] = \beta_0 y_N + \beta_1 \dfrac{y_N - y_{N-1}}{h} = B \end{cases}$$

айирмали масалага келтирилади. (24) система итерация усули бўйича ушбу формулалар ёрдамида ечилади:

$$y_{j+1}^{[r+1]} - 2y_j^{[r+1]} + y_{j-1}^{[r+1]} = h^2 f\left(x_j, y_j^{[r]}, \frac{y_{j+1}^{[r]} - y_{j-1}^{[r]}}{2h}\right),$$
$$j = \overline{1; N-1}, \tag{25}$$
$$\Gamma_0[y^{[r+1]}] = A, \quad \Gamma_N[y^{[r+1]}] = B, \quad r \text{ — яқинлашиш номери.}$$

Изланаётган яқинлашишлар қуйидагича ошкор ифодаланиши мумкин:

$$y_j^{[r+1]} = \frac{h}{\Delta}[A\beta_0(b-a) + A\beta_1 + \alpha_1 B] + \frac{j}{\Delta}(\alpha_0 B - A\beta_0) +$$
$$+ h^2 \sum_{i=1}^{N-1} g_{ij} f_i^{[r]}, \tag{26}$$

бунда a, b, $A, B, \alpha_0, \alpha_1, \beta_0, \beta_1$ лар берилган, Δ ва g_{ij} лар қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$\Delta = \frac{1}{h}[\alpha_0\beta_0(b-a) + \alpha_0\beta_1 + \alpha_1\beta_0] \tag{27}$$

$$g_{ij} = \begin{cases} \frac{1}{\Delta}\left(i\alpha_0 + \frac{\alpha_1}{h}\right)\left(j\beta_0 - \beta_0 N - \frac{\beta}{h}\right), & i \leqslant j, \\ \frac{1}{\Delta}\left(j\alpha_0 + \frac{\alpha_1}{h}\right)\left(i\beta_0 - \beta_0 N - \frac{\beta_1}{h}\right), & i > j, \end{cases} \tag{28}$$

3-мисол. $y'' = 2 + y^2$, $y(0) = y(1) = 0$ чегаравий масаланинг $x_k = 0{,}1k$ $(k = \overline{1; 9})$ нуқталардаги ечим қийматлари итерация методи қўлланилиб топилсин.

Ечиш: $n = (b-a)/h = (1-0)/0{,}1 = 10$, $\alpha_0 = 1$, $\alpha_1 = 0$, $A = 0$, $\beta_0 = 1$, $\beta_1 = 0$, $B = 0$ $f(x, y) = 2 + y^2$, (27) ва (28) муносабатлар бўйича:

$$\Delta = \frac{1}{0{,}1}[1 \cdot 1 \cdot (1-0) + 1 \cdot 0 + 0 \cdot 1] = 10,$$

$$g_{ik} = \begin{cases} 0{,}1i(k-10), & i \leqslant k, \\ 0{,}1k(i-10), & i \geqslant k, \end{cases}$$

$$y^{[r+1]} = 0{,}01 \sum_{i=1}^{9} g_{ik} f_i^{[r]}.$$

g_{ik} коэффициентлар: $i = 1$ бўлса, $g_{ik} = 0{,}1(k-10)$ бўлади, масалан, $g_{11} = -0{,}9$, $g_{12} = -0{,}8$, $g_{13} = -0{,}7$, ..., $g_{19} = -0{,}1$;

$$i=2 \text{ бўлса, } g_{2k}=\begin{cases}0,2(k-10), & 2\leqslant k\leqslant 9,\\ -0,8, & k=1;\end{cases}$$

$$i=3 \text{ бўлса, } g_{3k}=\begin{cases}0,3(k-10), & 3\leqslant k\leqslant 9,\\ -0,7k, & k=1;2;\end{cases}$$

. . . .

$$i=8 \text{ бўлса, } g_{ik}=\begin{cases}0,8(k-10), & k=8;\ 9,\\ -0,2k, & 1\leqslant k\leqslant 7;\end{cases}$$

$$i=9 \text{ бўлса, } g_{9k}=\begin{cases}-0,9, & k=9,\\ -0,1k, & 1\leqslant k\leqslant 8.\end{cases}$$

Бошланғич яқинлашиш сифатида чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ва $[0;\ 1]$ оралиқда узлуксиз бўлган бирор функцияни, чунончи $y^{[0]}(x)=x(x-1)$ функцияни оламиз (бу $y''(x)=2$ тенгламанинг ечимидан иборат). $x_k=0,1k$, $y_k^{[0]}=x_k(x_k-1)$ $(k=\overline{1;\ 9})$, $f_k^{[0]}=2+(y_k^{[0]})^2$ қийматларни ҳисоблаймиз (жадвалга қ.). Кейинги яқинлашишлар (26) муносабат бўйича (r га кетма-кет $r=0;\ 1;\ 2;\ \ldots$ қийматларни қўйиш йўли билан) ҳисоблаб топилади:

$r=0$ да $y_k^{[1]}=0,01\,(g_{1k}f_1^{[0]}+g_{2k}f_2^{[0]}+\ \ldots\ +g_{9k}f_9^{[0]})$, хусусан, $k=1$ да $y_1^{[1]}=-0,01\,((0,9+0,1)\cdot 2,0081+(0,8+0,2)\cdot 2,0256+(0,7+0,3)\,2,0441+(0,6+0,4)\cdot 2,0576+0,5\cdot 2,0625)=-0,916665$, $k=2$ да $y_2^{[1]}=-0,01\,((0,8+0,2)\cdot 2,0081+(1,6+0,4)\cdot 2,0256+(1,4+0,6)\cdot 2,0441+(1,2+0,8)\cdot 2,0576+1\cdot 2,0625)=-0,163252$, $r=1$ да $y_k^{[2]}=0,01\,(g_{1k}f_1^{[1]}+g_{2k}f_2^{[1]}+g_{3k}f_3^{[1]}+\ldots+g_{8k}f_8^{[1]}+g_{9k}f_9^{[1]})$, хусусан, $k=1$ да $y_2^{[2]}=0,01\sum_{i=1}^{9}g_{i1}f_i^{[1]}=$
$-0,1((0,8+0,2)\cdot 2,0084028+(1,6+0,4)\cdot 2,0266512+(1,4+0,6)\cdot 2,0460452+(1,2+0,8)\cdot 2,0602555+1,0\cdot 2,064247)=-0,16339732$ ва ҳоказо.

3-мисолга **Итерация усули**

r	k	1	2	3	4	5
	x_k	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5
0	$y_k^{[0]}$	−0,09	−0,16	−0,21	−0,24	−0,25
	$f_k^{[0]}$	2,0081	2,0256	2,0441	2,0576	2,0625

	k	1	2	3	4	5
1	$y_k^{[1]}$ $f_k^{[1]}$	—0,0916665 2,0084028	—0,163252 2,0266512	—0,2145815 2,0460452	—0,24547 2,0602555	—0,2557825 2,0654247
2	$y_k^{[2]}$ $f_k^{[2]}$	—0,0917404	—0,1633973	—0,214787	—0,245358	—0,255844

	k	6	7	8	9
r	x_k	0,6	0,7	0,8	0,9
0	$y_k^{[0]}$ $f_k^{[0]}$	—0,24 2,0576	—0,21 2,0441	—0,16 2,0256	—0,09 2,0081
1	$y_k^{[1]}$ $f_k^{[1]}$	—0,24547 2,0602555	—0,2145815 2,0460452	—0,163252 2,0266512	—0,0916665 2,0084020
2	$y_k^{[2]}$ $f_k^{[2]}$	—0,245358	—0,214787	—0,163397	—0,091748

Изланаётган ечим қийматининг x_k $(k = 1;\ 9)$ нуқталардаги $y_k^{[1]}$ ва $y_k^{[2]}$ яқинлашишлари $1 \cdot 10^{-3}$ гача аниқликда устма-уст тушаётганини кўрамиз. Бундан ҳам аниқроқ натижа олишга зарурият бўлса, кўрсатилган йўл билан $y_k^{[3]}$, $y_k^{[4]}$, ... яқинлашишлар ҳисобланиши керак бўлади.

Галеркин усули (3), (4) чегаравий масала ечимини аналитик кўринишда (функциялар йиғиндиси кўринишида) олишга имкон беради.

Ушбу

$$\begin{cases} L[y] = f(x), \quad L[y] \equiv y'' + p(x)\, y' + q(x)\, y, \\ \Gamma_a[y] = \alpha_0\, y(a) + \alpha_1\, y'(a), \quad \Gamma_b[y] = \beta_0\, y(b) + \beta_1 y'(b) \end{cases} \tag{29}$$

чегаравий масалани ечиш талаб этилсин. $[a, b]$ оралиқда

$$u_0(x),\ u_1(x),\ \ldots,\ u_n(x),\ \ldots \tag{30}$$

базис функциялар системаси берилган ва улар ушбу шартларни қаноатлантирсинлар:

1) (30) система ортогонал, яъни

$$\int_a^b u_i(x)\,u_j(x)\,dx = 0, \quad i \neq j, \quad \int_a^b u_i^2(x)\,dx \neq 0; \qquad (31)$$

2) (30) тўплам тўла системани ташкил этади, яъни барча $u_i(x)$ $(i = 0, 1, 2, \ldots)$ функцияларга ортогонал бўладиган нолдан фарқли бошқа функция мавжуд эмас;

2) чекли сондаги $u_i(x)$ $(i = \overline{0; n})$ базис функциялар системаси шундай танланадики, $u_0(x)$ функция бир жинсли бўлмаган

$$\Gamma_a[u_0] = A, \quad \Gamma_B[u_0] = B \qquad (32)$$

чегаравий шартларни, $u_i(x)$ $(i = \overline{1; n})$ функциялар эса

$$\Gamma_a[u_i] = \Gamma_b[u_i] = 0 \ (i = \overline{1; n}) \qquad (32')$$

чегаравий шартларни қаноатлантирсинлар.

(29) чегаравий масаланинг изланаётган ечими

$$y(x) = u_0(x) + \sum_{i=1}^{n} c_i u_i(x) \qquad (33)$$

кўринишда топилади. c_i коэффициентлар шундай танланиши керакки, R боғланмаслик квадратидан олинган

$$\int_a^b R^2(x, c_1\ c_2, \ldots, c_n)\,dx \qquad (34)$$

интегралнинг қиймати энг кичик бўлсин, бунда

$$R(x, c_1, \ldots, c_n) = L[u_0] + \sum_{i=1}^{n} c_i L[u_i] - f(x).$$

Ортогоналлик шартини

$$\int_a^b u_k(x)\,R(x, c_1, \ldots, c_n)\,dx = 0 \ (k = \overline{1; n}),$$

ёки

$$\sum_{i=1}^{n} c_i \int_a^b u_k(x)\,L[u_i]\,dx = \int_a^b u_k(x)\{f(x) - L[u_0]\}dx,$$

ёки

$$\sum_{i=1}^{n} c_i\,a_{ik} = b_k \qquad (35)$$

система кўринишида ёзамиз, бунда

$$a_{ik}=\int_a^b u_k(x)\,L[u_i]\,dx,\; b_k=\int_a^b u_k(x)\{f(x)-L[u_0]\}\,dx. \quad (36)$$

(35) системадан c_i қийматлар аниқлаб олинади.

4-мисол. $y''+2xy'-2y=2x^2$, $y'(0)=-2$, $y(1)+$ $+y'(1)=0$ чегаравий масала Галеркин усули қўлланилиб ечилсин.

Ечиш. $u_0(x)$, $u_1(x)$, ... функциялар системасини 1, x, x^2, ... функциялар комбинациялари кўринишида танлаймиз. Бунда $u_0(x)$ функция (32) шартларни қаноатлантирсин, яъни $u_0^1(0)=-2$, $u_0(1)+u_0^1(1)=0$ бўлсин, қолган $u_k(x)$ лар (32′) шартларни қаноатлантирсин. $u_0(x)$ ни $u_0(x)=b+cx$ кўринишида излаймиз. $u_0^1(x)=c$, иккинчи томондан шартга кўра $c=-2$; $u_0(1)+u_0^1(1)=0$, ёки $(b+c\cdot 1)+c=0$, бундан $b=4$. Шундай қилиб, $u_0(x)=4-2x$. (32′) га кўра $\Gamma_0[u_k]=$ $=0$, $\Gamma_1[u_k]=0$, ёки $u_k^1(0)=0$, $u_k(1)+u_k^1(1)=0$. $u_k(x)$ функцияларни $u_k(x)=b_k+x^{k+1}$ кўринишида излаймиз. $u_k^1(0)=(k+$ $+1)x^k=0$. Бунга қараганда $\Gamma_0[u_k]=0$ шарт бажарилмоқда. Иккинчи шарт $\Gamma_1[u_k]=0$ дан фойдаланиб, b_k ни топамиз: $(b_k+$ $1^{k+1})+(k+1)\cdot 1^k=0$, бундан $b_k=-(k+2)$. Биз $k=1;2$ бўлган ҳоллар билан чегараланамиз. $u_0(x)=4-2x$, $u_1(x)=$ $=-3+x^2$. $u_2(x)=-4+x^3$ базис функциялар системаси ҳосил бўлади. Ечимни $y(x)=u_0(x)+c_1u_1(x)+c_2u_2(x)$ кўринишида излаймиз;

$$L[u_0]=(4-2x)+2x(4-2x)'=2(4-2x)=-8,$$

$$L[u_1]=(x^2-3)''+2x(x^2-3)'-2(x^2-3)=2x^2+8,$$

$$L[u_2]=(x^3-4)''+2x(x^3-4)'-2(x^3-4)=4x^3+6x+8,$$

(36) бўйича:

$$a_{11}=\int_0^1 u_1(x)\,L[u_1]\,dx=\int_0^1 (x^2-3)(2x^2+8)\,dx=$$

$$=-22{,}93333,$$

$$a_{12}=\int_0^1 u_2(x)\,L[u_1]\,dx=\int_0^1 (x^3-4)(2x^1+8)\,dx=$$

$$=-32{,}33333,$$

$$a_{21} = \int_0^1 u_1(x) L[u_2]\,dx = \int_0^1 (x^2 - 3)(4x^3 + 6x + 8)dx =$$
$$= -31{,}16667,$$
$$a_{22} = \int_0^1 u_2(x) L[u_2]\,dx = \int_0^1 (x^2 - 4)(4x^3 + 6x + 8)\,dx =$$
$$= -44{,}22857,$$
$$b_1 = \int_0^1 u_1(x)\{f(x) - L[u_0]\}\,dx = \int_0^1 (x^2 - 3)(2x^2 + 8)dx =$$
$$= -22{,}93333,$$
$$b_2 = \int_0^1 u_2(x)\{f(x) - L[u_0]\}dx = \int_0^1 (x^3 - 4)(2x^2 + 8)dx =$$
$$= -32{,}33333.$$

(35) системани тузамиз:

$$\begin{cases} c_1 a_{11} + c_2 a_{21} = b_1, \\ c_1 a_{12} + c_2 a_{22} = b_2 \end{cases}$$

ёки

$$\begin{cases} -22{,}93333\, c_1 - 31{,}16667\, c_2 = -22{,}93333, \\ -32{,}33333\, c_1 - 44{,}22857\, c_2 = -32{,}33333, \end{cases}$$

бундан $c_1 = 1$, $c_2 = 0$ аниқланади. Изланаётган ечим:

$$y(x) = u_0(x) + 1 \cdot u_1(x) + 0 \cdot u_2(x) = x^2 - 2x + 1.$$

Коллокация усулида (29) чегаравий масала ечими

$$y(x) = u_0(x) + \sum_{i=1}^{n} c_i u_i(x) \qquad (37)$$

кўринишида изланади. Бунда $u_i(x)$ $(i = \overline{0; n})$ чизиқли боғланмаган функциялар (32), (32') шартларни қаноатлантиради.

$$R(x, c_1, \ldots, c_n) = L[y] - f(x) = L[u_0] - f(x) +$$
$$+ \sum_{i=1}^{n} c_i L[u_i] \qquad (38)$$

фарқ шундай олинадики, y $[a, b]$ оралиқдаги коллокация нуқталари деб аталувчи $x_1, x_2, \ldots, x_n$ нуқталар системасида нолга айлансин. Бу нуқталарнинг сони (33) ифодадаги номаълум коэффициентлар сонига тенг бўлиши керак. $c_1, c_2, \ldots, c_n$ коэффициентлар

$$\begin{cases} R(x_1, c_1, c_2, \ldots, c_n) = 0, \\ R(x_2, c_1, c_2, \ldots, c_n) = 0, \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ R(x_n, c_1, c_2, \ldots, c_n) = 0 \end{cases} \qquad (39)$$

системадан аниқланади.

Коллокация усули чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларни ечишда ҳам қўлланиши мумкин. Жумладан, $y'' = f(x, y, y')$ тенгламанинг ечими чизиқли чегаравий шартни қаноатлантирсин. Бу ҳолда боғланмаганлик (фарқ) $R(x) = y'' - f(x, y, y')$, (39) эса $c_1, c_2, \ldots, c_n$ номаълумларга нисбатан чизиқли бўлмаган тенгламалар системасидан иборат бўлади.

5-мисол. Коллокация усули қўлланилиб, $y'' + (1 + x^2) y + 1 = 0$ тенгламанинг $y(-1) = y(1) = 0$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин.

Ечиш: Тенгламага ва чегаравий шартларга қараганда изланаётган ечим жуфт функция бўлиши керак. Базис функциялар сифатида $u_0(x) = 0$, $u_1(x) = 1 - x^2$, $u_2(x) = x^2(1-x^2)$ кўпҳадларни оламиз. Ечимни $y = c_1(1 - x^2) + c_2x^2(1 - x^2) = (1 - x^2)(c_1 + c_2x^2)$ кўринишида излаймиз. Коллокация нуқталари $x_0 = 0$, $x_1 = 0,5$ бўлсин. Бизда $f(x) = -1$, $L[y] = (1 - x^2)(c_1 + c_2x^2)'' + (1 - x^4)(c_1 + c_2x^2) = -(1 + x^4)c_1 + (2 - 11x^2 - x^6)c_2$. Боғланмаганлик: $R(x) = L[y] - f(x) = 1 - (1 + x^4)c_1 + (2 - 11x^2 - x^6)c_2$. Бунга $x_0 = 0$, $x_1 = 0,5$ қийматларни қўйиб, $1 - c_1 + 2c_2 = 0$, $1 - \frac{17}{16}c_1 - \frac{49}{64}c_2 = 0$ системани тузамиз. Бундан $c_1 = 0,957$, $c_2 = -0,022$ олинади. Изланаётган ечим: $y \approx 0,957(1 - x^2) - 0,022x^2(1 - x^2)$.

МАШҚЛАР

1—7-чегаравий масалаларнинг x_k нуқталардаги ечим қийматлари чекли айирмалар усуллари (чизиқли алгебраик тенгламалар системасига келтириш усули, ҳайдаш усули, отишув усули) қўлланилиб топилсин:

1. $y''(x) = \frac{2}{x} y'(x) - \frac{4}{x^2+2} y(x) = 8$, $y'(0,5) = 0,5$,

$y(1) + y'(1) = 1$, $x_k = 0,1k$, $k = \overline{5;\ 10}$, $\varepsilon = 1 \cdot 10^{-2}$.

2. $y''(x)+y'(x)-\frac{1}{x}\,y(x)=\frac{x+1}{x}$, $y(0{,}5)=-0{,}5\ln 2$, $y(1)=0$, $x_k=0{,}1\,k$, $k=\overline{5;\,10}$, $\varepsilon=1\cdot 10^{-2}$.

3. $4y''+16\,y'+15\,y=4\,e^{-1{,}5k}$, $y(0)=3$, $y(1)=$ $=0{,}89252$, $x_k=0{,}2\,k$, $k=\overline{1;\,4}$, $\varepsilon=1\cdot 10^{-3}$.

4. $y''-4y'+4y=f(x)$, $\varepsilon=1\cdot 10^{-3}$, бунда:

1) $f(x)=1$, $y(0)=2{,}25$, $y(1)=0{,}25$, $x_k=0{,}1\,k$, $k=\overline{1;\,9}$;

2) $f(x)=e^{-x}$, $y(0)=1\frac{1}{9}$, $y(1,\,2)=24{,}284451$, $x_k=0{,}1k$, $k=\overline{1;\,11}$,

3) $f(x)=3\,e^{2x}$, $y(-1)=0{,}203003$, $y(0)=1$, $x_k=0{,}2k$, $k=\overline{1;\,4}$;

4) $f(x)=2(\sin 2x+x)$, $y(0)=1{,}75$, $y(1)=15{,}6741$, $x_k=0{,}1k$, $k=\overline{1;\,9}$;

5) $f(x)=\sin x\cos 2x$, $y(0)=1\frac{11}{169}$, $y(1)=109{,}20221$, $x_k=0{,}1\,k$, $k=\overline{1;\,9}$.

5. $y''-2y'+10y=10\,x^2+18x+6$, $y'(0)=3{,}2$, $y(1)=$ $=3{,}7168365$, $x_k=0{,}1\,k$, $k=\overline{1;\,9}$.

6. $y''+y=-\sin 2x$, $y(\pi)=1$, $y(1{,}5\,\pi)=\frac{1}{3}$, $x_k=$ $=\frac{\pi}{20}$, $k=\overline{1;\,9}$.

7. Тенгламаларнинг $[0;\,1]$ оралиқда $y(0)=y(1)=0$ чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечим қийматлари топилсин ($x_i=0{,}1\,i$, $i=\overline{1;\,9}$, $\alpha=1+0{,}4k$, $k=\overline{0;\,3}$, $\beta=$ $=2{,}5+0{,}5\,n$, $n=\overline{0;\,5}$):

1) $y''+(\alpha+x^3)y'+(1-x^2)y=e^{1-\beta}\,x^2$;

2) $y''+x^2\,y'+(\alpha-x)\,y=\frac{x}{x^2+\beta}$;

3) $y''+y'\sin\alpha\,x+y=\frac{1}{\beta+\sin^2\alpha\,x}$,

4) $y'' + \frac{y'}{\sqrt{x^2 + \beta}} + \alpha y = x.$

8—10- масалаларда чегара қийматлари билан берилган иккинчи тартибли чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг $[a, b]$ оралиқнинг x_k нуқталардаги ечим қийматлари итерация усули қўлланилиб топилсин (h — қадам, ε — талаб қилинган аниқлик):

8. $xy'' + x(y')^2 - y' = 0$, $y(2) = 2$, $y(4) = 3{,}386294$, $h = 0{,}2$, $\varepsilon = 1 \cdot 10^{-4}$.

9. $2y'' = 3y^2$, $y(-2) = 1$, $y(0) = 0{,}25$, $h = 0{,}2$, $\varepsilon = 1 \cdot 10^{-3}$.

10. $8y'' + 9y'^4 = 0$, $y(0) = -1$, $y(7) = 2$, $h = 1$, $\varepsilon = 1 \cdot 10^{-3}$.

11—15- чегаравий масалалар аналитик усуллар (Галеркин, коллокация усуллари) қўлланилиб ечилсин:

11. $2y'' + 5y' = f(x)$, бунда:

1) $f(x) = 5x^2 - 2x - 1$, $y(0) = 2$, $y'(1) = -0{,}1252125$;

2) $f(x) = e^x$, $y(0) + y'(0) = -0{,}21428571$, $y(1) = 1{,}470411$;

3) $f(x) = 29\cos x$, $y'(0) = 2{,}5$, $y(1) + y'(1) = 8{,}3880768$.

12. $y''(x) + \frac{0{,}5\alpha}{x\alpha + 1} y'(x) - \sqrt{\alpha x + 1}\, y(x) = 2(\alpha x + 1)$, $y'(0) = -\alpha$, $y(1) = -2\sqrt{\alpha + 1}$, $\alpha = 0{,}3m$, $m = 1; 10$.

13. $y''(x) + xy'(x) - 2y(x) = 2(\alpha^2 - 1)$, $y(0) = 1$, $y(1) + y'(1) = 3\alpha^1 + 1$, $\alpha = 0{,}5m$, $m = \overline{1; 10}$.

14. $y'' - 2xy' + 2y = f(x)$, $y(0) = 0$, $y'(1) = 1$, бунда: 1) $f(x) = x$; 2) $f(x) = 3x^2 + x - 1$; 3) $f(x) = 5x^3 - 3x^2 + x$; 4) $f(x) = 0{,}5(5x^3 - 3x^2 - 0{,}5x + 1)$.

15. $y'' - y' = f(x)$, бунда:

1) $f(x) = \frac{e^x}{1 + e^x}$, $y(0) = 3{,}3862943$, $y(1) = 1{,}5534866$;

2) $f(x) = e^{2x}\sqrt{1 - e^{2x}}$ $y(-1) = 1{,}5841668$, $y(0) = 2{,}2853981$;

3) $f(x) = e^{2x}\cos e^x$, $y(0) = 1{,}4596977$, $y(1) = 4{,}6300157$.

1- топшириқ: Чегаравий масалаларнинг $x_k \in [a, b]$, $k=\overline{0{:}10}$, нуқталардаги ечим қийматлари чекли—айирмали усуллардан бири қўлланилиб, $1\cdot 10^{-3}$ аниқликда топилсин:

Вариант:

1. $y''+xy'+y=x+1$, $y(0{,}5)+2y'(0{,}5)=1$, $y'(0{,}8)=1{,}2$.
2. $y''+0{,}5\,xy'+(1+2\pi^2x^2)\,y=4x$, $y(0)=1$, $y(1)=1{,}367$.
3. $y''+(x-1)\,y'+3{,}125y=4x$, $y(0)=1$, $y(1)=1{,}367$.
4. $y''+2xy'+2y=\dfrac{2(5-2x)}{(2-x)^3}$, $y(0)=1$, $y(1)=1{,}367$.
5. $y''+(1+x^3)\,y'+(1-x^2)\,y=e^{1-2{,}5x^2}$, $y(0)=y(1)=0$.
6. $y''+x^2y'+(1-x)\,y=\dfrac{x}{x^2+2{,}5}$, $y(0)=y(1)=0$.
7. $(x^2+1)\,y''-2x\,y'+2y=0$, $y(0)=-1$, $y(1)=1$.
8. $y''+y'\sin x+y=\dfrac{1}{2{,}5+\sin^2 x}$, $y(0)=y(1)=0$.
9. $x^2(x+1)\,y''-2y=0$, $y(1)=2$, $y(2)=1{,}5$.
10. $y''+\dfrac{y'}{\sqrt{x^2+2{,}5}}+y=x$, $y(0)=y(1)=0$.
11. $y''-2(1+\mathrm{tg}^2x)\,y=0$, $y(0),=0$, $y(0{,}785)=3{,}4938$
12. $(x^2+1)\,y''+5xy'+4y=0$, $y(0)=0$, $y(1)=0{,}3534$.
13. $y''+x^2y'+(1{,}4-x)\,y=\dfrac{x}{x^5+3}$, $y(0)=y(1)=0$.
14. $y''-xy'+xy=0$, $y(0)=0$, $y(1)=1{,}083$.
15. $(x^2+1)\,y''+5xy'+3y=0$, $y(0)=1$, $y(1)=0{,}3534$.
16. $xy''+y'-xy=0$, $y(1)=1{,}266059$, $y(2)=2{,}277778$
17. $xy''+2y'+xy=0$, $y(1)=0{,}841471$, $y(2)=0{,}841471$.
18. $2x^2y''+(3x-2x^2)\,y'-(x+1)\,y=0$, $y(1)=2{,}718182$, $y(2)=3{,}69453$.
19. $9x^2y''-(x^2-2)\,y=0$, $y(0)=0$, $y(1)=1{,}033586$.

Эркин тебранишлар тенгламаси: $y''+ay'+by^1=0$.

Вариант	a	b	Чегаравий шарт:
20	2	0,5	$y(0)=2,\ y(2)=1{,}602618$
21	2	1	$y(-1)=0,\ y(0)=1$
22	0	$\pi^2/4$	$y(0)=y(1)=1$

23. $3x^2y''-x^2y'+(x-2)y=0,\ y(1)=2{,}5,\ y(2)=2{,}5.$

24. $y''+(x^4+1)y=0,\ y(1)=0{,}3149857,\ y(2)=$ $=-0{,}4446632.$

25. $(x^2+1)y''-y=0,\ y(0)=0,\ y(1)=1.$

2-топшириқ. Чегаравий масалаларнинг ечими Галеркин ва коллокация усуллари қўлланилиб топилсин.

Вариант:

1. $y''-y'\cos x+y\sin x=\cos x,\quad y(-\pi)=y(\pi)=2.$
2. $y''+x^2y'-xy=e^x,\ y(0)=y(1)=0.$
3. $y''-y'\cos x+y\sin x=\sin x,\quad y(-\pi)=y(\pi)=2.$
4. $y''+x^2y'-xy=e^{x^2},\ y(0)=y(1)=0.$
5. $y''-y'\cos x+y\sin x=\cos 2x,\ y(-\pi)=y(\pi)=2.$
6. $y''+x^2y'-xy=\sin x,\ y(0)=y(1)=0.$
7. $y''-y'\cos x+y\sin x=\sin 2x,\ y(-\pi)=y(\pi)=2.$
8. $y''+x^2y'-xy=\cos x,\ y(0)=y(1)=0.$
9. $y''-2xy'+2y=3x^2+x-1,\ y(0)=0,\ y'(1)=1.$
10. $y''+y'-\frac{y}{x}=x^2-\frac{3}{4}x+\frac{1}{8},\ y(0)=0,\ y'(1)=1.$
11. $y''-2xy'+2y=5x^3,\ y(0),\ y'(1)=1.$
12. $y''+x^2y'-xy=\operatorname{tg}x,\ y(0)=y(1)=0.$
13. $y''-2xy'+2y=5x^3-3x^2+x,\ y(0)=0,\ y'(1)=1.$
14. $y''-2xy'+2y=0{,}5(x^3-3x^2-0{,}5x+1),\ y(0)=0,$ $y'(1)=1.$
15. $y''-xy'-y=1,\ y(0)=1,\ y'(1)=1{,}297443.$
16. $y''-\frac{2x}{x^2+1}y'+\frac{2y}{x^2+1}=0,\ y(0)=-1,\ y'(1)=3.$
17. $x^2y''-xy'+y=4x^3,\ y(1)=2,\ y(e)=25{,}5221.$
18. $(1+x^2)y''+2xy'-2y=4x^2+2,\ y(1)=1,\ y(2)=4.$

19. $y'' - (1 + x^2) y = 0, \quad y(0) = -2, \quad y'(1) = \frac{7}{12}$.

20. $y'' - 2y = 4x^2 e^{x^2}, \quad y(0) = 3, \quad y(1) = 7{,}07465$.

$y'' + a^2 y = \operatorname{ctg} ax$ учун:

Вариант	a	Чегаравий шарт
21	1	$y(\pi/4) = 0{,}5328401, \quad y(\pi/2) = 1$.
22	π	$y(0{,}6) = 0{,}6728232, \quad y(0{,}8) = -0{,}154815$.
23	2	$y(\pi/6) = 1{,}247097, \quad y(\pi/3) = 0{,}4849537$.
24	$\pi/2$	$y(1) = 1, \quad y(1{,}5) = 0{,}2525837$.
25	$\pi/6$	$y(1) = -1{,}03745, \quad y(2) = 0{,}18623$.

10-боб. ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ

Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар кўпинча сонли усуллар (чунончи, тўрлар усули) ва аналитик усуллар (чунончи, акад. В. Г. Галеркин усули) қўлланилиб ечилади. Биз ушбу бобда асосан тўрлар усуллари (айирмали усуллар) устида тўхталамиз.

Айирмали схемалар, уларни қуриш ва дифференциал масалани аппроксимациялаш. Тўрлар усули ёки чекли айирмалар усулининг моҳияти ҳосилаларни чекли—айирмали ифодалар орқали алмаштириш йўли билан дифференциал тенгламани чекли — айирмали (алгебраик) тенгламага келтиришдан иборат. Масалан, бирор кўрсатилган Γ контур билан чегараланган D соҳанинг ичида ушбу

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0 \quad (1)$$

Лаплас тенгламасини, Γ чегарада эса маълум шартларни қаноатлантирувчи $u(x, y)$ функцияни топиш талаб этилсин (2- чизма). Шу мақсадда XOY текислигида ўзаро перпендикуляр $x = x_0 + ih$ ва $y = y_0 + kl$ $(i, k = 0, \pm 1, \pm 2, \ldots)$ тўғри чизиқлар оилаларини D соҳани қоплайдиган қилиб чизайлик. Ҳосил бўлган тўрдан Γ эгри чизиқли контурни яхши аппроксимацияловчи $\bar{\Gamma}$ тўрли контур ажратилади. $\bar{\Gamma}$ контур $\bar{D}$ тўрли соҳани чегаралайди. $\bar{D}$ соҳанинг ҳар қайси (x_i, y_k), $i, k = 0, \pm 1, \pm 2, \ldots$ нуқтаси учун айирмали тенглама ечимининг u_{ik} қиймати топилиши керак. Бу қийматлар (1)



2- чизма

дифференциал тенгламанинг тақрибий ечим қийматларидан иборатдир. $\bar{\Gamma}$ контур шундай ясаладики, берилган эгри чизиқли Γ контур $\bar{\Gamma}$ билан чегараланган тўрнинг икки қўшни ички тугуни оралиғидан эмас, балки битта чегара ва битта ички тугун орасидан ўтадиган бўлсин.

(1) тенгламага ушбу

$$u_{xx} + u_{yy} = 0 \tag{2}$$

айирмали тенглама мувофиқ келади, бунда:

$$u_{xx} = \frac{\dfrac{u(x+h, y) - u(x, y)}{h} - \dfrac{u(x, y) - u(x-h, y)}{h}}{h} =$$

$$= \frac{1}{h^2}\,[u(x+h, y) - 2u(x, y) + u(x-h, y)],$$

$$u_{xx} = \frac{1}{h^2}\,[u_{i+1,k} - 2u_{ik} + u_{i-1,k}]. \tag{3}$$

$$u_{yy} = \frac{1}{l^2}\,[u_{i,k+1} - 2u_{ik} + u_{i,k-1}].$$

Дирихле масаласи (биринчи чегаравий масала) учун тўр усули. Шундай $u = u(x, y)$ функция топилиши керакки, у D соҳанинг ичида

$$\Delta u = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = f(x, y) \tag{4}$$

Пуассон тенгламасини, Γ чегарада

$$u\,|\,\Gamma = \varphi(x, y)\,. \tag{5}$$

шартни қаноатлантирсин, бунда $\varphi(x, y)$ — берилган узлуксиз функция.

Ox ва Oy ўқлари бўйича h ва l қадам билан тўр қурамиз. (4) тенгламадаги иккинчи тартибли ҳосилаларни мос айирмали ифодалар билан алмаштирсак, ушбу

$$\frac{u_{i+1,k}-2u_{ik}+u_{i-1,k}}{h^2}+\frac{u_{i,k+1}-2u_{ik}+u_{i,k-1}}{l^2}=f_{ik} \qquad (6)$$

айирмали тенглама ҳосил бўлади, бунда $f_{ik}=f\,(x_i,\ y_k)$ $(i,\ k=0,\ \pm 1,\ \ldots)$.

Хусусий ҳосилаларни чекли айирмалар орқали ифодалаш:

№	Ҳосила	Схема	Тақрибий формула
1	$\frac{\partial u}{\partial x}$		$\frac{\partial u_{ik}}{\partial x}=\frac{u_{i+1,k}-u_{i-1,k}}{2h}$
2			$\frac{\partial u_{ik}}{\partial x}=\frac{u_{i+1,k+1}-u_{i-1,k+1}+u_{i+1,k-1}-u_{i-1,k-1}}{4h}$
3	$\frac{\partial u}{\partial y}$		$\frac{\partial u_{ik}}{\partial y}=\frac{u_{i,k+1}-u_{i,k-1}}{2l}$
4			$\frac{\partial u_{ik}}{\partial y}=\frac{u_{i+1,k+1}+u_{i-1,k+1}-u_{i+1,k-1}+u_{i-1,k-1}}{4l}$
5	$\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$		$\frac{\partial^2 u_{ik}}{\partial x^2}=\frac{u_{i+1,k}-2u_{ik}+u_{i-1,k}}{h^2}$
6			$\frac{\partial^2 u_{ik}}{\partial x^2}=\frac{1}{12h^2}(-u_{i+2,k}+16u_{i+1,k}-$ $-30u_{ik}+16u_{i-1,k}-u_{i-2,k})$
7	$\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}$		$\frac{\partial^2 u_{ik}}{\partial x\partial y}=\frac{1}{4hl}(u_{i+1,k+1}-u_{i+1,k-1}-$ $-u_{i-1,k+1}+u_{i-1,k-1})$
8	$\frac{\partial^4 u}{\partial y^4}$		$\frac{\partial^4 u_{ik}}{\partial y^4}=\frac{1}{l^4}(u_{i,k+2}-4u_{i,k+1}+$ $+6u_{i,k}-4u_{i,k-1}+u_{i,k-2})$



3- чизма

$\overline{G}$ соҳанинг барча тугунлари учун u_{ik} функциянинг қийматларини ҳисоблашда тугунлар нечта бўлса, шунча тенгламадан иборат система тузилиши керак.

Квадрат тўрли (яъни $l = k$ бўлган) соҳада (6) тенглама соддалашади:

$$u_{i+1,k}+u_{i-1,k}+u_{i,k+1}+ + u_{i,k-1} - 4u_{ik} = = h^2 f_{ik} \qquad (7)$$

ёки Лаплас тенгламаси учун:

$$u_{ik}=\frac{1}{4}(u_{i+1,k}+u_{i-1,k}+ + u_{i,k-1}+u_{i,k+1}) \qquad (8)$$



4- чизма

(3- чизма; тугунлар ўз индекслари билан ишораланган), ёки 4- чизмада кўрсатилган схемадан фойдаланилса, Лаплас ва Пуассон тенгламалари учун чекли — айирмали тенгламалар қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{cases} u_{ik} = \frac{1}{4}\,(u_{i-1,k-1}+u_{i+1,k-1}+u_{i-1,k+1}+u_{i+1,k+1}), \\ u_{ik} = \frac{1}{4}\,(u_{i-1,k-1}+u_{i+1,k-1}+u_{i-1,k+1}+u_{i+1,k+1}) + \\ +\frac{h^2}{2}\,f_{ik}. \end{cases} \qquad (9)$$

Лаплас тенгламасини чекли — айирмали тенглама билан алмаштириш хатоси $|R_{ik}| \leqslant \frac{h^2}{6}\,M_4$ тенгсизлик билан баҳоланади, бунда M_4 $\max\left\{\left|\frac{\partial^4 4}{\partial x^4}\right|, \left|\frac{\partial^4 u}{\partial y^4}\right|\right\}$.

Агар тўр ячейкалари тўғри тўртбурчак шаклида бўлса (яъни тўғри тўртбурчакли тўр, 5- чизма), $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=f(x,y)$ Пуассон тенгламасини ечиш учун



5- чизма

$$u_M=\frac{a^2(u_A+u_C)+b^2(u_B+u_D)-a^2b^2f_M}{2(a^2+b^2)}$$

айирмали тенгламани оламиз. Квадрат ($a=b$) бўлган ҳол учун бу тенглама соддалашиб, (9) муносабатларнинг иккинчиси ҳосил бўлади. Параллелограмм тўр учун (6- чизма):



6- чизма

$$u_M=\frac{\lambda_1 s_1+\lambda_2 s_2+\lambda_3 s_3}{\lambda_1+\lambda_2+\lambda_3}-$$

$$-\frac{f_M\sin^2\varphi}{2(\lambda_1+\lambda_2+\lambda_3)},\quad \lambda_1=\frac{-\cos\varphi}{ab}+\frac{1}{b^2}.$$

$$\lambda_2=\frac{1}{a^2}-\frac{\cos\varphi}{ab},\quad \lambda_3=\frac{\cos\varphi}{ab},\quad s_1=\frac{u_A+u_D}{2},$$

$$s_2=\frac{u_B+u_E}{2},\quad s_3=\frac{u_C-u_F}{2}.$$

$\varphi=\frac{\pi}{2}$ да тўғри тўртбурчакли тўрга, $a=b$, $\varphi=\frac{\pi}{3}$ да тенг томонли учбурчакли тўрга ўтилади (7- чизма). Кейинги ҳолда:



7- чизма

$$u_M=\frac{s_1+s_2+s_3}{3}-\frac{f_M a^2}{4}=$$

$$=\frac{u_A+u_B+u_C+u_D+u_E+u_F}{6}-\frac{f_M a^2}{4}.$$



8- чизма

1-мисол. Текис пластинка томони 1 га тенг квадрат шаклида бўлиб, ташқи муҳитдан изоляцияланган, чекка нуқталари эса 8-чизмада кўрсатилганидек доимий катталикдаги температура билан иситилади. Пластинканинг ички нуқталарида температура қандай тақсимланиши аниқлансин.

Ечиш: Температура тақсимотини $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=$ $=0$ Лаплас тенгламасининг $u=u\,(x,\ y)$ ечими беради. Координаталар бошини A (0; 0) нуқтага жойлаштирайлик. Тўққизта (1; 1), (2; 1), . . . , (3; 3) ички нуқталардаги (тугунлардаги) u_{11}, u_{21}, . . . , u_{33} қийматларни топишимиз керак. Чегаравий қийматлар симметрик ($u_{11}=$ $=u_{31}$, $u_{12}=u_{32}$, $u_{13}=u_{33}$) бўлганидан, тўққизта эмас, балки олти тугун учун (9) чекли—айирмали тенгламадан иборат система тузамиз:

$$\left|\begin{array}{l} 0+u_{21}+u_{12}+0=4u_{11}, \\ u_{11}+0+u_{31}+u_{22}=4u_{21}, \\ 0+u_{11}+u_{22}+u_{13}=4u_{13}, \\ u_{12}+u_{21}+u_{32}+u_{23}=4u_{22}, \\ 0+u_{12}+u_{23}+10000=4u_{13}, \\ u_{12}+u_{22}+u_{33}+10000=4u_{23}, \end{array}\right. \quad \text{ёки} \quad \left|\begin{array}{l} u_{21}+u_{12}=4u_{11}, \\ 2u_{11}+u_{22}=4u_{21}, \\ u_{11}+u_{22}+u_{13}=4u_{12}, \\ u_{21}+2u_{12}+u_{23}=4u_{22}, \\ u_{12}+u_{23}+10000=4u_{13}, \\ u_{12}+u_{22}+u_{13}+10000=4u_{23}. \end{array}\right.$$

Системани Гаусс усули билан ечиб, $u_{11}=u_{31}=714$, $u_{21}=$ $=982$, $u_{12}=u_{32}=1875$, $u_{22}=2500$, $u_{13}=u_{33}=4286$, $u_{23}=$ $=5268$ қийматларни топамиз.

Чекли — айирмали тенгламалар системасини итерация усули билан ечиш (Либман ўрталаш жараёни): $u_{ij}^{[0]}$ бошланғич яқинлашиш танланади; турли соҳанинг ички нуқталари учун $u_{ij}^{[k]}$ яқинлашишлар ушбу формула бўйича топилади:

$$u_{ij}^{[k+1]} = \frac{1}{4}[u_{i+1,j}^{[k]} + u_{i-1,j}^{[k]} + u_{i,j+1}^{[k]} + u_{i,j-1}^{[k]}], \quad k = 0, 1, 2, \ldots \qquad (10)$$



9- чизма



10- чизма

Бошланғич яқинлашишни топиш йўллари: 1) ички тугунларга мос бошланғич яқинлашишни топиш учун чегарадаги қийматларга асосланган интерполяциядан фойдаланиш; 2) чекли айирмали тенгламаларни каттароқ қадам бўйича тузиш. Лаплас тенгламаси тақрибий ечимининг хатоси Рунге принципидан фойдаланиб баҳоланиши мумкин.

2-мисол. Чегаравий шартлар квадратда (9-чизма) берилган Лаплас тенгламаси ечилсин.

Ечиш: Масалани ечиш учун 10-чизмада тасвирланганидек ҳисоблаш андазаси ясалади (ҳар қайси тугун квадратга алмаштирилган). Итерация жараёнида чегаравий қийматлар ўзгармай қолади. Шунга кўра кейинги андазалар бу қийматларсиз, 5×5 кўринишидаги квадратлар шаклида тасвирланади. Андазаларни тўлдириш тартиби:

1) Бошланғич яқинлашишларни аниқлаш: ички тугунлардаги чегаравий қийматларни интерполяциялаймиз.

1-андаза

12,88	10,30	7,72	5,15	2,31
24,54	19,69	14,85	10,00	5,15
34,05	27,65	21,25	14,85	7,72
40,92	35,29	27,65	19,69	10,30
45,46	40,92	34,05	24,54	12,88

2-андаза

12,57	10,07	7,58	5,08	2,58
24,00	19,34	14,66	10,00	
33,39	27,32	21,25		
40,34	34,28			
45,46				

$u\ (x,\ y)$ функция 5-устун бўйича (пастдан юқорига томон) 15,45 дан 0,00 гача чизиқли камаяди, деб қабул қилинса, u_{i5} нинг бошланғич қийматлари сифатида $u_{i5}^{[0]} = \frac{15{,}45}{6}\ (6 - i)\ (i = \overline{1;5})$ қийматлар олиниши мумкин: $u_{15}^{[0]} = 12{,}88,\ u_{25}^{[0]} = 10{,}30,\ u_{35}^{[0]} = 7{,}72,\ u_{45}^{[0]} = 5{,}15,\ u_{55}^{[0]} = 2{,}31$. Бунда $u_{5i}^{[0]} = u_{i5}^{[0]}$ бўлганидан, ўнг томондаги 5-устун ва юқоридан биринчи сатр катакларини симметрик тўлдирамиз (1-андаза). Энди юқоридан иккинчи сатр (ва ўнгдан иккинчи устун) элементларини ҳисоблашда $u\ (x,\ y)$ функция 29,39 дан 5,15 гача чизиқли камаювчи деб олинади ва $u_{i4}^{[0]} = \frac{29{,}39 - 5{,}15}{5}\ (6 - i) + 5{,}15\ (i = \overline{2;5})$ муносабатдан фойдаланилади. Шу тартибда 1-андазанинг қолган катаклари тўлдирилади; 2) 1-андазани асосий андазанинг (10-чизма) ўртасига (бўш катаклар устига) жойлаштирамиз ва (10) формуладан фойдаланиб, 1-яқинлашишларни бирма-бир ҳисоблаймиз. Жумладан,

$$u_{15}^{[1]} = \frac{1}{4}\ (u_{25}^{[0]} + u_{05}^{[0]} + u_{16}^{[0]} + u_{14}^{[0]}) = \frac{1}{4}\ (10{,}30 + 15{,}45 + 0{,}00 + 24{,}54) = 12{,}57,$$

$$u_{14}^{[1]} = \frac{1}{4} \left(u_{24}^{[0]} + u_{04}^{[0]} + u_{15}^{[0]} + u_{13}^{[0]}\right) = \frac{1}{4} (19{,}69 + 29{,}39 +$$
$$+ 34{,}05 + 12{,}88) = 24{,}00.$$

Натижаларни 2-андазага ёзамиз (қийматлар симметрик бўлганидан, андазанинг фақат ярми тўлдирилган). Ҳисоблашлар кетма-кет келувчи иккита итерация (иккита андаза қийматлари) бир-биридан тайинланган ε қадар (масалан, 0,05 гача аниқликда) фарқ қилганида тўхтатилади. Қуйида намуна учун яна икки андаза келтирилган:

11-андаза

11,89	9,18	6,94	4,60	2,32
22,84	17,81	13,42	9,06	
32,07	25,58	19,58		
39,24	32,47			
44,64				

16-андаза

11,78	9,00	6,64	4,43	2,22
22,66	17,51	13,06	8,78	
32,86	25,22	19,18		
39,05	32,16			
44,54				

16-андаза қийматлари 2-мисолда берилган чегаравий масаланинг ечимларидан иборат.

Параболик тур тенгламалар учун тўрлар усули. Ушбу

$$\frac{\partial u}{\partial t} = a^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \qquad (11)$$

тенгламани,

$$u(x, 0) = f(x) \ (0 < x < s) \qquad (12)$$

бошланғич шартни ва

$$u(0, t) = \varphi(t), \ u(s, t) = \psi(t) \qquad (13)$$



11- чизма



12- чизма



13- чизма

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи $u(x, t)$ функцияни топиш талаб қилинади (иссиқлик ўтказувчанлик учун аралаш масала). Бунинг учун $\tau = a^2 t$ алмаштириш орқали (11) тенглама $\frac{\partial u}{\partial \tau} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$ кўринишга келтирилади. Шунга кўра кейинги мулоҳазаларда $a = 1$ деб қабул қилиниши мумкин.

Айтайликки, $t \geqslant 0$, $0 \leqslant x \leqslant s$ ярим текисликда иккита $x = ih$, $t = jl$ $(i, j = 0, 1, 2, \ldots)$ параллел тўғри чизиқлар оиласи қурилган бўлсин (11- чизма).

Биз $x_i = ih$, $t_j = jl$, $u(x_i, t_j) = u_{ij}$ белгилашларни киритамиз ва ҳар қайси (x_i, t_j) ички тугун учун ҳосилаларни мос айирмалар билан алмаштирамиз:

$$\left(\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}\right)_{ij} \approx \frac{u_{i+1,j} - 2u_{ij} + u_{i-1,j}}{h^2}, \qquad (14)$$

$$\left(\frac{\partial u}{\partial t}\right)_{ij} \approx \frac{u_{i,j+1} - u_{ij}}{l}$$

ёки

$$\left(\frac{\partial u}{\partial t}\right)_{ij} \approx \frac{u_{ij} - u_{i,j-1}}{l}. \qquad (14')$$

$a = 1$ бўлган ҳолда (11) тенглама қуйидагича алмаштирилиши мумкин:

$$\frac{u_{i,j+1} - u_{ij}}{l} = \frac{u_{i+1,j} - 2u_{ij} + u_{i-1,j}}{h^2}, \qquad (15)$$

$$\frac{u_{ij} - u_{i,j-1}}{l} = \frac{u_{i+1,j} - 2u_{ij} + u_{i-1,j}}{h^2} \qquad (15')$$

ёки $\sigma = l/h^2$ белгилаш киритилса:

$$u_{i,j+1} = (1-2\sigma)\, u_{ij} + \sigma\,(u_{i+1,j} + u_{i-1,j}) \ (16) \ (12\text{-чизма}),$$

$$(1+2\sigma)\, u_{ij} - \sigma\,(u_{i+1,j} + u_{i-1,j}) - u_{i,j-1} = 0 \ (17) \ (13\text{-чизма}).$$

Кейин σ шундай танланиши лозимки, натижада айирмали тенглама турғун ва хатоси энг кичик бўлсин. (17) тенглама ҳар қандай σ да, (16) тенглама эса $0 < \sigma \leqslant 0{,}5$ да турғундир. $\sigma = 1/2$ ва $\sigma = 1/6$ да (16) тенглама $u_{i,j+1} = \frac{u_{i-1,j}+u_{i+1,j}}{2}$, $u_{i,j+1} = \frac{1}{6}(u_{i-1,j} + 4u_{ij} + u_{i+1,j})$ кўринишига келади. Бу тенгламалар ва (17) тенглама $0 \leqslant x \leqslant s$, $0 \leqslant t \leqslant T$ соҳада мос равишда

$$|u-\overline{u}| \leqslant \frac{2}{3} M_1 h^2, \quad |u-\overline{u}| \leqslant \frac{T}{135} M_4 h^4,$$

$$|u-\overline{u}| \leqslant T\left(\frac{l}{2} + \frac{h^2}{12}\right) M_1$$

хатога эга бўлади, бунда

$$M_1 = \max\ \{|f^{(4)}(x)|,\ |\varphi'(t)|,\ |\psi''(t)|\},\ 0 \leqslant t \leqslant T,\ 0 \leqslant x \leqslant s,$$

$$M_2 = \max\ \{|f^{(6)}(x)|,\ |\varphi^{(4)}(t)|,\ |\psi^{(4)}(t)|\},\ 0 \leqslant t \leqslant T,\ 0 \leqslant x \leqslant s.$$

Бир жинсли бўлмаган параболик тенглама учун аралаш масала тўрлар усули билан ечилганида $\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + F(x, t)$ дифференциал тенглама $u_{i,j+1} = (1-2\sigma)\, u_{ij} + \sigma\,(u_{i+1,j} + u_{i-1,j}) + lF_{ij}$, ёки $\sigma = 1/2$ ва $\sigma = 1/6$ бўлганда

$$u_{i,j+1} = 0{,}5\,(u_{i+1,j} + u_{i-1,j}) + lF_{ij}, \tag{16'}$$

$$u_{i,j+1} = \frac{1}{6}(u_{i-1,j} + 4u_{ij} + u_{i+1,j}) + lF_{ij} \tag{17'}$$

айирмали тенгламага алмаштирилади. Кейинги икки айирмали тенгламанинг хатоси қуйидагича баҳоланади:

$$|\overline{u} - u| \leqslant \frac{1}{4}\left(M_2 + \frac{1}{3} M_4\right) h^2, \ |\overline{u} - u| \leqslant$$

$$\leqslant \frac{1}{12}\left(\frac{1}{3} M_3 + \frac{1}{5} M_5\right) h^4,$$

бунда

$$M_2 = \max\left\{\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}\right\} M_3 = \max\left\{\frac{\partial^3 u}{\partial x^3}\right\},\ M_4 = \max\left\{\frac{\partial^4 u}{\partial x^4}\right\},$$

$$M_5 = \max\left\{\frac{\partial^5 u}{\partial x^5}\right\},$$

3-мисол. $\sigma = 0{,}5$ бўлган ҳол учун (16) тенгламадан фойдаланиб, $\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$, $u\,(x,\ 0) = \sin \pi x\ (0 \leqslant x \leqslant 1,\ u\,(0,\ t) = u\,(1;\ t) = 0,\ (0 \leqslant t \leqslant 0{,}025)$ масала ечилсин.

Ечиш: x аргумент бўйича қадам $x = 0{,}1$ бўлсин. $\sigma = \frac{l}{h^2} = 0{,}5$. Шунга кўра t аргумент бўйича қадам $l = 0{,}5h^2 = 0{,}005$ бўлади. Чегара қийматлари симметрик. Шу сабабли жадвалга $x = 0;\ 0{,}1;\ 0{,}2;\ \ldots;\ 0{,}5$ га мос қийматларни киритамиз. Ҳисоблашлар $u_{i,j+1} = \frac{u_{i-1,j} + u_{i+1,j}}{2}$ формула бўйича бажарилади. Ҳисоблашлардан намуналар:

$j = 0$ учун $u_{11} = 0{,}5\,(u_{20} + u_{00}) = 0{,}5\,(0{,}5878 + 0) = 0{,}2939,$

$$u_{21} = 0{,}5\,(u_{30} + u_{10}) = 0{,}5\,(0{,}8090 + 0{,}3090) = 0{,}5590.$$

3-мисолга **Тўрлар усули**

j	t \ x	0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5
0	0	0	0,3090	0,5878	0,8090	0,9511	1,0000
1	0,005	0	0,2939	0,5590	0,7699	0,9045	0,9511
2	0,010	0	0,3795	0,5316	0,7318	0,8602	0,9045
3	0,015	0	0,2658	0,5056	0,6959	0,8182	0,8602
4	0,020	0	0,2528	0,4808	0,6619	0,7780	0,8182
5	0,025	0	0,2404	0,4574	0,6294	0,7400	0,7780
$\bar{u}\,(x,\ t)$	0,025	0	0,2414	0,4593	0,6321	0,7431	0,7813
$\lvert \bar{u} - u \rvert$	0,025	0	0,0010	0,0019	0,0027	0,0031	0,0033

Иссиқлик ўтказиш тенгламаси учун ҳайдаш усули. Бу ерда $0 \leqslant x \leqslant a$, $0 \leqslant t \leqslant T$ ярим текисликда

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \tag{18}$$

тенгламанинг $u\,(x,\ 0) = f\,(x)$, $u\,(0,\ t) = \varphi\,(t)$, $u\,(0,\ t) = \psi\,(t)$, бошланғич ва чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечимини топиш талаб қилинади. Бунинг учун x ва t аргументлар бўйича h ва l қадамлар танланади, ҳосилалар ҳар қайси ички тугунга мос равишда чекли айирмали ифодалар билан алмаштирилади ва $f(x)$, $\varphi(t)$, $\psi(t)$ функцияларнинг чегаравий нуқталарда қийматлари ҳисобланади. $s = h^2/l$ алмаштириш киритиб, ушбу системага эга бўламиз:

$$u_{i-1,j+1} - (2+s)\,u_{i,j+1} + u_{i+1,j+1} + s u_{ij} = 0, \qquad (19)$$

$$(i = \overline{1;n},\ j = 0,\ 1,\ 2,\ \ldots)$$

$$u_{i0} = f(x_i), \qquad (20)$$

$$u_{0j} = \varphi(t_j), \qquad (21)$$

$$u_{nj} = \psi(t_j). \qquad (22)$$

Бу системани ечиш учун дастлаб (19) тенглама

$$u_{i,j+1} = a_{i,j+1}\,(b_{i,j+1} + u_{i+1,j+1}) \qquad (23)$$

кўринишига келтирилади, бунда $a_{i,j+1}$, $b_{i,j+1}$ сонлар

$$a_{1,j+1} = 1/(2+s),\quad b_{1,j+1} = \varphi(t_{j+1}) + u_{1j}s \qquad (24)$$

$$a_{i,j+1} = 1/(2+s-a_{i-1,j+1}),\quad b_{i,j+1} = a_{i-1,j+1}\,b_{i-1,j+1} + $$
$$+ s u_{ij}\ (i = \overline{2;n}) \qquad (25)$$

формулалар бўйича топилади. Сўнг (22) чегаравий шартлар бўйича $u_{n,j+1} = \psi(t_{j+1})$, (23) формула бўйича $u_{i,j+1}$ кетма-кет аниқланади (бунда $i = n-1,\ n-2,\ \ldots,\ 1$). Масалани ечиш тартиби:

Тўғри юриш: (21) чегаравий шартлар ва (24), (25) формулалар бўйича $a_{1,j+1}$, $b_{1,j+1}$, $a_{i,j+1}$, $b_{i,j+1}$ $(i = \overline{2;n})$ сонлар топилади.

Тескари юриш: (22) чегаравий шартлардан $u_{n,j+1} = \psi(t_{j+1})$ аниқланади. Сўнг (23) формула бўйича қуйидагилар ҳисобланади:

$$u_{n-1,j+1} = (u_{n,j+1} + b_{n-1,j+1})\,a_{n-1,j+1},$$
$$u_{n-2,j+1} = (u_{n-1,j+1} + b_{n-2,j+1})\,a_{n-2,j+1}, \qquad (26)$$
$$\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots$$
$$u_{1,j+1} = (u_{2,j+1} + b_{1,j+1})\,a_{1,j+1}.$$

4-мисол. Ҳайдаш усули қўлланилиб, $\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$ тенгламани ва $u(x,0) = 4x(1-x)$, $u(0,t) = u(1,t) = 0$ шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин.

Ечиш: Айтайлик, $h = 0{,}1$, $l = 0{,}01$ бўлсин. Унда

$s = h^2/l = 1$ бўлади. $u\,(x,\ t)$ функциянинг $t = 0{,}01$ қатламдаги қийматини аниқлаймиз.

Тўғри юриш: Жадвал тузиб, унинг u_{i0}- сатрига $f\,(x_i)$ $(i = \overline{0;\ 10})$ бошланғич қийматларни тўлдирамиз ва $j = 0$ учун (24), (25) формулалар бўйича қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

$$a_{11} = 1/3,\ \ b_{11} = u_{10} = 0{,}36,\ \ a_{21} = 1/(3 - a_{11}) = 3/8 = 0{,}375,$$
$$b_{21} = a_{11}b_{11} + u_{20} = 0{,}12 + 0{,}64 = 0{,}76,\ \ a_{31} = 1/(3 - a_{21}) =$$
$$= 1/2{,}625 = 0{,}381,\ \ b_{31} = a_{21}b_{21} + u_{30} = 0{,}375 \times$$
$$\times\, 0{,}760 + 0{,}84 = 1{,}125.$$

4- мисолга **Ҳайдаш усули**

i	0	1	2	3	4	5	6	7	8	10
u_{i0}	0	0,360	0,640	0,840	0,960	1,000	0,960	0,840	0,640	0
a_{i1}		0,333	0,375	0,381	0,382	0,382	0,382	0,382	0,382	
b_{i1}		0,360	0,760	1,125	1,389	1,530	1,544	1,430	1,186	
u_{i1}	0	0,310	0,572	0,764	0,882	0,921	0,882	0,764	0,571	0

Тескари юриш: Чегаравий шартлардан $u_{10,1} = 0$, (26) формулалар бўйича эса u_{i1} $(i = 9,8,\ \ldots,\ 1)$ қийматларни ҳисоблаймиз. Жумладан, $j = 0$ да:

$$u_{91} = (u_{10,1} + b_{91})\ a_{91} = 0{,}813 \cdot 0{,}382 = 0{,}310,$$
$$u_{81} = (u_{91} + b_{81})\ a_{81} = (0{,}310 + 1{,}186) \cdot 0{,}382 = 0{,}571,$$
$$\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots$$
$$u_{11} = (u_{21} + b_{11})\ a_{11} = (0{,}572 + 0{,}360) \cdot 0{,}333 = 0{,}310.$$

Гиперболик тур тенгламалар учун тўрлар усули. Тор тебраниши учун аралаш масалада

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = a^2\,\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \tag{27}$$

тенгламанинг

$$u\,(x,\ 0) = f\,(x),\ \ u_t\,(x,\ 0) = \varphi\,(x),\ \ 0 \leqslant x \leqslant s, \tag{28}$$

бошланғич ҳамда

$$u\,(0,\ t) = \varphi\,(t),\ \ u\,(s,\ t) = \psi\,(t) \tag{29}$$

чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечимини топиш талаб қилинади. Бунинг учун янги $\tau = at$ ўзгарувчи киритиш орқали (27) тенглама

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \qquad (30)$$

кўринишга келтирилади (бошқа сўз билан айтганда $a = 1$ деб олинади). Энди $t \geqslant 0$, $0 \leqslant x \leqslant s$ (14- чизма) ярим текисликда $x = ih$, $t = jl$ $(i, j = \overline{0; n})$ параллел тўғри чизиқлар оиласини қурамиз ва (30) тенгламани чекли айирмали тенглама билан алмаштирамиз:



14- чизма

$$\frac{u_{i,j+1} - 2u_{ij} + u_{i,j-1}}{l^2} = \frac{u_{i+1,j} - 2u_{ij} + u_{i-1,j}}{h^2} \qquad (31)$$

Агар $\alpha = l/h$ белгилаш киритилса, бу тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$u_{i,j+1} = 2u_{ij} - u_{i,j-1} + \alpha^2 (u_{i+1,j} - 2u_{ij} + u_{i-1,j}). \qquad (32)$$

(32) тенглама $\alpha \leqslant 1$ да турғунликка эга, у $\alpha = 1$ да қуйидаги кўринишга келади:

$$u_{i,j+1} = u_{i+1,j} = u_{i-1,j} - u_{i,j-1}. \qquad (33)$$

(33) тенглама хатоси қуйидагича баҳоланади:

$$|\bar{u} - u| \leqslant \frac{h^2}{12} [M_4 h + 2M_2) T + T^2 M_4], \qquad (34)$$

бунда $\bar{u}$ — аниқ ечим, $M_k = \max \left\{ \left| \frac{\partial^k u}{\partial x^k} \right|, \left| \frac{\partial^k u}{\partial t^k} \right| \right\}$.

(32) тенгламани тузишда 14- чизмада кўрсатилган тугунлардан фойдаланилган. Бунга қараганда $u\ (x, t)$ функциянинг t_{j+1} қатламдаги қийматини ҳисоблаш учун ундан олдинги икки қатламдаги қийматларини билиш зарур. Шу мақсадда қуйидаги усуллардан фойдаланилади.

1- усул: (28) бошланғич шартда $u_t\ (x, 0)$ ҳосила $\frac{u_{i1} - u_{i0}}{l} = \Phi\ (x_i) = \Phi_i$ айирмали ифода билан алмаштирилади. Натижада $j = 0$, $j = 1$ қатламларда $u\ (x, t)$ функциянинг қийматлари учун ушбу

$$u_{i0} = f_i, \quad u_{i1} = f_i + l\Phi_i \qquad (35)$$

формулалар ҳосил бўлади. Хато қуйидагича баҳоланади:

$$|\widetilde{u}_{i1}-u_{i1}| \leqslant \frac{\alpha h}{2} M_2, \quad M_2=\max\left\{\left|\frac{\partial u^2}{\partial t^2}\right|, \left|\frac{\partial u^2}{\partial x^2}\right|\right\}. \tag{36}$$

2-усул: $u_t(x, 0)$ ҳосила $(u_{i1}-u_{i,-1})/(2l)$ айирмали ифода билан алмаштирилади, бунда $u_{i,-1}$ ифода $u(x, t)$ функциянинг $j=-1$ қатламдаги қиймати. (28) бошланғич шартдан фойдаланиб, $u_{i0}=f_i$, $(u_{i1}-u_{i,-1})/(2l)=\Phi_i$ га эга бўламиз. $j=0$ қатлам учун (33) тенгламани ёзамиз: $u_{i1}=u_{i+1,0}+$ $+u_{i-1,0}-u_{i,-1}$. Кейинги икки тенгламадан $u_{i,-1}$ ни чиқарамиз:

$$u_{i0}=f_i, \quad u_{i1}=0,5\,(f_{i+1}+f_{i-1})+l\Phi_i. \tag{37}$$

Хато:

$$|\widetilde{u}_{i1}-u_{i1}| \leqslant \frac{h^4}{12} M_4+\frac{h^3}{6} M_3, \quad M_k=\max\left\{\left|\frac{\partial^k u}{\partial t^a}\right|, \left|\frac{\partial^k u}{\partial x^l}\right|\right\},$$
$$k=3,4.$$

5-мисолни ечишда бу усулдан фойдаланилган.

5-мисол. $\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}=\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$, $\quad u(x, 0)=0,2x(1-x)\sin\pi x$, $u_t(x, 0)=0$, $u(0, t)=u(1, t)=0$ масала тўрлар усули қўлланилиб ечилсин.

Ечиш: $h=l=0,05$ қадам билан квадрат тўр ясаймиз. Бошланғич шартдан фойдаланиб,

$$u_{i0}=f_i, \quad u_{i1}=0,5\,(f_{i+1}+f_{i-1}) \quad (i=\overline{0;10}) \tag{38}$$

системани тузамиз. Жадвални тўлдириш тартиби:

1) $u_{i0}=f(x_i)$ қийматларни ҳисоблаб, биринчи сатрга ёзамиз. Масалада берилган маълумотлар симметрик бўлганидан жадвални $0 \leqslant x \leqslant 0,5$ учун тўлдириш етарли. Биринчи устунга чегара қийматлари ёзилади.

2) Биринчи сатрдаги u_{i0} қийматлардан фойдаланиб, (38) формула бўйича u_{i1} ни ҳисоблаймиз ва иккинчи сатрга ёзамиз.

3) (33) формула бўйича $j=1$ учун u_{ij} қийматларини ҳисоблаймиз:

$$u_{12}=u_{21}+u_{01}-u_{10}=0,0065+0-0,0015=0,0050,$$
$$u_{22}=u_{31}+u_{11}-u_{20}=0,0122+0,0028-0,0056=0,0094,$$
$$\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots$$

$$u_{10,2} = u_{11,1} + u_{91} - u_{10,0} = 0{,}0478 + 0{,}0478 - 0{,}0500 = \\ = 0{,}456.$$

Шу тартибда $j = 2, 3, \ldots, 10$ учун ҳисоблашлар бажарилади. Солиштириш мақсадида энг охирги сатрда ечимнинг аниқ қийматлари келтирилган.

5-мисолга u_{ij} қийматлари $\times 10^{-4}$ **Турлар усули**

y_i \ x_i	0	0,05	0,10	0,15	0,20	0,25	0,30	0,35	0,40	0,45	0,50
0	0	15	56	116	186	265	340	405	457	489	500
0,05	0	28	65	122	190	264	335	398	447	478	489
0,10	0	50	94	139	198	260	322	377	419	447	456
0,15	0	66	124	170	209	256	302	343	377	397	405
0,20	0	74	142	194	228	251	277	302	321	335	338
0,25	0	76	144	200	236	249	251	255	260	262	265
0,30	0	70	134	186	221	236	227	209	196	190	186
0,35	0	58	112	155	186	199	194	168	139	120	115
0,40	0	42	79	112	133	144	140	124	92	64	54
0,45	0	21	42	57	70	74	74	64	42	26	13
0,50	0	—1	—1	0	—2	0	—2	—1	—2	—2	—2
	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

МАШҚЛАР

1. Ўзгармас куч таъсири остида квадрат пластинканинг деформацияланиши $\Delta u = -1$ Пуассон тенгламасига келади, чегара қийматлари нолга тенг. Тенглама тўрлар усули қўлланилиб ечилсин.

2. Тўрлар усули қўлланилиб, Лаплас тенгламасининг p, q, r, s нуқталардаги ечими топилсин, чегара шартлари 15- чизмада кўрсатилган (квадрат тўр), $\alpha = 0{,}9 + 0{,}1k$ $(k = 0, 1, 2)$, $\beta = 1{,}01 + 0{,}01n$ $(n = 0, 1, 2, 3, 4)$.



15- чизма

3. Учлари $A(0;\ 0)$, $B(0;\ 1)$, $C(1;\ 1)$, $D(1;\ 0)$ нуқталарда жойлашган квадрат учун Лаплас тенгламасининг ечимини топинг. Чегара шартлари жадвалда келтирилган. Ечим қийматларини $h = 0{,}25$ қадам билан ҳисобланг.

3-машқ учун

Вариант	$u\|_{AB}$	$u\|_{BC}$	$u\|_{CD}$	$u\|_{AD}$
1	$30y$	$30(1-x)$	0	0
2	$30y$	$30\cos\frac{\pi x}{2}$	$30\cos\frac{\pi y}{2}$	0
3	$50y(1-y^2)$	0	0	$50\sin\pi x$
4	$20y$	20	$20y^2$	$50x(1-x)$
5	0	$50x(1-x)$	$50y(1-y^2)$	$50x(1-x)$
6	$30\sin\pi y$	$20x$	$20y$	$30x(1-x)$

4. $x=0{,}1\,m\,(m=0{,}1,\ \ldots,\ 10)$, $t=0{,}02$ тўрда $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+\alpha(x^2-2t)$ $(0\leqslant x\leqslant 1,\quad 0\leqslant t\leqslant 0{,}02)$ тенгламанинг $u(x,\ 0)=0$ $(0\leqslant x\leqslant 1)$, $u(0,\ t)=0$, $u(1,\ t)=\alpha l(0\leqslant t\leqslant 0{,}02)$ шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин, $\alpha=0{,}5k$, $k=\overline{1;6}$, $h=0{,}1$, $l=0{,}02$.

5. $x=0{,}1m\,(m=0{,}1,\ \ldots,\ 10)$, $t=0{,}02$ тўр учун $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{1}{\alpha}\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$ $(0\leqslant x\leqslant 1,\quad 0\leqslant t\leqslant 0{,}02)$, $u(0,t)=e^{\alpha t}$, $u(1,t)=e^{\alpha(t-1)}$ $(0\leqslant t\leqslant 0{,}02)$, $u(x,\ 0)=e^{-\alpha x}$ $(0\leqslant x\leqslant 1)$, $\alpha=2+0{,}3k$, $k=-4,\ -3,\ -2,-1,\ 1,\ 2{,}3{,}4$ масаланинг ечими топилсин $(h=0{,}1)$.

6. $\frac{\partial^2 u(x,\ y)}{\partial x^2}+\frac{\partial^2 u\,(x,\ y)}{\partial y^2}=2(1+\alpha)$, $u(x,\ 0)=x^2$, $u(0,\ y)=\alpha y^2$, $(0\leqslant x,\ \ y\leqslant 1)$, $u|_\Gamma=(1-\alpha)x^2+\alpha$ Пуассон тенгламаси учун чегаравий масала $(x_m,\ y_n)$, $x_m=0{,}2m$, $y_n=0{,}2n$ тўрда ечилсин, бунда Γ — айлананинг бир қисми, $x\geqslant 0$ ва $y\geqslant 0$ да $x^2+y^2=1$; $a=0{,}3k$ $(k=\overline{1;10})$.

10-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1-топшириқ: Учлари $A(0;0)$, $B(0;\ 1)$, $C(1;\ 1)$ $D(1;\ 0)$ нуқталарда жойлашган квадрат учун Лаплас тенгламаси Либман усули қўлланиб ечилсин. Қадам $h=0{,}125$, чегаравий шартлар жадвалда берилган, $\varepsilon=0{,}01$.

Вариант	$u\|_{AB}$	$u\|_{BC}$	$u\|_{CD}$	$u\|_{AD}$
1	$24y$	$24(1-x^2)$	0	0
2	$24y$	$24\cos\frac{\pi x}{2}$	$24\cos\frac{\pi y}{2}$	0
3	$48y(1-y^2)$	0	0	$48\sin\pi x$
4	$20y$	20	$20y^2$	$48x(1-x)$
5	0	$48x(1-x)$	$48y(1-y^2)$	$48x(1-x)$
6	$24\sin\pi y$	20	$16y$	$24x(1-x)$
7	$24(1-y)$	$16\sqrt{x}$	$16y$	$24x(1-x)$
8	$24(1-y)$	$20\sqrt{x}$	$20y$	$24(1-x)$
9	$48\sin\pi y$	$30\sqrt{x}$	$30y^2$	$48\sin\pi x$
10	$30y^2$	30	30	$30\sin\frac{\pi x}{2}$
11	$24y^2(1-y)$	$42\sin\pi x$	0	$8x^2(1-x)$
12	$18y$	$18(1-x^2)$	$27\sqrt{y}(1-y)$	0
13	$20(1-y^2)$	$20x$	20	20
14	$30y^2$	30	$30y$	$15x(1-x)$
15	$30y$	$30(1-x^2)$	0	0
16	$20y$	$20\cos(\pi x/2)$	$20\cos(\pi y/2)$	$30x^2$
17	$28y(1-y^2)$	0	0	$28\sin\pi x$
18	$48\sin\pi y$	$24\sqrt{x}$	$24y^2$	$48\sin\pi x$
19	$32y^2$	32	40	$32\sin\pi x/2$
20	$30\sin\pi y$	$10x$	$10y$	$30x(1-x)$
21	$30\sqrt{y}$	$30(1-x)$	$20y(1-y)$	0
22	$48y$	$48(1-x)$	40	$\begin{cases}64(1-x), & 0{,}5<x\leqslant 1,\\ 64x, & 0\leqslant x\leqslant 0{,}5\end{cases}$
23	$40y^2(1-y)$	$68\sin\pi x$	0	$12x^2(1-x)$
24	$50y^2$	50	$50y$	$50x(1-x)$
25	$10\sqrt{y}$	$10(1-x)$	$20y(1-y)$	0

2-топшириқ: $\frac{\partial u}{\partial t}=\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$, $u(x,0)=f(x)$, $u(0,t)=\varphi(t)$, $u(1,t)=\psi(t)\,(0\leqslant t\leqslant T)$ чегаравий масала ечилсин, x бўйича қадам $h=0{,}1$:

а) $f(x)=(ax^2+b)\sin\pi x$, $\varphi(t)=0$, $T=0{,}02$ учун:

Вариант	a	b
1	1,1	1,2
2	1,3	1,1
3	1,5	1,3
4	1,3	1,4

б) $f(x) = e^{-bx} \sin ax$, $\varphi(t) = 0$, $\psi(t) = e^{-b} \sin a$, $T = 0{,}02$ учун:

Вариант	a	b
5	$\pi/12$	0,1
6	$\pi/4$	0,2
7	$\pi/3$	0,3
8	$\pi/6$	0,4

в) $\varphi(t) = \psi(t) = 0$ ва $f(x)$ нинг ушбу қийматлари учун:

x	0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6
$f(x)$	0	0,0266	$0{,}0372-\alpha$	0,0388	0,0418	$0{,}0402+$ $+2\alpha$	0,0816

Вариант	α	Вариант	α
9	0,01	11	0,005
10	0,007	12	0,006

г) $f(x) = (ax^2 + b)e^{-1}$, $\varphi(t) = b$, $\psi(t) = (a+b)e^{-1}$, $T = 0{,}01$

Вариант	a	b	Вариант	a	b	Вариант	a	b
13	1,1	2,1	15	1,5	2,3	17	1,2	2,5
14	1,3	2,2	16	1,4	2,4	18	1,6	2,6

д) $f(x) = e^{-\alpha x}$, $\varphi(t) = e^{\alpha t}$, $\psi(t) = e^{\alpha(t-1)}$, $T = 0{,}02$,

Вариант	α	Вариант	α	Вариант	α	Вариант	α
19	0,8	22	1,7	25	2,9	28	2,8
20	1,1	23	2,3	26	3,2	29	1,5
21	1,4	24	2,6	27	3,0	30	1,8

3-топшириқ: Ушбу $\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$ тенгламанинг $0 \leqslant t \leqslant 0{,}5$, $0 \leqslant x \leqslant 1$ текисликдаги ечими $h = 0{,}1$ қадам билан топилсин. Бошланғич ва чегара шартлар вариантларда кўрсатилган.

Вариант:

1. $u(x, 0) = (1{,}2x^2 + 1{,}1)\sin \pi x,\ u_t(x, 0) = 0,\ u(0,t) = 0,$
$u(1, t) = 0.$
2. $u(x, 0) = (1{,}1\,x^2 + 1)\sin \pi\, x,\quad u_t(x, 0) = u(0,\ t) = 0,$
$u = (1,\ t) = 1.$
3. $u(x, 0) = (1{,}3\,x^2 + 1{,}1)\sin \pi x,\quad u_t(x,\ 0) = u(0,\ t) =$
$= u(1,\ t) = 0.$
4. $u(x,\ 0) = (1{,}4\,x^2 + 1{,}1)\sin \pi\, x,\quad u_t(x,\ 0) = u(0,\ t) =$
$= u(1,\ t) = 0.$
5. $u(x,\ 0) = (1{,}5x^2 + 1{,}1)\sin \pi\, x,\quad u\ (x,\ 0) = u(0,\ t) =$
$= u(1,\ t) = 0.$
6. $h = l = 0{,}1$ квадрат тўрда, $u(x,0) = (1{,}5x^2 + 1{,}2)\sin \pi\pi x$
$u_t(x,\ 0) = 0{,}1x,\ u(0,\ t) = u(1,\ t) = 0.$
7. $h = l = 0{,}1$ квадрат тўрда, $u_t(x,\ 0) = (1{,}5x^2 +$
$+ 0{,}9)\,e^{-x},\ u_t(x,\ 0) = 0,\ u(0,\ t) = 0,\ u(1,\ t) = 2{,}4\,e^{-1}.$
8. $u(x,\ 0) = x(x+1),\ u_t\ (x,\ 0) = \cos x,\ u(0,\ t) = 0,\ u(1,t) =$
$= 2(t + 1).$
9. $u(x,\ 0) = x^2 - 0{,}5x - 0{,}5,\ u_t(x,\ 0) = \sin(x + 0{,}2),\ u(0,\ t) =$
$= t - 0{,}5,\ u(1,\ t) = 3t.$
10. $u(x,\ 0) = -3x^2 + 3x,\ u(x,\ 0) = \cos(x + 0{,}5)\ u(0,t) =$
$= 2t,\ u(1,\ t) = 0.$
11. $u(x,\ 0) = 0{,}5(x^2 + 1),\quad u_t(x,\ 0) = x\sin 2x,\quad u(0,\ t) =$
$= 0{,}5 + 3t,\ u(1,\ t) = 1.$
12. $u(x,\ 0) = x\cos \pi x,\quad u_t(x,\ 0) = (x + 1)^2,\quad u(0,\ t) = 2t,$
$u(1,\ t) = 0.$
13. $u(x,\ 0) = (x + 1)\sin \pi x,\ u_t(x,\ 0) = x^2 + x,\ u(0,\ t) = 0,$
$u(1,\ t) = 0{,}5\,t.$
14. $u(x,\ 0) = 0{,}5x(x + 1),\ u_t\ (x,\ 0) = x\sin x,\ u(0,\ t) = 2t^2,$
$u(1,\ t) = 1.$
15. $u(x,0) = (x + 1)\cos\frac{\pi x}{2},\ u_t(x,\ 0) = 1 - x^2,\quad u(0,\ t) =$
$= 0{,}5t,\ u(1,\ t) = 2.$
16. $u(x,\ 0) = (1 - x^2)\sin \pi x,\ u_t(x,\ 0) = 2x + 0{,}8,\ u(0,\ t) =$
$= 1 + 0{,}5t,\ u(1,\ t) = 0.$
17. $u(x,\ 0) = (x + 0{,}5)^2,\ u_t(x,\ 0) = (x + 1)\cos x,\ u(0,t) =$
$= 0{,}5(0{,}5 + t),\ u(1,\ t) = 3.$
18. $u(x,\ 0) = x(2x - 0{,}5),\quad u_t(x,\ 0) = \sin 2x,\quad u(0,\ t) = t^2,$
$u(1,\ t) = 1{,}8.$

19. $u(x, 0) = (x + 0{,}6)(x + 0{,}5)$, $u_t(x, 0) = \sin(x + 0{,}3)$, $u(0,t) = 0{,}5$, $u(1, t) = 3 - 2t$.

20. $u(x, 0) = (2 - x)\cos \pi x$, $u_t(x, 0) = (x + 0{,}8)^2$, $u(0, t) = 0{,}5\,t$, $u(1, t) = 0$.

21. $u(x, 0) = (x + 0{,}6)\sin \frac{\pi x}{2}$, $u_t(x, 0) = 0{,}3(x^2+1)$, $u(0,t) = 0{,}5$, $u(1, t) = 1{,}2\,t$.

22. $u(x, 0) = (x + 0{,}1)(0{,}5x + 1)$, $u_t(x, 0) = 2\sin\left(x+\frac{\pi}{6}\right)$, $u(0, t) = 2$, $u(1, t) = 4{,}5 - 3t$.

23. $u(x, 0) = (x + 0{,}2)\cos\frac{\pi x}{2}$, $u_t(x, 0) = 1 + x^2$, $u(0, t) = 0{,}4t$, $u(1, t) = 1{,}2$.

24. $u(x, 0) = (x^2 + 1)(1 - x)$, $u_t(x, 0) = 1 - \cos x$, $u(0,t) = 1$, $u(1,t) = 0{,}5t$.

25. $u(x, 0) = (x^2+0{,}6)\sin \pi x$, $u_t(x, 0) = (x+0{,}3)^2$, $u(0,t) = 0{,}5$, $u(1,t) = 2t - 1$.

11-боб. ИНТЕГРАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ

Интеграл тенглама деб, номаълум $y(x)$ функция интеграл ишораси остида бўлган

$$y(x) = C(x) + \int_{A(x)}^{B(x)} F(x, t, y(t))\,dt \tag{1}$$

кўринишдаги тенгламага айтилади, бунда $F(x, t, y)$, $A(x)$, $B(x)$, $C(x)$ функциялар берилган.

Оддий дифференциал тенгламалар учун Коши масаласини ечишни мос интеграл тенгламани ечишга олиб келиш мумкин. Хусусан,

$$\begin{cases} y' = f(x, y), & f \in C(D), \ (x_0, y_0) \in D, \\ y(x_0) = y_0 \end{cases}$$

бошланғич масаланинг x_0 нуқтани ўз ичига олган бирор $[a, b]$ оралиқдаги $y = y(x)$ ечими

$$y(x) = y_0 + \int_{x_0}^{x} f(t, y(t))\,dt$$

интеграл тенгламанинг ҳам ечимидан иборат ва, аксинча, шу интеграл тенгламанинг $[a, b]$ оралиқда узлуксиз бўлган ечими берилган бошланғич масаланинг ечимидан иборат, бунда $C(D)$ орқали D соҳада узлуксиз бўлган функциялар синфи белгиланган.

Эллиптик тенгламаларга (хусусан, $\Delta u = 0$ Лаплас ва $\Delta u = c$ Пуассон тенгламаларга) доир чегаравий масалаларни ечиш ҳам интеграл тенгламага келтирилиши мумкин. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фредгольм ва Вольтерра чизиқли интеграл тенгламалари. Бирор $K(x, t)$ функция (x, t) ўзгарувчилар текислигидаги

$$\Omega = \{(x, t);\ a \leqslant x \leqslant b,\ a \leqslant t \leqslant b\}$$

квадратда аниқланган бўлсин. Ушбу

$$y(x) = \int_a^b K(x, t)\, y(t) dt + f(x) \tag{1}$$

кўринишдаги тенгламага *Фредгольм чизиқли иккинчи жинс интеграл тенгламаси*,

$$\int_a^b K(x, t)\, y(t)\, dt = f(x) \tag{2}$$

тенгламага эса *Фредгольм чизиқли биринчи жинс интеграл тенгламаси* дейилади, бунда $f(x)$ ва $K(x, t)$ функциялар берилган, $f(x)$ — тенгламанинг озод ҳади, $K(x, t)$ — ядроси. Улар учун ушбу

$$\int_a^b \int_a^b |K(x, t)|^2\, dxdt < \infty, \tag{3}$$

$$\int_a^b |f(x)|^2\, dx < \infty \tag{4}$$

тенгсизликларнинг бажарилиши шарт.

Кўп ҳолларда (1) тенгламага λ сонли параметрни киритиб, λ га боғлиқ бўладиган интеграл тенгламалар оиласини ҳосил қиладилар:

$$y(x) = f(x) + \lambda \int_a^b K(x, t)\, y(t)\, dt \tag{5}$$

(Фредгольм параметрли иккинчи жинс интеграл тенгламаси).

Агар $K(x, t)$ ядро ушбу

$$K(x, t) = \begin{cases} K(x, t), & a \leqslant t \leqslant x, \\ 0, & x < t \leqslant b \end{cases}$$

махсус кўринишга эга бўлса, у ҳолда (1) ва (2) тенгламалар

$$y(x) = \lambda \int_a^x K(x, t)\, y(t) dt + f(x), \tag{6}$$

$$\int_a^x K(x, t)\, y(t)\, dt = f(x) \tag{7}$$

кўринишга келади. Бу ҳолда улар мос тартибда *Вольтерра иккинчи жинс ва биринчи жинс интеграл тенгламалари* деб аталади. Бунда $K(x, t)$ функция Вольтерра интеграл тенгламасининг ядроси.

Ушбу

$$\int_a^x \frac{y(t)\, dt}{(x-t)^\alpha} = f(x), \quad 0 < \alpha < 1, \quad \alpha = \text{const} \tag{8}$$

Абель тенгламаси Вольтерра биринчи жинс тенгламасининг хусусий ҳолидан иборат.

1-мисол. Қуйидагилардан қайси бири Фредгольм тенгламасидан иборат?

$$\text{а)}\quad y(x) = \int_1^\infty e^{-xt}\, y(t)\, dt = f(x), \tag{*}$$

$$\text{б)}\quad y(x) = \int_0^\infty e^{-xt}\, y(t)\, dt = f(x). \tag{**}$$

Ечиш: (3) тенгсизликдан фойдаланамиз:

$$\text{а)}\quad \int_1^\infty \int_1^\infty |K(x, t)|^2\, dx dt = \int_1^\infty dx \int_1^\infty e^{-2xt}\, dt = \frac{1}{2} \int_1^\infty \frac{1}{xe^{2x}} dx <$$

$$< \frac{1}{2} \int_1^\infty dx = \infty.$$

Демак, (*) тенглама — Фредгольм тенгламаси.

$$\text{б)}\quad \int_0^\infty \int_0^\infty e^{-2xt}\, dx dt = \frac{1}{2} \int_0^\infty \frac{dx}{x} = \infty.$$

Бунга қараганда (**) тенглама Фредгольм тенгламаси эмас.

Интеграл тенгламаларнинг ечими деб, шу тенгламаларга қўйилганда уларни $x \in (a, b)$ бўйича айниятга айлантирувчи $y(x)$ функцияга айтилади.

2-мисол. $y(x)=0{,}99984$ ифода $y(x)=e^x-x-\int_0^1 x(e^{xt}-1)\,y(t)\,dt$ интеграл тенгламани тақрибан қаноатлантиришини текширинг.

Ечиш: $y(x)=e^x-x-x\int_0^1 (e^{xt}-1)\cdot 0{,}99984\,dt=e^x-x-0{,}99984\,x\left\{\int_0^1 e^{xt}dt-\int_0^1 dt\right)=e^x-x-0{,}99984x\left(\left(\frac{1}{x}e^{xt}\right)\Big|_0^1-t\Big|_0^1\right)=0{,}00016\,(e^x-x)+0{,}99984\approx 0{,}99984,\ \Delta=0{,}00016\,|e^x-x|$. Тенгламанинг аниқ ечими $y(x)=1$ дир.

$(0;+\infty)$ интервалда (6) Вольтерра тенгламаси янги $H(x,t)$,

$$K(x,t)=H(x,t)\,U(x-t)=\begin{cases}H(x,t), & t<x \text{ ларда}\\ 0, & t\geqslant x \text{ ларда}\end{cases}$$

ядро киритиш йўли билан (1) Фредгольм тенгламасига келтирилиши мумкин. Шунингдек, (7) Вольтерра тенгламаси

$$H(x,t)=\frac{\frac{\partial K(x,t)}{\partial x}}{K(x,x)},\qquad \bar f(x)=\frac{\frac{df(x)}{dx}}{K(x,x)}$$

дифференциаллашлар орқали (6) кўринишга келтирилади.

Агар берилган интеграл тенглама чегараланмаган ядрога эга бўлса, маълум алмаштиришлар орқали уни чегараланган ядроли тенгламага келтириш мумкин.

3-мисол. $f(x)=\int_0^x \frac{y(t)}{(x-t)^\alpha}dt\ (0<\alpha<1)$ тенглама (Абелнинг умумлашган тенгламаси) чегараланмаган ядрога эга бўлсин. Унинг ечими мавжуд, у қуйидагича топилиши мумкин.

Тенгламадаги x ни s га алмаштирамиз, сўнг ҳосил бўлган тенгликнинг иккала қисмини $\frac{ds}{(x-s)^{1-\alpha}}$ га кўпайтирамиз ва s бўйича 0 дан x гача интеграллаймиз:

$$\int_0^x \frac{f(s)\,ds}{(x-s)^{1-\alpha}}=\int_0^x \frac{ds}{(x-s)^{1-\alpha}}\int_0^x \frac{y(t)}{(s-t)^\alpha}dt,$$

ёки ўнг қисмда интеграллаш тартибини ўзгартирсак:

$$\int_0^x y(t)\,dt\int_0^x \frac{ds}{(x-s)^{1-\alpha}(s-t)^{\alpha}}=\int_0^x \frac{f(s)ds}{(x-s)^{1-\alpha}},$$

сўнг $s=t+y(x-t)$ алмаштиришни киритсак,

$$\int_t^x \frac{ds}{(x-s)^{1-\alpha}(s-t)^{\alpha}}=\int_0^1 \frac{dy}{y^{\alpha}(1-y)^{1-\alpha}}=\frac{\pi}{\sin\alpha\pi},$$

у ҳолда

$$\int_0^x y(t)dt=\frac{\sin\alpha\pi}{\pi}\int_0^x \frac{f(s)ds}{(x-s)^{1-\alpha}},$$

$$y(t)=\frac{\sin\alpha\pi}{\pi}\left[\frac{f(0)}{x^{1-\alpha}}+\int_0^x \frac{f'(s)}{(x-s)^{1-\alpha}}\,ds\right].$$

$a_i(x)$ $(i=\overline{1,n})$ узлуксиз коэффициентли

$$\begin{cases} y^{(n)}(x)+a_1(x)\,y^{(n-1)}(x)+\ \dots\ +a_n(x)\,y(x)=F(x), \\ y(0)=C_0,\ y'(0)=C_1,\ \dots,\ y^{(n-1)}(0)=C_{n-1} \end{cases}$$

чизиқли дифференциал тенглама учун Коши масаласини ечиш (7) кўринишдаги интеграл тенгламани ечишга (ва аксинча) келтирилиши мумкин. Масалан,

$$\begin{cases} y''(x)+a_1(x)\,y'(x)+a_2(x)\,y(x)=F(x), \\ y(0)=C_0,\ y'(0)=C_1 \end{cases}$$

тенгликларга $y''(x)=\varphi(x)$ (ва бундан $y'=\int_0^x \varphi(t)\,dt+C_1$, $y=\int_0^x (x-t)\,\varphi(t)\,dt+C_1x+C_0$ лар топилиб), $K(x,t)=-[a_1(x)+a_2(x)(x-t)]$, $f(x)=F(x)-C_1a_1(x)-C_1xa_2(x)-C_0a_2(x)$ алмаштиришлар киритилса, натижада

$$\varphi(x)=f(x)+\int_0^x K(x,\ t)\,\varphi(t)\,dt$$

Вольтерра тенгламаси олинади. Энди бундан $\varphi(x)$ аниқланиб, y нинг ифодасига қўйилади ва шу билан бошланғич масала ечими (у ягона) ҳосил қилинади.

Фредгольмнинг 2-жинс интеграл тенгламаларини тақрибий ечиш усуллари:

1. $K(x, t)$ ядрони ажралган ядрога алмаштириш усули. Агар (1) турдаги интеграл тенгламанинг $L(x, t)$ ядроси

$$L(x, t)=\sum_{i=1}^{n} \alpha_i(x)\,\beta_i(t) \tag{9}$$

кўринишида тасвирланиши мумкин бўлса, унга ажраладиган ядро дейилади. Бунда $\alpha_i(x)$ ва $\beta_i(t)$ $(i=\overline{1;n})$ лар $[a, b]$ оралиқда узлуксиз ва чизиқли боғланмаган функциялар. Ажралган ядроли тенглама ечимини излаш у қадар мураккаб эмас. Шунга кўра ихтиёрий $K(x, t)$ ядроли

$$y(x)=f(x)+\lambda \int_a^b K(x, t)\, y(t)\, dt \tag{1}$$

тенглама ядросини $L(x, t)$ ажралган ядрога тақрибан алмаштирадилар ва янги

$$\tilde{y}(x)=f_1(x)+\lambda \int_a^b L(x, t)\, \tilde{y}(t)\, dt \tag{10}$$

тенгламанинг $\tilde{y}(x)$ ечимини берилган (1) тенглама ечими деб қабул қиладилар. (1) тенглама ечими

$$y(x)=f(x)+\lambda \sum_{i=1}^{n} c_i\, \alpha_i(x) \tag{11}$$

кўринишида изланади, бунда

$$c_i=\int_a^b \beta_i(t)\, y(t)\, dt. \tag{12}$$

(11) ифодани (12) га қўямиз. Натижада:

$$c_i=\int_a^b \beta_i(t)\, f(t)\, dt+\lambda \int_a^b \beta_i(t) \sum_{j=1}^{n} c_j\, \alpha_j(t) \quad (i=\overline{1;n})$$

ёки

$$c_i-\lambda \sum_{j=1}^{n} c_j A_{ij}=f_i \quad (i=\overline{1;n}), \tag{13}$$

бунда

$$f_i=\int_a^b \beta_i(t)\, f(t)\, dt, \quad A_{ij}=\int_a^b \alpha_j(t)\, \beta_i(t)\, dt.$$

Энди (13) тенгламалар системасидан c_i лар аниқланиб, (11) га қўйилиши керак.

Одатда ажралган ядро сифатида $K(x, t)$ функция Тейлор қаторининг олдинги бир неча ҳадини олиш билан чегараланадилар.

(1) ва (10) муносабатларга асосланиб, изланаётган $y(x)$ ва топилган $\bar{y}(x)$ тақрибий ечим орасидаги $\delta = |y(x) - \bar{y}(x)|$ фарқ катталигини қуйидагича баҳолаш мумкин:

$$|\delta| < \frac{N|\lambda|(1+|\lambda|R_k^2)h}{1-|\lambda|h(1+|\lambda|R_k)} + \eta, \tag{14}$$

бунда N миқдор $|f(x)|$ нинг юқори чегараси,

$$h > \int_a^b |K(x, t) - L(x, t)|\,dt, \quad \eta > |f(x) - f_1(x)|.$$

R_K ва R_L лар K ва L ядроларнинг резольвенталари. Резольвенталар ушбу муносабатлар бўйича топилади:

$$R_L(x, t; \lambda) = \frac{D(x, t; \lambda)}{D(\lambda)}, \quad R_K > \int_a^b |R_L(x, t; \lambda)|\,dt.$$

$a_{sk} = \int_a^b \alpha_k(x)\beta_s(x)\,dx$ ва

$$D(x, t, \lambda) = \begin{vmatrix} 0 & \alpha_1(x) & \dots & \alpha_n(x) \\ \beta(t) & 1-\lambda a_{11} & \dots & -\lambda a_{1n} \\ \cdot & \cdot & \cdot & \cdot \\ \beta_n(t) & -\lambda a_{n1} & \dots & 1-\lambda_{nn} \end{vmatrix},$$

$$D(\lambda) = \begin{vmatrix} 1-\lambda a_{11} & -\lambda a_{12} & \dots & -\lambda a_{1n} \\ -\lambda a_{21} & 1-\lambda a_{22} & \dots & -\lambda a_{2n} \\ \cdot & \cdot & \cdot & \cdot \\ -\lambda a_{n1} & -\lambda a_{n2} & \dots & 1-\lambda a_{nn} \end{vmatrix}.$$

$D(\lambda)$ нинг илдизлари $L(x, t)$ ядронинг хос қийматларидан иборат.

Узлуксиз функцияларнинг $C(0; 1)$ фазосида қуйидаги нормалар киритилади:

$$\|K\|_{C[0,1]} = \max_{a\leqslant x,\, t\leqslant b} |K(x, t)|, \quad \|f\| = \max_{a\leqslant x\leqslant b} |f(x)|.$$

$\Omega\{a \leqslant x,\ t \leqslant b\}$ соҳада квадрат билан жамланадиган функциялар тўпламида эса норма қуйидагича аниқланади:

$$\|K\| = \left(\int_a^b\int_a^b K^2(x, t)\,dxdt\right)^{1/2}, \quad \|f\| = \left(\int_a^b f^2(x)\,dx\right)^{1/2}.$$

Киритилган норма тушунчасидан фойдаланиб, $\lambda = 1$ бўлган ҳолда δ ни ((14) тенгсизлик) қуйидагича баҳолаш мумкин:

$$\|\delta\| \leqslant \|\Lambda\|(1 + \|R_K\|)(1 + \|R_L\|)\|f\|, \tag{15}$$

бунда $\Lambda(x, t)$ ифода

$$\Lambda(x, t) = K(x, t) - L(x, t)$$

муносабат бўйича аниқланади, унда $L(x, t)$ — ажралган ядро, $\|\Lambda\| \geqslant \|K\| - \|L\|$ (норманинг хоссаси). R_K ва R_L резольвенталар нормалари қуйидагича баҳоланади:

$$\|R_K\| \leqslant \frac{\|K\|}{1 - \|\lambda\| \cdot \|K\|}, \quad \|R_L\| \leqslant \frac{\|L\|}{1 - \|\lambda\| \cdot \|L\|}.$$

4-мисол. $y(x) = \sin x + \int\limits_0^1 (1 - x\cos xt)\,y(t)\,dt$ интеграл тенглама унинг ядросини ажралган ядрога алмаштириш билан ечилсин.

Ечиш: $K(x, t) = 1 - x\cos xt = 1 - x\left(1 - \frac{x^2t^2}{2!} + \frac{x^4t^4}{4!} - \ldots\right)$.

Ажралган $L(x, t)$ ядро сифатида қаторнинг дастлабки учта ҳадини оламиз: $L(x, t) = 1 - x + \frac{x^3t^2}{2}$. Натижада янги

$$\tilde{y}(x) = \sin x + \int\limits_0^1 \left(1 - x + \frac{x^3t^2}{2}\right)\tilde{y}(t)\,dt$$

тенгламага эга бўламиз ва унинг ўнг томонини қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\tilde{y}(x) = \sin x + c_1(1 - x) + c_2x^3, \tag{16}$$

бунда

$$c_1 = \int\limits_0^1 \tilde{y}(t)\,dt, \quad c_2 = 0{,}5\int\limits_0^1 t^2\tilde{y}(t)\,dt. \tag{17}$$

(16) ни (17) тенгликларга қўямиз:

$$\begin{cases} c_1 = 1 - \cos 1 + 0{,}5c_1 + 0{,}25c_2, \\ c_2 = \frac{1}{24}c_1 + \frac{1}{12}c_2 + \sin 1 - 1 + \frac{1}{2}\cos 1. \end{cases}$$

Системадан $c_1 = 1{,}0031$, $c_2 = 0{,}1674$ аниқланади. Изланаётган ечим

$$\tilde{y}(x) = 1{,}0031\,(1 - x) + 0{,}1674\,x^3 + \sin 1.$$

$\|\lambda\| = \|y - \tilde{y}\|$ ни (15) муносабатдан фэйдаланиб баҳолаймиз. $[a, b]$ да квадрати интегралланувчи функциялар учун қуйидагиларга эга бўламиз (навбатлашувчи ишэрали қатор учун Лейбниц теоремасидан фэйдаланган ҳолда):

$$\Lambda(x) = K(x) - L(x) = \left(1 - x + \frac{x^3t^2}{2} - \frac{x^5t^4}{4\,!} + \ldots\right) -$$

